

**Таъсисчи:**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари:**  
С. А. Раззоқов, В. Г. Кан

**Дизайнер ва саҳифаловчи**  
Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили:**  
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 30.03.2013.

Буюртма № ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

### АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган  
Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

Йилда тўрт марта чиқади

2017 йил, 2-сон

#### МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

**Ислом Каримов хотирасига**

**Памяти Ислама Каримова**

*Мамадалиев Ш. О.*  
Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафасини ўрганишнинг айрим жиҳатлари .....3

**Фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари**

**Перспективы развития гражданского общества**

*Ражабова М.*  
Халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш – давр талаби.....8

**Ҳаракатлар стратегияси амалда**

**Стратегия действий – в действии**

*Миразов Д. М.*  
Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда процессуал функцияларнинг мужассамлашувини ҳисобга олиш зарурлиги.....13

**Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш**

**Судебно-правовые реформы и развитие законодательства**

*Эгамбердиев Э.*  
Прокурор ишда иштирок этувчи шахсми?.....22  
*Бердияров Ш. Н.*  
Ҳуқуқий тизимни юридик техника талаблари асосида такомиллаштириш йўналишлари.....30

**Қонунчилик, қонун устуворлиги ва қонунчилик тарғиботи**

**Законодательство, верховенство закона и пропаганда законодательства**

*Исоков Л. Х.*  
Конституционные особенности государственного управления в сфере миграции .....36

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакторы номера:**  
С. А. Раззаков, В. Г. Кан

**Дизайн и верстка**  
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Цена договорная.  
Подписано в печать 30.03.2017.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2017.

**Жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммолар**

**Актуальные проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью**

*Таджибаева Д. А.*  
Пенитенциар коррупцияга қарши кураш – жазони ижро этиш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини оширувчи омил.....42

**Таълим-тарбия ва комил инсонни шакллантириш масалалари**

**Вопросы образования и воспитания и формирования гармоничного человека**

*Расулев А.К.*  
Негативное влияние социальных сетей.....50

*Алимов Ш. Қ.*  
ИИВ Академияси тингловчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишнинг аҳамияти.....55

*Қурбонов А. С.*  
Кураш жараёнида мураббийлар касбий тайёргарлигининг аҳамияти.....60

**Фуқаролик ва ҳўжалик ҳуқуқи муаммолари**

**Проблемы гражданского и хозяйственного права**

*Эргашев В. Ё.*  
Юридик шахслар мол-мулкига нисбатан белгиланган чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини такомиллаштириш муаммолари.....64

*Файбуллаев А. И.*  
Товар омбори томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиниши.....71

*Қўлдашев Н.А.*  
Маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни ундириш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида.....79

**Хорижий тажриба**

**Зарубежный опыт**

*Мируктамова Ф.*  
Ювенал юстицияга доир масалалар ва хорижий давлатлар тажрибаси.....84

**Ёш олимлар минбари  
Трибуна молодых ученых**

*Азизов Э. У.*  
Қонунлар ижросини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари.....91

Ш. О. Мамадалиев,  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Катта илмий ходимлар  
изланувчилар институти бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПРАГМАТИЗМ ФАЛСАФАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсий фаолиятининг моҳиятини ташкил этувчи прагматизм фалсафасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш объектив зарурат эканлиги илмий асослантилган. Ислом Каримов прагматизмини илмий тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** прагматизм, прагматизм фалсафаси, консенсус, манфаат, манфаатлар уйғунлиги, конфронтация, санкция.

### **Некоторые аспекты изучения философии прагматизма Ислама Каримова**

**Аннотация.** В статье обоснована объективная необходимость исследования точек зрения по основным направлениям философии прагматизма, составляющей основу политической деятельности Ислама Каримова.

**Ключевые слова:** прагматизм, прагматическая философия, консенсус, интерес, сочетание интересов, конфронтация, санкция.

### **Some aspects of studying of Islam Karimov's philosophy of pragmatism**

**Annotation.** In the article objective need of a research of the points of view on main trends of the philosophy of pragmatism, constituting the basis of political activity of Islam Karimov is proved.

**Keywords:** pragmatism, pragmatical philosophy, consensus, interest, harmonizing the interests, confrontation, sanction.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқи ва дунё ҳамжамияти тинчлиги, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлашдаги буюк хизматлари тинчликпарвар инсонлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Жумладан, Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2016 йил 9 сентябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган нутқида билдирган «вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуганиевич Каримовнинг замонамизнинг улғу сиёсатчиси, узоқни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи

учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади» деган фикрининг тўғрилигини хорижий давлатлар сиёсий арбобларининг таърифлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Ислом Каримовнинг фаолиятига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин — «...Буюк давлат арбоби, улғу сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда алоҳида ҳурмат қозонган инсон», Туркменистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухаммедов — «Буюк сиёсатчи, улғу давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортиқ севган ватанпарвар инсон», Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон

---

---

Назарбоев – «Ўзбекистоннинг мустақиллиги, иқтисодий ва сиёсатини белгилаб берган улуг давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги етакчи» дея таъриф бердилар.

Бугун Ислом Каримов хотирасини абадийлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам унинг фаолиятига берилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг амалий ифодасидир. Айниқса, дунёнинг қудратли давлатларида кўча ва ҳиёбонларга Ислом Каримов номи берилаётгани ҳар бир ўзбекистонликка чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Масалан, Туркменистон Республикаси пойтахти – Ашхобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Ислом Каримов номи берилгани, Россия Федерациясининг Москва шаҳрида Ислом Каримов номи билан аталадиган кўча ва ҳиёбон ташкил этилгани ҳамда буюк инсоннинг сиймоси ифодаланган ҳайкални яратиш ва ўрнатишга тайёргарлик ишлари ўзбек халқи ва унинг келажига бўлган ишонч ва дўстлик рамзидир.

Ҳозирда публистик ва илмий адабиётларда «Ислом Каримов – мустақиллик асосчиси», «Ислом Каримов – давлат ва сиёсат арбоби», «Ислом Каримов – миллий тараққиётнинг ўзбек модели асосчиси», «Ислом Каримов – прагматик сиёсатчи», «Ислом Каримов – стратегик тафаккур соҳиби» каби умум эътироф этган таърифлардан фойдаланилмоқда. Аммо, таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг дунёвий тафаккур соҳиби сифатидаги яхлит фаолиятини ушбу тушунчалар билан тўлиқ қамраб бўлмайди.

Фанда дунё миқёсида фикр юритувчилар файласуфлар деб аталади. Чунки, файласуфлар умумийликда яқкаликни, яқкаликда эса умумийликни кўра оладиган шахслардир. Шунингдек, файласуфлар донишмандликни севувчи, ҳар бир нарсадан, жумладан, ёмонликдан ҳам хайрли жиҳатни изловчи, адолатни ҳаётнинг мазмуни деб билувчи, бунёдкорлик йўлида ҳақиқат изловчи мутафаккирлардир. Шу жиҳатдан қараганда, Ислом Каримов ҳам етук файласуф, мустақиллик фалсафасининг асосчиси, фалсафа мустақиллигининг тарафдоридир.

Шу боис Ислом Каримов таълимотининг фалсафий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш Ўзбекистон зиёлилари олдида турган долзарб вазифадир.

Ислом Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» асарида «...Олдин гоё пайдо бўлади, ундан кейин гоё асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади» деган қарашлари унинг фалсафаси прагматизмга асосланганидан далолат беради.

Прагматизм фалсафаси Америка Қўшма Штатларида XIX асрда пайдо бўлган. Ушбу фалсафий таълимотга Чарльз Пирс асос солган, Уильям Джемс, Жон Дьюи, Жорж Сантаяна каби файласуфлар эса уни янада ривожлантирган.

XX асрнинг иккинчи ярми, яъни «совуқ уруш» йилларида прагматизм фалсафасини Уиллард Куайн, Уилфрид Селларс, Ричард Рорти каби олимлар такомиллаштирдилар. Уларнинг мақсади ҳукмрон икки қутбли дунё ва унинг мафкуралари ўртасида муросага эришиш, антагонистик кайфиятни юмшатиш орқали дунёда тинчликни сақлаб қолиш бўлган. Шу жиҳатдан, прагматизм XX асрдаги консенсус (муроса)ни рад этадиган ҳукмрон мафкуралар, яъни коммунизм, фашизм, ҳатто демократизмдан устун бўлган.

Демократияни мутлақлаштириш, унга «ягона андоза» сифатида муносабатда бўлиш, босим, куч ишлатиш орқали демократияни зўрлик билан жорий этиш, Шарқий Европа ва Яқин Шарқдаги айрим давлатлар мисолида қандай хунук оқибатларга олиб келганлигини кўриш мумкин. XXI асрдаги воқеа ва ҳодислар мантиғи инсониятни консенсус асосига қурилган кўп қутбли дунёга етакламоқда. Бу эса ҳар қандай «изм»лардан холи бўлган инсонпарвар ҳаётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида манфаатларни эътироф этувчи, амалиётни манфаатга мос тарзда ўзгартиришга ҳаракат қилувчи прагматизм фалсафасини янада ривожлантиришни тақозо этади. Демак, прагматизм фалсафаси, жумладан Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафасини чуқур тадқиқ этиш объектив заруратдир.

Иккинчидан, айрим файласуфлар фалсафанинг «обрўси тушиб» кетаётганидан ваҳима ва тушкунликка тушаётгани, айрим амалиётчиларни эса «бугунги замон фалсафани инкор этади» дея воқеликни ноҳолис баҳолаши, ҳозирги ҳаётимизнинг ўзи фалсафий хулосаларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафасини қуйидаги асосий йўналишар бўйича илмий тадқиқ этиш Ўзбекистон файласуфлари, ижтимоий-гуманитар фанлар олимлари олдида турган кечиктириб бўлмас вазифа деб ҳисоблаймиз:

– Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий прагматизми;

– Ислом Каримовнинг иқтисодий прагматизми;

– Ислом Каримовнинг ижтимоий прагматизми;

– Ислом Каримовнинг маънавий-ахлоқий прагматизми;

– Ислом Каримовнинг хавфсизлик прагматизми.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича ёшлар дунёқарашини бунёдкорлик, яратувчилик асосида шакллантиришга хизмат қиладиган фундаментал аҳамиятга эга юзлаб асарлар нашр этиш мумкин. Назаримизда, ушбу йўналишларнинг мазмунини ёритишда қуйидаги субстанционал фалсафий ғояларни ёритиб бериш мақсадга мувофиқ.

I. Ислом Каримовнинг *сиёсий-ҳуқуқий прагматизмининг* асосини қуйидаги концептуал ғоялар ташкил этади:

– Ўзбекистон халқи манфаатлари, яна бир бор Ўзбекистон халқи манфаатлари асосида ички ва ташқи сиёсатни белгилаш;

– ҳеч бир шахсга боғлиқ бўлмаган қонунлар асосида ўз-ўзини бошқарадиган тизим яратиш;

– давлатни бош ислоҳотчи сифатида эътироф этиш;

– давлат ҳокимиятини халқ томонидан қонунлар орқали шакллантириш, бошқариш ва назорат қилиш;

– кучли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш;

– давлат ва жамиятни бошқаришда

фуқароларнинг бевосита ва билвосита иштирокини кенгайтириш;

– ижро ҳокимияти устидан кучли жамоатчилик назорати ўрнатиш;

– ОАВни том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш;

– ташқи сиёсатни мафкурадан холи тутиш.

II. Ислом Каримовнинг *иқтисодий прагматизмини* қуйидаги ғоялар асосида ёритиш мумкин:

– ҳар бир шахсни мулкдор қилиш, мулк шакллариининг хилма-хил бўлиши, яъни мулкчилик плюрализмига амал қилиш;

– ўрта қатламни шакллантириш;

– фермерлик ҳаракатини ривожлантириш;

– иқтисодий қонунлар асосида сиёсатни белгилаш;

– Ўзбекистонни ишлаб чиқарувчилар жамиятига айлантириш;

– иқтисодиётга халқ фаровонлигини таъминлаш воситаси сифатида қараш;

– ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирадиган банк ва солиқ тизимини ривожлантириш;

– инвестиция, коммуникация тизими ҳамда экспорт салоҳиятини мутассил ривожлантириш.

III. Ислом Каримовнинг *ижтимоий прагматизмини* ўрганишда қуйидаги ғояларга эътибор қаратиш зарур:

– мамлакатда ўта бой ва ўта камбағаллар бўлишига қўл қўймаслик;

– халқ фаровонлигига ривожланиш мезони сифатида қараш;

– даромадли иш жойлари яратиш ва камбағалликка қарши кураш;

– миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш;

– ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш;

– ёшлар, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш;

– оилани мустаҳкамлаш.

IV. Ислом Каримовнинг *маънавий-ахлоқий соҳадаги прагматизми* қуйидаги ғояларда ўз ифодасини топган:

– куч билим ва тафаккурда;

– Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда;

– тарихий хотирасиз келажак йўқ;

– жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин;

– мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли;

– гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, курашиш мумкин;

– миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир;

– мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади;

– ёшларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

V. Ислом Каримовнинг *хавфсизлик прагматизми* қуйидаги гоёларда акс эттирилган:

– қонун, ахлоқ ва учинчи шахс ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида фикрлаш, сўзлаш ва ишлаш;

– ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, хорижий давлатлар ҳарбий базаларини Ўзбекистонга жойлаштирмаслик, ҳарбийларнинг мамлакат ташқарисидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаслиги;

– ядро қуролларидан холи ҳудуд яратиш, ядро қуролларини ишлаб чиқармаслик ва тарқатмаслик;

– ҳар қандай сиёсий зиддият ва низоларни сиёсий, дипломатик ва гуманитар, яъни тинч йўл билан ҳал этиш;

– терроризм, экстремизм, сепаратизм (айирмачилик) каби бугунчи кучларга қарши муросасиз курашиш;

– кучли, тезкор, замонавий қуролланган миллий армияни шакллантириш;

– «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Огоҳлик – муқаддас бурч», «Хушёрликка даъват», «Ўз уйингни ўзинг асра» шиорий гоёлари;

– БМТ тузилмаларининг тинчликни сақлашдаги ролини ошириш.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, халқимизнинг улуг фарзанди Ислом Каримовнинг прагматик гоёларини илмий тадқиқ этиш ва ривожлантириш борасида ижтимоий-гуманитар фанлар олимлари халқимиз, айниқса ёшлар, халқаро жамият олдида қарздор бўлиб қолмоқда.

Ислом Каримовнинг прагматимиз фалсафасини тадқиқ этишда унинг Фарб прагматизмидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, прагматизм фалсафасининг моҳиятида «манфаат», «мотивация», «стимул», «фойда», «даромад» каби ижтимоий-итисодий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи омиллар ётади. Бироқ, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафаси Фарб прагматизм фалсафасидан жиддий фарқ қилади.

Биринчидан, Ислом Каримов прагматизми асосида инсон, ундан кейин манфаат ётади. Фарб прагматизмида эса инсон манфаатлари мутлақлаштирилади. Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам манфаатларни қондириш талаб этилади. Мақсадга, манфаатга хизмат қиладиган ҳар қандай восита ҳақиқат сифатида қабул қилинади.

Иккинчидан, Фарб прагматизми «қонун билан ман этилмаган барча нарсани қилиш мумкин», «шахс эркинлигининг чегараланмаганлиги» принципларини илгари суради. Ислом Каримов прагматизмида шахс эркинлиги қонун, ахлоқ ва учинчи шахс ҳуқуқлари билан чекланиши принципига амал қилинади.

Учинчидан, Фарб прагматизми манфаатга хизмат қиладиган конфронтация, иқтисодий санкция (қамал), куч ишлатиш, зўрлик, босим ўтказиш, ахборот уруши, руҳий уруш каби воситаларни инкор этмайди. Ислом Каримовнинг прагматик фалсафаси зўрликни инкор этувчи миллий ва умуминсоний қадриятларга, маънавиятга таянади. Фарб прагматизмида космополитик ёндашув устунлик қилади, маънавиятга иккинчи даражали аҳамият берилган.

Шу сабабли, XXI асрда Фарб давлатларида маънавий инқирозни ифода этувчи «Фарбнинг сўниши», «Фарбнинг ҳалокати» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Каримов прагматизм фалсафасини ривожлантирди, бу билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон фалсафасининг юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Аммо, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафаси «очилмаган кўриқ» бўлиб қолмоқда. Ушбу фалсафани битта мақола ёки монография билан ёритиб бўлмайди. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, дунёвий аҳамиятга эга фундаментал асарлар яратиш талаб этилади.

М. Ражабова,  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят  
процесси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори*

## ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Аннотация.** Мақолада «халқ маслаҳатчиси» тушунчасининг мазмуни, халқ маслаҳатчиларига қўйилган талаблар, уларни сайлаш ва суд муҳокамасига жалб этиш тартиби ҳамда жиноят-процессуал муносабатларда халқ маслаҳатчисининг ҳуқуқий мақоми чуқур талқиқ этилади.

**Таянч тушунчалар:** халқ маслаҳатчиси, суд-ҳуқуқ тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ислоҳ қилиш, ҳимоя қилиш, ҳуқуқий асослар, фармон, одил судлов, шахсларнинг мурожаатлари.

### **Совершенствование института народных заседателей – требование времени**

**Аннотация.** В статье глубоко проанализированы содержание понятия «народный заседатель», требования, предъявляемые к народным заседателям, порядок выборов и привлечение их в судебные заседания, а также правовой статус народного заседателя в уголовно-процессуальных отношениях.

**Ключевые слова:** народный заседатель, судебная система, права и свободы граждан, реформирование, защита, правовые основания, указ, правосудие, обращение граждан.

### **Improvement of the institute of people's assessors - the demand of the time**

**Annotation.** The article is devoted to the analyses of the notion «people's assessors», requirements made to people's assessors, the order of elections and engaging them in trials and legal status of the people's assessors in the criminal procedure relations.

**Keywords:** people's assessors, judicial and legal system, rights and freedoms of citizens, reforming, defense, legal basis, decree, justice, addresses of citizens.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида узвийлик ва давомийлик асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар йилдан-йилга янги мазмун-моҳият билан бойитиб борилаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, кейинги даврда одил судлов даражасини янада кўтаришга қаратилган амалий чора-тадбирлар муносиб самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 йил 21 октябрь) ва «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва

фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2017 йил 21 февраль) фармонлари асосида Жиноят-процессуал кодекс ва «Судлар тўғрисида»ги қонун каби бир қатор қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шу ўринда жиноят ишларини кўришга ихтисослашган судлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги «халқ маслаҳатчилари» институтига оид нормалардаги айрим бўшлиқларни тугатиш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичида ушбу институтни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигига эътибор қаратмоқчимиз.

---

Аввало шуни қайд этиш керакки, Конституциямиз «халқ маслаҳатчиси» институтининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Чунки унинг 2-моддасида «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деган норма қайд этилган бўлса, 7-моддасига мувофиқ «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Ушбу конституциявий нормаларнинг мазмунида аҳолининг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида бевосита иштирок этиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган.

Шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 62-моддасида «халқ маслаҳатчиси» институтининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ифодаланган. Унга кўра, 30 ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ва иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Қонуннинг ушбу нормасида халқ маслаҳатчилигига номзодга қўйиладиган асосий талаблар аниқ белгилаб қўйилганлигини кўрамиз. Яъни, биринчидан – ёши (30 ёш), иккинчидан – сайланадиган жойи (яшаш ёки ишлаш жойи), учинчидан – сайланадиган муддати (икки ярим йил), тўртинчидан, фуқароликка мансублиги, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши зарурлиги билан боғлиқ шартлар қайд этилган.

Бундан ташқари, ушбу модда талабига кўра, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов куни 30 ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади. Уларнинг иштирокида бошланган суд ишини (жиноят иши назарда тутилмоқда) кўришни тугаллаш

зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно, албатта. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши қонунда акс этган.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, қонунда белгиланган халқ маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ бир қатор қоидалар 2014 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлар тўғрисида»ги низомда ўз ифодасини топган. Низомнинг 8-боби «Халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш» деб номланган бўлиб, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид тартиб-таомиллар 11 банддан иборат қоидаларни қамраб олган.

Бу қоидаларга кўра, халқ маслаҳатчилари сайлови жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлардаги тегишли малака ҳайъатлари томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, ҳарбий қисмларда ҳарбий қисмлар қўмондонлиги билан ҳамкорликда ташкил этилади. Бунда йиғилишлар камида 100 нафар сайловчи бўлган меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар сайловчилар сони 100 нафардан кам бўлса, сайлов бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан бирга ўтказилиши мумкин. Йирик корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг таркибий бўлинмаларида 100 кишидан ортиқ сайловчи бўлса ҳам сайлов ўтказилади.

Халқ маслаҳатчилари сайловида овоз бериш жараёни раис, ўринбосар ва котибдан иборат раёсат томонидан ташкил этилади. Овоз бериш ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида тарзда, очиқ овоз бериш йўли билан бўлиб ўтади. Сайлов иштирокчилари овозининг ярмидан кўпини олган шахслар халқ маслаҳатчиси этиб сайланади. Баённомада овоз бериш натижалари акс эттирилгач, у раёсат таркибидаги шахслар, яъни раис, котиб ва аъзолар томонидан имзоланади. Ўз навбатида, малака



---

---

хайъатлари сайлов натижалари ҳақидаги маълумотларни Олий малака комиссиясига тақдим этади.

Таҳдиллар шуни кўрсатдики, Низомдаги халқ маслаҳатчилари сайловига оид ташкилий-ҳуқуқий қоидалар собиқ Иттифоқ даври норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги тартиб-таомилларга ўхшаб кетади. Яъни, халқ маслаҳатчиси сайловини ташкил этишга доир ушбу қоидалар мазмуни ва моҳияти жиҳатидан эскирган.

Халқ маслаҳатчилари сайловининг тартиб-таомиллари истиқлол йилларида Ўзбекистонда яратилган демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид энг замонавий сайлов жараёнларига, жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкилий-ҳуқуқий шакллантириш тартиб-таомилларига мос эмас. Мисол учун, мазкур сайловнинг ҳокимлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши мантиққа қанчалик мос, деган савол туғилади. Ёки бу сайловда муқобилликка йўл қўйилмаслиги, номзодларнинг одил судловни амалга оширишга нечоғлик салоҳиятли экани ўрганилмаслиги, яъни номзод ҳақида сайловгача сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари шакллантирилмаслиги каби ҳолатлар сайловнинг замон талабларидан жуда йироқлигидан далолат беради.

Боз устига, халқ маслаҳатчилари сайлови жараёнида фақат очиқ овоз беришга таянилиб, овоз беришнинг муқобил усулларидан фойдаланилмайди. Яна бир таажжубланарли томони шундаки, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари учун халқ маслаҳатчиларини сайлаш масъулияти вилоят судлари ёки ҳарбий судларнинг малака ҳайъатлари зиммасига юклатилган.

Албатта, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида, аниқроғи 1994 йилда халқ маслаҳатчилари институтини ташкил этишга янгича ёндашув билан қаралганини қайд этиш лозим. Зеро, собиқ тузум замонидан фарқли равишда, фақат жиноят ишларини кўришга ихтисослашган судларда (вилоят,

унга тенглаштирилган ва туман, шаҳар судларида) халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши қолдирилди, холос. Фуқаролик ишларини кўришда халқ маслаҳатчиси институтидан воз кечилди.

Шу ўринда халқ маслаҳатчилари судда қайси тоифадаги жиноят ишларини кўришда ва қайси инстанция судларида иштирок этади, деган савол туғилади. Ушбу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги мазкур масалага оид нормаларни таҳлил қилиш талаб этилади. Жиноят-процессуал кодекснинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекс билан белгиланиши айtilган.

Мазкур кодекснинг 13-моддаси иккинчи қисми талабига кўра, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ва ҳарбий судлар томонидан оғир ва ўта оғир тоифадаги ишлар биринчи инстанция судида ҳайъатда кўрилганда суд таркиби судья ва икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида эса жиноят ишлари биринчи инстанцияда уч нафар судьядан иборат таркибдаги ҳайъатда кўрилади. Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилиш ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ЖПКнинг 13-моддаси биринчи қисми талабига биноан Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишлари биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилади. Қонун ҳужжатларидаги мазкур талаб жиноят ишини биринчи инстанцияда кўриш фарқлиб, тоифаларга бўлинганидан далолат беради.

---

Жиноят-процессуал кодекснинг 14-моддасига мувофиқ, одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб ҳал қиладилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бу дегани, халқ маслаҳатчисининг жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этиши – унинг ҳуқуқий жиҳатдан судьянинг процессуал ваколатларига тенг эканидан далолат бериб қолмасдан, халқ маслаҳатчи зиммасига жиноят ишини мазмунан ҳал этишда Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексдаги нормалар мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиш, улар талабларига риоя қилган ҳолда шахснинг жиноятни содир қилганликда айбдорлиги ёхуд айбдор эмаслигига тўлиқ баҳо бериш масъулияти юклатилганини англатади.

Шу ўринда хорижий давлатлар қонунчилигида халқ маслаҳатчиларига ўрин ажратилганми, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобимиз ижобийдир. Мисол учун, АҚШ, Швеция каби бир қатор давлатлар ва МДҲ мамлакатларининг аксариятида шунга ўхшаш институт мавжуд. Лекин уларнинг номланиши бошқачароқ. Россия Федерациясида бу институт *қасамёд қилган маслаҳатчилар суди* (суд присяжных) деб номланса, АҚШда *катта жюри*, Швецияда *халқ вакили* деб аталади. Улар ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал тартиби жиҳатдан ҳам давлатимиздаги халқ маслаҳатчиси институтидан фарқ қилади, албатта.

Қандай номланишидан қатъи назар, кўпчилик давлатлар судларида жиноят ишини кўришда жамоатчилик вакиллари иштирокига катта эътибор берилади. Чунки, либерал ғояларга таянган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш асосий вазифаси саналган жамиятда

ва ҳуқуқий давлатда, бошқа соҳалар қатори, ҳокимиятнинг мустақил учинчи тармоғи ҳисобланган судда ҳам халқ вакиллари иштирок этиши ижтимоий зарурат, жамоат назоратининг бир кўриниши ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги қонуни, «Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низом талаблари ҳамда Жиноят-процессуал кодекснинг 11, 13 ва 14-моддаларида белгиланган қонунийлик, жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриш ҳамда судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши принципларига таянган ҳолда, халқ маслаҳатчилари институтини ташкилий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал жиҳатдан тубдан ислоҳ этиш мақсадга мувофиқдир.

Буни, аввало, унинг номини ўзгартиришдан бошлаш, яъни уларни «халқ вакиллари» ёки «жамоатчилик вакиллари» деб номлаш таклиф этилади. Нега деганда, ўзбек тилининг изоҳли лугатида «маслаҳатчи» сўзининг маъноси турлича изоҳланган бўлиб, жумладан маслаҳатчи деганда бирор идора, муассасада ёки бирор лавозимли шахс ҳузурида маслаҳат бериш вазифасида ишлаган ходим тушунилади. Суд жараёнида иштирок этадиган халқ маслаҳатчилари эса ишнинг ҳал этилишида судьяга маслаҳат бериш учун сайланган эмас, балки халқ вакиллари сифатида жиноят процессининг тўла ҳуқуқли, яъни ҳатто судья билан тенг субъекти ҳисобланади.

Яна бир таклиф. «Халқ вакиллари сайлови ва уларнинг мақоми тўғрисида» янги қонун қабул қилиш зарурати мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, халқ вакиллари институти фуқаролик жамияти институтларининг муайян бир тури бўлгани боис, бу институтнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, айниқса, сайлов йўли билан ҳуқуқий мақомга эга бўлиши айнан фуқаролик жамияти тузилмалари билан ўхшаш ва уйғун тарзда амалга оширилиши лозим. Қонуннинг мазмун-моҳиятида халқ вакили сайловига оид барча масалалар акс этиши, жумладан

---

---

сайловни ташкил этишга масъулар, сайловга тайёргарлик кўриш босқичлари, сайловнинг демократик тарзда, очиқ-ошкора амалга оширилиши, номзодларга қўйиладиган талаблар, биринчи навбатда, уларнинг муқобиллик асосида танланиши белгилаб қўйилиши керак. Шунингдек, сайлов жараёнида номзодларнинг ҳуқуқий маданияти ва таффақури юксаклиги, айниқса, судда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қодир экани, одил судловни амалга оширишда уларнинг ўрни жуда муҳимлиги каби омилларга ҳам эътибор қаратилиши зарур. Қолаверса, сайлов жараёнида овоз беришнинг турли усуларини қўллаш, сайлов натижаларидан сайловчиларни хабардор қилиш ва бошқа демократик сайлов принциплари ифодаланиши лозим. Энг муҳими, Жиноят-процессуал кодекс талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ вакилларини сайлаш ва номзодларни саралашда адолат мезонларини янада бойитиш керак.

Фикримизча, жиноят ишларини судда кўришда халқ вакилининг иштирокини таъминловчи замонавий, моҳият жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи сайлов жараёнини шакллантириш жараёнида бир муҳим масала эътибордан четда қолмаслиги даркор. У ҳам бўлса, судда жиноят ишларини мазмунан ҳал этиш босқичида, яъни биринчи инстанция судида халқ вакилининг иштироки муҳимлигини инобатга олган ҳолда ЖПКдаги биринчи инстанция судида иш юритишга оид (ўнинчи бўлим) қатор нормаларга аниқлик (қўшимча ёки ўзгартишлар) киритиш чораси кўрилиши халқ вакилининг

судда иштирок этиши билан боғлиқ жиноят-процессуал механизмнинг янада мукамаллашувига сабаб бўлиши баробарида, ҳозирги ҳолатдаги ноаниқликларга барҳам берилади. Чунки ЖПКда «халқ маслаҳатчиси» юридик атамаси ўрнига «судья ёки судьялар» атамаси ишлатилгани ўта мунозарали, баҳсталаб бўлиб, бундай ёндашув мантиқий жиҳатдан ноўриндир. Зеро, жиноят процесси иштирокчилари сирасига кирган «халқ вакиллари» атамаси ЖПКнинг тегишли нормаларида ўрнига кўра ўз номи билан аниқ-лўнда ифодаланиши мантиқан ва юридик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Юқорида номи келтирилган янги қонуннинг қабул қилиниши ва ЖПКга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши халқ вакилларининг мақомини аниқлаштирган ҳолда улар сайловининг демократик принциплар асосида ташкил этилишига, энг муҳими, жиноят ишининг биринчи инстанция судида мазмунан ҳал этилишида фуқаролик жамияти институтининг ўрни ва аҳамияти янада ошишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, халқнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Бинобарин, бўлажак янги қонун асосида демократик руҳда ўтказиладиган сайлов жараёни том маънодаги фуқаролик жамияти атрибутларининг шиддат билан ривож топишига, асосийси, жаҳон сиёсий майдонида Ўзбекистонимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этаётган илғор мамлакат сифатидаги обрў-эътибори тубдан юксалишига сабаб бўлади.

Д. М. Миразов,  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва  
криминалистика кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент*

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШДА  
ПРОЦЕССУАЛ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ МУЖАССАМЛАШУВИНИ  
ҲИСОБГА ОЛИШ ЗАРУРЛИГИ**

**Аннотация.** Мақолада Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган Жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясининг процессуал функциялари ва уларнинг ташкилий мужассамлашувини ҳисобга олиш зарурлиги, мавжуд муаммоларнинг ечимлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч тушунчалар:** жиноят-процессуал ҳуқуқ, процессуал функция, одил судлов, айблов, ҳимоя, суриштирув, дастлабки тергов, прокурор назорати.

**Необходимость учета организационного воплощения функций уголовного процесса при разработке концепции развития уголовно-процессуального законодательства**

**Аннотация.** В статье раскрыты вопросы необходимости учета организационного воплощения функций уголовного процесса при разработке концепции развития уголовно-процессуального законодательства согласно требованиям Стратегии развития Узбекистана, даны предложения по разрешению существующих проблем.

**Ключевые слова:** уголовно-процессуальное право, процессуальные функции, правосудие, обвинение, защита, дознание, предварительное расследование, прокурорский надзор.

**Necessity of taking into account of the embodiment of procedural functions in developing the conception for improvement of criminal procedure legislation**

**Annotation.** The article deals with the questions of need for accounting of organizational embodiment of the functions of criminal procedure in working out of the concept of development of the criminal procedure legislation according to requirements of the Strategy of development of Uzbekistan, and offers the ways of solution of existing problems.

**Keywords:** criminal procedure law, procedural functions, justice, accusation, defense, inquiry, preliminary inquiry, public prosecutor's supervision.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга

олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда»<sup>1</sup>, деган сўзлари мамлакатимиз ривожланишининг бугунги асосий векторини белгилаб беради, десак муболаға бўлмайди.

Зеро, бундан 20йил олдин мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган ЖПКда Ўзбекистоннинг янги жиноят-процессуал доктринаси эълон қилинган эди. Ушбу

---

доктринанинг асосий элементлари жиноят процессининг принципларида акс эттирилган бўлиб, улар орасида қонунийлик, айбсизлик презумпцияси, одил судловнинг фақат суд томонидан фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, тортишув, ошкоралик, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш ва бошқалардан иборат. Айнан шу принциплар орқали Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича иш юритув умуминсоний қадриятларга асосланиши ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган стандартлари талаблари асосида амалга оширилиши дунё ҳамжамиятига эълон қилинган эди. Бу эса, ўз навбатида, юқорида келтирилган раҳбарий қоидалардан келиб чиққан ҳолда жиноят-процессуал ҳуқуқ фанининг назарияси ривожланишига ҳам таъсир этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи йўналиши — «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари» — доирасида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодийнинг ривожланиши ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича 2018—2021 йилларга мўлжалланган Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш» вазифаси белгиланган. Бу вазифа, энг аввало, жиноят процессининг назарий негизларини таҳлил этишни назарда тутди.

Барчага маълумки, жиноят процесси Умумий ва Махсус қисмлардан, алоҳида ва

махсус институтлардан ташкил топган. Шу билан бирга, жиноят-процессуал ҳуқуқ фани назариясида процессуал муносабатлар, процессуал кафолатлар, процессуал шакл, жиноят процессининг босқичлари ва жиноят-процессуал функциялар мавжудлиги эътироф этилади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ фани назарияси ҳақида гап кетганида жиноят-процессуал муносабатлар тўғрисида фикр юритмасликнинг иложи йўқ. Зеро, жиноят процесси жараёнида амалга оширилаётган ҳар қандай муносабат жиноят-процессуал муносабатларни ташкил қилади. Масаланинг муҳим жиҳати процесс иштирокчилари орасидаги барча муносабатлар ҳам жиноят-процессуал муносабатларни ташкил этадими ё йўқми, деган саволга бериладиган жавобда намоён бўлади. Жумладан, терговчи гувоҳни сўроқ қилиш учун чақириб, гувоҳ келганидан сўнг уни сўроқ қилади ва сўроқ баённомаси тузади. Шубҳасиз, булар жиноят-процессуал муносабатлардир. Аммо айтиш мумкинки, бу гувоҳ иш ёки яшаш жойида ишга доир ҳолатларни муҳокама қилса, тушунтирса, бу муносабатлар жиноят-процессуал муносабат бўладими? Албатта, йўқ. Чунки ушбу муносабатлар жиноят-процессуал ҳуқуқ доирасида амалга оширилмаган ва шаклга солилмаган.

Жиноят-процессуал шакл — жиноят процессининг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи, уни амалга ошириш жараёнида кенг қўлланиладиган, процесс иштирокчилари орасида юзага келаётган жиноят-процессуал муносабатларни аниқ ва батафсил белгиланган тизимга солувчи талаблар мажмуидир. Масалан, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 96—108-моддаларида кўрсатилган умумий қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилади — сўроқ қилишга чақириш, шахсини аниқлаш, кўрсатма бериладиган тилни аниқлаш, эркин сўзлаб бериш, савол-жавоб, баённомани расмийлаштириш. Бу билан сўроқ қилишнинг ҳар бир тури ўзига хослиги инкор этилмайди, балки уларнинг умумий шакли белгилаб берилди. Жумла-

дан, гувоҳни сўроқ қилишда уни ЖКнинг 238, 240-моддалари билан ёлгон гувоҳлик берганлик ва кўрсатма беришдан бош тортганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантириш, айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин унинг айбловга муносабатини аниқлаш каби хусусиятлар сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг турларига тааллуқли процессуал шакл элементларини ташкил этади. Бу хусусиятлар, энг аввало, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида тартибга солинган бўлса, иккинчи томондан процесс иштирокчиси томонидан бажариладиган функциялардан келиб чиқади. Ушбу функциялар жиноят процесси иштирокчисининг процессуал (ҳуқуқий) мақомини белгилаб берувчи асосий йўналишлари эканлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Жиноят процессига оид илмий наشرлар, монография, дарслик, қўлланма ва илмий ҳамда оммабоп мақолаларда жиноят процессининг функциялари тўғрисида жуда кўп, баъзан ўзаро зид фикр-мулоҳазалар билдириб келинади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ фанининг назарияси соҳасида фикр юритган М.С.Строгович, Ю.И.Стецовский, А.М.Ларин, П.С.Элькинд, В.М.Савицкий, С.А.Шейфер<sup>2</sup>, Г.П.Саркисянц, Б.А.Миренский, Г.А.Абдумажидов, Ф.М.Мухитдинов, З.Ф.Иноғомжонова, У.А.Тухташева<sup>3</sup> каби бир гуруҳ олимлар жиноят процессининг функцияларига одил судлов, айблов, ҳимоя, тергов, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш, жиноятларнинг олдини олишни киритсалар, Б.Т.Акрамходжаев<sup>4</sup> бу рўйхатга ҳуқуқни тиклаш функциясини ҳам киритади.

Албатта, ушбу олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда биз жиноят процессининг принциплари тизими ва таснифланиши, уларнинг ўзаро муносабати ва мустақил тизимли мужассамлашуви масаласи ҳанузгача узил-кесил ечимини топмаганлигини қайд этишимиз керак.

Шу билан бирга, бир гуруҳ олимлар жиноят-процессуал функцияларни таснифлашдан

ягона рўйхат тарзида келтирадилар ва улар бир-биридан мустақил равишда ишлашини қайд этадилар<sup>5</sup>. Бошқалари эса жиноят-процессуал функцияларни икки гуруҳга — асосий (одил судлов, айблов, ҳимоя) ва қўшимча (тергов, зарарни қоплаш, жиноятларнинг олдини олиш) функцияларига ажратадилар<sup>6</sup>.

Бизнингча, жиноят-процессуал назариянинг олдида турган бугунги долзарб масала жиноят-процессуал функцияларнинг таснифи ва тизими қандай эканлиги эмас, балки ушбу функцияларнинг жиноят процессининг фундаментал асоси сифатидаги ўрни, роли ва уларнинг ўзаро муносабати (нисбати) ҳамда ташкилий жиҳатдан мужассамлашувидир.

Зеро, тарихий манбалардан маълумки, жиноят процесси ҳозирги ҳолатда шаклланишига қадар, ҳатто одат нормалари ҳукмрон бўлган даврда ҳам, айблов, ҳимоя ва одил судлов функциялари мавжуд бўлган. Демак, жиноят процессининг энг қадимий, зарурий, асосий функциялари учта — одил судлов, айблов ва ҳимоя функцияларидир.

Бизнингча, жиноят-процессуал назария нуқтаи назаридан, ушбу уч функция жиноят процессида жуда муҳим вазифани бажаради. Агар аналогияни қўлайдиган бўлсак, жиноят-процессуал функциялар буюк француз мутафаккири Шарль Луи Монтескьё<sup>7</sup> томонидан асослаб берилган ҳокимиятларнинг тармоқларга бўлиниши тизимининг улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципига асосланган ҳолда жиноят процессининг асосий ғояси бўлмиш **адолатни** рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Бу эса охир-оқибатда ЖКнинг 2-моддасида кўрсатилган жиноят процессининг асосий вазифаси — «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш» вазифаси тўлақонли амалга оширилишига хизмат қилади.

Шу ўринда савол туғилади: бугун жиноят процессининг функциялари ҳуқуқий,

---

ташкилий ва процессуал жиҳатдан юқорида келтирилган вазифанинг ижросини таъминлашга қодирми? Уни таъминлаш учун етарли моддий ва маънавий ресурслар базасига эгами?

Ушбу саволларга жавоб бериш учун жиноят процесси функцияларининг бугунги ҳолати, ташкилий жиҳатдан қайси давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилганлиги, ушбу ваколатлар шу органлар ва мансабдор шахслар томонидан қай даражада ва қандай амалга ошириляётганлигини таҳлил қилишга ундайди.

Энг аввало, одил судлов функцияси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, ЖПК 28-моддасининг биринчи қисмига кўра, «Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади». Одил судлов, ўз мазмунига кўра, жиноят ишларини биринчи, апелляция, кассация, назорат инстанцияларида ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан кўриб чиқиб, ҳал этишда намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, одил судловнинг умумий тузилмавий скелетини, яъни судларнинг бўғинлари ва одил судловнинг даражаларини ташкил этишини қайд этиш керак.

Ҳар бир бўғин суди томонидан кўриб чиқиладиган жиноят ишларининг турлари ЖПКнинг 389-моддасида судловга тегишлилик қоидалари сифатида тартибга солинган. Бу орқали ЖПКнинг 12-моддасидаги «Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши» умумий қоидасидан хусусийга қараб, яъни «ҳар бир бўғин суди томонидан кўриб чиқиладиган жиноят ишларининг турлари аниқ белгиланган» деган қоида келиб чиқади.

Мамлакатимизда амалга ошириляётган жиноят ишлари бўйича одил судлов амалиётига доир статистика рақамларидан маълум бўлишича, бугун асосий юк жиноят

ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг зиммасига тушмоқда. Лекин бу юқори бўғин судлари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳарбий судларнинг иши кам дегани эмас. Чунки, улар ўз мақомига кўра юқори турувчи судлар ҳисобланади ва ишларни кўпроқ биринчи инстанция суди сифатида эмас, балки апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари сифатида кўриб чиқади ҳамда қуйи инстанция судлари томонидан одил судловни амалга оширишда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш ва бартараф этиш бўйича одил судловнинг сифатини оширишга йўналтирилган судлов фаолиятини амалга оширади.

Бундан ташқари, бугун судлар томонидан одил судловга хос бўлмаган, лекин шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур вазифалар ҳам бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги (2005 йил 8 август) фармони асосида «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2007 йил 11 июль) Ўзбекистон Республикаси қонуни билан ҳуқуқий тартибга солинган ва 2008 йил 1 январдан бажариляётган янги вазифа «Habeas corpus» институтидир. Бу вазифа «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2012 йил 18 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонуни билан янада ривожланирилиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чоралари туман (шаҳар) судининг рухсати билан қўлланилиши белгиланди. Бундан ташқари, ушбу институт «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

---

---

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2014 йил 7 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонуни билан ЖПКда уй қамоғи эҳтиёт чорасининг жорий этилиши ва у суднинг рухсати билан қўлланилиши тартиби ўрнатилиб, ривожланишини давом эттирди.

Кўриниб турибдики, одил судловни амалга ошириш бўғинлари ва босқичларини ислоҳ қилиш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад суднинг амалда мустақиллигини таъминлаш эканлиги мамлакатмиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан такрор ва такрор айтилмоқда. Айнан шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги катта аҳамиятга эгаллигини тан олиш даркор.

Иккинчи асосий функция – айблов функцияси бўлиб, уни прокурор (ЖПК 34, 243, 382-388, 409, 558, 589-м.), терговчи (ЖПК 35-37, 321-381-м.), суриштирувчи (ЖПК 38, 339-343-м.), жабрланувчи (ЖПК 54-55-м.), фуқаровий даъвогар (ЖПК 56-57-м.), жабрланувчининг қонуний вакили (ЖПК 60-61-м.), жабрланувчининг ва фуқаровий даъвогарнинг вакили (ЖПК 62-63-м.) амалга оширадилар.

Бир қарашда айблов функциясини амалга оширадиган органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва тўлиқ белгилангандек кўринади. Аммо масалани чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ҳуқуқий ечимини кутаётган бир қатор муаммоли ҳолатлар борлигига амин бўламиз. Биринчи муаммо прокурорнинг

жиноят-процессуал мақомида кўринади. Прокурор муайян жиноят иши бўйича бир неча ўзаро қарама-қарши ваколатларни бажаради. Энг аввало, ЖПКнинг 382-моддасига кўра, «...жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади, суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради». Албатта, кўрсатилганлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида белгиланган прокурор назоратининг бир йўналишидир. Лекин ЖПКнинг 344-моддасига асосан дастлабки терговни амалга ошириш, ЖПКнинг 382-моддаси учинчи қисми 8-бандига асосан «...ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўлиқ амалга ошириш» ваколатини қандай тушуниш керак? Прокурор назорат қиладими ёки ўзи ижро этадими?

Иккинчи ҳолат прокурорнинг суд муҳокамаси даврида давлат айбловини қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ. ЖПК 409-моддасининг биринчи қисмига кўра, «прокурор биринчи инстанция судларида



---

жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди». Лекин ЖПК 51-моддасининг биринчи қисми 6-бандига кўра, «давлат айбловчиси ... иштирок этаётган ишлар бўйича» ҳимоячининг иштироки мажбурийдир. Демак, барча жиноят ишларини судда кўришда давлат айбловчиси иштирок этмайдими? Агар иштирок этмайдиган бўлса, жиноят процессининг асосий принципларидан бири бўлган «судда ишларни юритишда тортишув» (ЖПК 25-м.) амалга оширилмайдими?» деган бир қатор саволлар туғилади.

Фикримизни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишини ёдга оладиган бўлсак, унда прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига ҳам назар ташлашимизга тўғри келади. Маълумки, прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизим бўлиб, республиканинг ҳар бир туман, шаҳар, вилоятида ва бошқа ҳудудий бирликларда, Қуролли Кучлар, транспорт соҳаларида қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат ташкилоти бўлиб, унга Бош прокуратура раҳбарлик қилади. Бу — биринчидан. Иккинчидан, ҳар бир прокуратура органи таркибида тергов бўлимлари мавжуд. Учинчидан, ЖПКнинг 38 ва 339-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти суриштирувни амалга оширади. Тўртинчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ прокуратура органлари тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Прокуратуранинг юқорида келтирилган ваколатларини жиноят-процессуал

функциялар нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, бир органда суриштирув, тергов ҳамда ушбу фаолиятларни мувофиқлаштириш ва назорат ваколатларининг жамланиши назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлади.

Жиноят процессида айблов функциясини амалга ошириш ваколати берилган энг масъул мансабдор шахс — терговчи. ЖПКнинг 344-моддасига асосан дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Ушбу кодекснинг 345-моддасига кўра жиноятларнинг терговга тегишлилиги мазкур органлар орасида қатъий ажратиб қўйилган.

Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари тузилиши ва асосий вазифасига кўра ташқи ва ички жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи асосий суриштирув органлари эканлиги ЖПКнинг 38 ва 339-моддаларида аниқ кўрсатилган. Шу билан бирга, биз юқорида прокуратура мисолида келтирган, бир органга бир неча ўзаро жуда боғлиқ, лекин бирлаштирилиши мумкин бўлмаган ваколатларнинг берилганлигини МХХ ва ички ишлар органлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, судга қадар иш юритув босқичлари бўлмиш терговга қадар текширув (жиноят иши кўзғатиш), суриштирув ва дастлабки тергов босқичларининг ўзига хослиги айнан уларнинг бир-биридан ажратилганлигида бўлиб, бундан бири иккинчисининг фаолиятидаги камчиликларни ошкор этиши ва яширмаслиги мақсади кўзланган. Лекин бугун юқорида келтирилган органлар таркибидаги суриштирув ва дастлабки тергов бўлинмаларининг фаолиятида қонунбузарликларни яшириш, субъектив ёндашув ва идоравий манфаатларни устун қўйиш ҳолатлари йўқ дея олмаймиз?

Шу билан бирга, ИИВ таркибидаги Ахборот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларига жиноятлар, жиноят ишлари ва жиноят содир этган шахсларни ҳисобга олиш

---

ҳамда рўйхатини юритиш ваколати берилганлигини ва ички ишлар органларининг фаолиятига баҳонинг муайян давр мобайнида мазкур ҳудудда ҳисобга олинган жиноятларнинг очилганлиги даражасига кўра берилишидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатдаги жиноятчиликнинг ҳақиқий аҳволи мавҳумлиги аён бўлиб қолади.

Масаланинг иккинчи томони ЖПКнинг 36-моддасига кўра, терговчи жиноят ишини тугатиш ваколатига эгаллиги — унга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш, яъни одил судловни амалга ошириш ваколати берилганлигини, иш бўйича айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлаш мажбурияти — ҳимоя функциясини бажаришини, ЖПКнинг 342-моддасига кўра жиноят ишини суриштирувчидан талаб қилиб олиш ваколатига эгаллиги эса назорат белгиси мавжудлигини англатади. Бир мансабдор шахс зиммасига айна вақтнинг ўзида уч хил ўзаро зид вазифаларнинг юклатилиши жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан нотўғри, деб ҳисоблаймиз.

Айблов функциясини амалга оширувчи яна бир субъект — *суриштирув органлари*. Ўтган йиллар давомида ЖПКнинг 38-моддасига олти маротаба ўзгартиш ва қўшимча киритилган бўлиб, бу янги суриштирув органлари ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Бир қарашда, бу суриштирув органларининг суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш жараёнига мос тарзда такомиллашиб бораётганлигини кўрсатади. Амалда эса муаммолар келтириб чиқармоқда. Улар суриштирувнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, суриштирув органларининг турлари, ваколатлари, суриштирувнинг тезкор-қидирув фаолияти ва терговга қадар текширувдан фарқланиши ва ўзаро мутаносиблиги каби масалалар билан чекланиб қолмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясининг бугунги асосий вазифаларидан бири — суриштирувни процессуал институт сифатида қатъий шакллантириш, суриштирув органлари орасида жиноятларнинг суриштирувга тегишлилигини аниқ

тақсимлаш, суриштирув, тезкор-қидирув фаолияти ва терговга қадар текширув босқичлари ўртасида ҳуқуқий ва процессуал чегараларни аниқ белгилаш масалаларини ҳал этиш бўлиши керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва ҳудудий тергов органлари таркибида суриштирув бўлинмалари ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш тузилмалари ташкил этилганлигини ижобий баҳолаш керак.

Жабрланувчи ўз мақомига кўра айблов функциясини амалга оширувчи асосий процессуал шахс бўлмаса ҳам, жиноят процессининг энг манфаатдор иштирокчисидир. ЖПК нормаларига охириги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг таҳлили мамлакатимизнинг жиноят процессида диспозитивлик институти жадал ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунда асосий ўринда, биринчидан, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тўғрисидаги қўшимчалар<sup>8</sup> (2001 йил 29 август) ва иккинчи ўзгартиш — хусусий айблов институтининг кенгайтирилиши (2012 йил 5 январь<sup>9</sup>, 2012 йил 29 декабрь<sup>10</sup>) эътироф этилиши керак. Масаланинг энг асосий ютуқли жиҳати шуки, Конституциянинг бир қатор моддаларида акс этирилган шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги қоидасини таъминлаш механизми ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилишига эришилди.

Шу билан бирга, жабрланувчининг айбловдан воз кечиши тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган. Жумладан, «ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган жиноятлар бўйича жиноят ҳақида ҳабар берилганидан сўнг, жабрланувчининг аризаси бўлмаган ҳолларда, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмидаги қайси журналда рўйхатдан ўтказилиши керак?», «У жиноят сифатида рўйхатдан ўтиши керакми ёки

йўқми?» деган саволлар қонун ҳужжатларида ўз ечимини топмаган. Бундан ташқари, дастлаб ариза беришдан бош тортган жабрланувчи кейинчалик шахсга нисбатан айнан шу асос бўйича тегишли органга жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эгами ёки йўқми, деган масала ҳам қонун ижодкорлари томонидан ҳал этилмаган.

Шу билан бирга, яна бир муаммоли ҳолат мавжуд. Хусусий айблов тўғрисидаги ишлар бўйича ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноий қилмишлар орасида 121-моддасининг биринчи қисми ҳам берилган. Жиноят кодексига назар ташласак, «121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш» деб номланиб, унинг диспозициясида жиноий қилмиш «...хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни гайритабiiй усулда қондиришга мажбур этиш» сифатида тавсифланган. Айни вақтда ЖПКнинг 325-моддаси биринчи қисмидаги иккинчи гапга эътибор қаратамиз: «Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини кўзгатиши шарт». Демак, қонуннинг битта нормасида бир-бирини истисно қилуви иккита императив кўрсатма бор. Хўш, бундай вазиятда ҳуқуқни қўлловчи қандай иш тутиши керак?

Юқоридагилар билан бирга, жабланувчи билан боғлиқ энг муҳим масала унинг процессуал мақомини аниқ тартибга солиш кераклигидир. Зеро, ЖПКнинг 54-моддасига кўра, «жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи,

терговчи, прокурор — қарор, суд эса ажрим чиқаради». Бинобарин, қарор чиқарилса — жабланувчи бўлади, чиқарилмаса — йўқ?! Шахсга зарар етказилганлиги эса иккинчи даражали нарсага айланиб қолган. Бу ҳол оддий мантиқий мушоҳада қоидаларига ҳам зид ҳолатни юзага келтиради. Шунинг учун жиноят-процессуал назария олдида турган асосий вазифалардан бири жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартишлар киритилишини назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Жиноят процессининг асосий функцияларидан яна бири — *ҳимоя функциясидир*. Унинг субъектлари қаторига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киритишимиз мумкин.

Эътироф этиш жоизки, ЖПК қабул қилинганидан буён унга киритилган ўзгартиш ва кўшимчаларнинг кўп қисми айнан ҳимояланиш ҳуқуқини такомиллаштиришга бағишланди, халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим стандартлари талабларига тўлақонли жавоб беради, «Миранда», «Хабеас корпус акт» институтлари жорий этилди. Шу билан бирга, адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга оид талаблар жиддий тарзда ўзгартирилди.

Энг асосий ва кенг қамровли ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги» қонуни орқали амалга оширилди. Айнан шу қонун билан адвокатнинг ҳуқуқий мақоми тубдан ўзгартирилди, жумладан ҳимоячи биронта мансабдор шахснинг руҳсатсиз ҳимояси остидаги шахс билан сони ва муддати чекламаган ҳолда учрашиш (ЖПКнинг 46, 48, 53, 61, 215, 230, 571-мм.), далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш ваколатлари (ЖПКнинг 87-м. 2-қ.) берилди. Таъкидлаш жоизки, ҳимоя функциясини амалга оширишдаги асосий муаммо — ҳимоячининг қонун билан берил-

---

---

ган ўз ваколатларидан тўғри ва қонуний фойдаланиши масаласидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар йилдан-йилга бойитилиб, мукамаллашуви билан бирга, ислоҳотларнинг янги босқичига замин яратиб, соҳа олимларини ЖПК ва бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалаларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишга ундайди.

<sup>1</sup> Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. – 7 дек.

<sup>2</sup> Масалан, қаранг: *Шейфер С. А.* Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – 119 с.; *Савицкий В. М.* Прокурорский надзор за соблюдением законности в деятельности органов дознания и предварительного следствия. – М., 1989. – 168 с.

<sup>3</sup> *Абдумажидов Г.А.* Расследование преступлений: (Процессуально-правовое исследование). – Т., 1986. – 191 с.; Уголовно-процессуальное право. Особенная часть: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов / Под общ. ред. Г.А.Абдумажидова. – Т., 2011. – 524 с.; *Иногомжонов З.Ф.* Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 2007. – 47 б.; *Миренский Б.А.* Новое в уголовно-процессуальном законодательстве. (Общая часть). – Т., 1995. – 86 с.; *Унинг ўзи.* Новое в уголовно-процессуальном законодательстве (Особенная часть). – Т., 1995. – 34 с.; *Muxitdinov F.M.* Jinoyat protsessi: mohiyat, mazmun, shakl. – Т., 2002. – 320 б.; *Тухташева У. А.* Уголовный процесс: Учебник. – Т., 2007. – 512 с.

<sup>4</sup> *Акрамходжаев Б.Т.* Правовосстановительная функция в уголовном процессе. – Т., 1997. – 112 с.

<sup>5</sup> O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat protsessi: Darslik / В.А. Мirenskiy, А.Х.Раҳмонқулов, V.V.Қодирова ва boshq. – Т., 2012. – 635 б.; *Пўлатов Б.Х.* Прокурор назорати: Дарслик. – Т., 2009. – 670 б.

<sup>6</sup> *Иногомжонов З. Ф. Тўлаганова Г. З.* Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – 320 б.; *Рустамбаев М. Х., Тухташева У.А.* Судебная власть и судебнo-правовая реформа в Республике Узбекистан: научно-публицистическое издание. – Т., 2008. – С.18; *Мадалиев О. М.* Прокурор назорати: Дарслик. – Т., 2009. – Б.100–101.

<sup>7</sup> *Монтескье Ш. Л.* Избранные произведения. – М., 2010. – 290 с.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №9–10. – 182-м.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 1. – 3-м.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – №1. – 1-м.

Э. Эгамбердиев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи  
фанлари кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори*

## ПРОКУРОР ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСМИ?

**Аннотация.** Мақолада фуқаролик суд ишларини юрителида ишда иштирок этувчи прокурорнинг процессуал мақоми билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** прокурор, тарафлар, учинчи шахслар, вакиллар, суд, суд ишларини юрителиш.

Является ли прокурор лицом, участвующим в деле?

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы, связанные с процессуальным статусом прокурора, участвующего в гражданском судопроизводстве.

**Ключевые слова:** прокурор, стороны, третьи лица, представители, суд, судопроизводство.

### Whether the prosecutor is the person participating in case?

**Annotation.** The article is devoted to the questions connected with the procedural status of the prosecutor who is involved in civil-legal proceedings.

**Keywords:** prosecutor, parties, third parties, representatives, court, legal proceedings.

Инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалдаги қонунчилик нормаларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ва тиклаш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича жамиятнинг барча соҳаларини бошқаришни эркинлаштириш ва либераллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириб бораётган давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Давлат халқ манфаатини кўзлаб фаолият юритади, чунки Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқини ташкил қилувчи инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштириш масалаларига давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 йил 21 октябрь), «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолият самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 21 февраль) фармонлари ва уларда қўйилган вазифаларнинг ижроси бўйича 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган қонунлар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлари ва бир қатор кодексларига, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

---

---

Мазкур қонун ҳужжатлари инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлибгина қолмай, мазмун-моҳиятига кўра Конституциямиз каби шахслар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолати бўлиб хизмат қилади, айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан амалдаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилувчи прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Прокуратура органларида фаолият юритаётган прокурорлар инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга асосан қонунда кўрсатиб қўйилган ҳолларда ҳамда судга даъво тақдим этиш йўли билан суд жараёнида иштирок этиб ҳимоя қиладилар. Шу боис «Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахми?» деган масалани атрофлича ҳал қилмай туриб, бу саволга тўғри жавоб бериш анча мушкул.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат ва унинг субъектлари билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар туб моҳияти ва мазмунига кўра фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган энг асосий ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Умумюрисдикция судлари томонидан кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишлари суд ишларини юритишнинг қайси турига боғлиқлигидан қатъи назар, уларни судда кўриб ҳал қилишни фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларсиз таъсаввур қилиб бўлмайди. Мустақил ҳуқуқ соҳаларининг ҳар бири ўзига тегишли ҳуқуқ нормалари билан барча ҳуқуқий муносабатларни эмас, балки уларнинг маълум бир қисминигина ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳам ягона ҳуқуқий тизимига кирадиган мустақил ва махсус ҳуқуқ соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳуқуқ соҳаси фуқаролик суд ишларини юритиш бўйича билимлар йиғиндисидан иборат бўлиб, суд билан ишда иштирок

этувчи шахслар ўртасида фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Суд одил судловни ўзига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда кўриб ҳал қилиш орқали амалга оширади. Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишда суд билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Бу ижтимоий муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалар таъсирида ҳуқуқий муносабатга айланади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш натижасида суд билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинганлиги учун фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар деб айтилади.

Ҳуқуқий муносабатни, шу жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни ҳам унинг субъектларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий муносабат унда иштирок этувчи шахслар, яъни унинг субъектлари ўртасида вужудга келади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хослиги ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилувчи жиҳати шундаки, бу ҳуқуқий муносабатнинг бир томонида суд ҳокимиятини амалга оширувчи, давлат ҳокимияти органи бўлган суд, иккинчи томонида эса ишда иштирок этувчи шахслар иштирок этади. Суд билан ишда иштирок этувчи шахслар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг асосий иштирокчилари (субектлари) ҳисобланади. Суд, ўз навбатида, фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъекти ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи тарафлар, учунчи шахслар, прокурор, давлат органи ўзаро фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатга киришмайдилар, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат суднинг иштирокисиз вужудга келмайди. Бу ҳолат юридик адабиётларда ҳам ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

---

---

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддаси иккинчи қисмида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар». Прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари олдида турган асосий вазифаларни прокурорлар амалга оширади. Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича ишда иштирок этувчи шахс эканлиги кўрсатилмаган бўлса ҳам, ушбу қонуннинг «Судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари»га бағишланган тўртинчи бўлимига оид 33-моддасининг мазмунида баён қилинган фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганида прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Ишлар судларда кўрилаётганида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади. Унга кўра, прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт.

Ушбу модданинг мазмунидан ҳам прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахсми ёки йўқми деган саволга жавоб йўқ, фақат унинг қонунда белгиланган тартибда ишда иштирок этиши ва процесснинг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқли

эканлиги, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя қилиши кераклигини билиб олиш мумкин.

Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасининг тўртинчи қисмида ишлар судларда кўрилаётганида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланиши кўрсатилган. Ана шунга асосланган ҳолда прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиши унинг ишда иштирок этувчи шахслардан бири эканлигидан далолат бермайди. Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахсми, деган саволга жавоб бериш учун фуқаролик процессуал кодекснинг процесс иштирокчиларига бағишланган бешинчи боби, хусусан унинг 33–55-моддаларига эътибор қаратиш керак бўлади. Айнан Фуқаролик процессуал кодекснинг 33-моддасида кимлар фуқаролик суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар эканлиги қонунлаштирилган.

Фуқаролик процессуал кодекснинг ишда иштирок этувчи шахсларга бағишланган 33-моддасининг мазмунида ифодаланишича, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар сифатида тан олинади.

Ушбу модданинг мазмунига асосланиб айтишимиз мумкинки, прокурор фуқаролик суди ишларини юритишнинг ҳар бир тури бўйича судлар томонидан кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш жараёнида ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади.

Прокурор ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланса ҳам, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, яъни тарафлардан, учинчи шахслар ва уларнинг вакиллари билан фарқ қилади. Асосий тафовут шундаки, тарафлар ва учинчи шахслар низоли ҳуқуқий

---

---

муносабатларнинг асосий субъектлари ҳисобланади. Алоҳида тартибда кўриб ҳал қилинадиган ишларда манфаатдор шахс ҳам ишда иштирок этувчи асосий шахс ҳисобланади.

Булар кўп ҳолларда ўзларининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини ёки қонуний манфаатларини шахсан ўзлари ёки фуқаролик суд ишларини юритиш турлари бўйича ҳуқуқ ҳимояси бўлган даъво аризаси шикоят ёки аризани судга тақдим этиш орқали ҳимоя қиладилар ва судда мазмунан кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор шахслар ҳисобланадилар. Прокурор эса ишда иштирок этувчи шахс сифатида фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида иштирок этса ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини судда ҳимоя қилиш мақсадида эмас, ўзига берилган ваколатларидан фойдаланиб, бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд жараёнида ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашади.

Ишда иштирок этувчи шахс сифатида прокурорнинг суд жараёнидаги иштироки уни судда кўриб ҳал қилинган фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор эканлигидан далолат бермайди. Прокурор қонун бўйича ўзига юклатилган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида суд жараёнида иштирок этади.

Прокурор Фуқаролик процессуал кодекснинг 34-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахсларга тегишли барча процессуал ҳуқуқларда фойдаланади ҳамда бурчларни бажаради. Прокурор ишда иштирок этувчи шахс сифатида иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва

одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахсларга саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида кўриладиган ҳамма масалалар бўйича ўз фикрини баён қилиш, бошқа шахсларнинг ариза, илтимоснома, важларига қарши эътироз билдириш, суднинг ҳал қилув қарори ажрими ва буйруғи устидан протест келтириш, суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан назорат қилиш, ҳуқуқларидан фойдаланиши билан бирга, прокурор бу процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Ишда иштирок этувчи шахслар, шу жумладан прокурор Фуқаролик процессуал кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади. Масалан, Кодексининг 5-моддасига асосан судда иш кўзғатиш, 46-моддасига кўра судда иштирок этиш, 47-моддасига асосан прокурорнинг ўзига хос ҳуқуқларидан ҳам фойдаланади.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 5-моддаси судда фуқаролик иши кўзғатишга бағишланган. Ушбу модданинг мазмунида кимлар судда иш кўзғатиш ваколатига эга эканлиги кўрсатилган. Судда фуқаролик иши кўзғатиш ваколатига эга бўлган шахслардан бири прокурор ҳисобланади. Прокурор томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга тақдим этилган даъво аризаси судда иш кўзғатиш учун асос бўлади.

Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида фуқаролик иши бўйича судда иш кўзғатиш босқичидан тортиб, то суд томонида фуқаролик ишини мазмунан кўриб ҳал қилиш ва иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини ижро этиш босқичигача иштирок этиши мумкин. Шундай бўлса-да, прокурорнинг фуқаролик жараёнида иштирок этиш ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, процессуал ҳаракатларининг мазмуни унинг суд жараёнининг қайси босқичида иштирок этишига боғлиқ бўлади.



---

---

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи, Фуқаролик процессуал кодекснинг 46-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддада кўрсатилишича, прокурор суд жараёнида икки шаклда қатнашади:

1) прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво аризасини судга тақдим этгани натижасида судда қўзғатилган фуқаролик ишини ҳал қилиш жараёнида;

2) бошқа шахсларнинг ташаббуси билан судда қўзғатилган ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг бу икки шакли бир-биридан фарқ қилади, яъни бошқа шахсларнинг ташаббуси билан бошланган суд жараёнида иштирок этиш масаласини прокурорнинг ўзи ҳал қилади: хоҳласа ишни судда кўриб ҳал қилишда бошидан иштирок этади, хоҳламаса иштирок этмайди.

Прокурорнинг бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга тақдим этган даъво аризаси ёки аризасига асосан судда қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб ҳал қилишда прокурор, албатта, суд жараёнида қатнашиб, даъво аризасида ёки аризада кўрсатилган даъво талабларини қувватлаши керак. Прокурорнинг даъво аризаси бўйича кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишини суднинг иштирокисиз кўриб ҳал қила олмайди.

Фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этишининг шакллари-дан ташқари, иштирок этиш асослари ҳам кўрсатилган. Фуқаролик процессуал кодекснинг 46-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилишича, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда фуқаролик ишни кўришда, шунингдек прокурорнинг даъво аризаси ёки аризаси билан қўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт.

---

---

Юқорида кўрсатилган ҳолатларга қараб прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиш асосларини уч турга бўлиш мумкин:

- 1) қонунда назарда тутилган ҳолларда;
- 2) суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- 3) прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда.

Бу асослардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11майдаги «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 22-сонли буйруғи ҳам фуқаролик суд ишларини юритишда прокурорнинг иштирок этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Чунки ушбу буйруқда прокурор қайси ишлар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судлар томонидан ишларни кўриб ҳал қилишда иштирок этиши кўрсатилган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг бу асоси Фуқаролик процессуал кодекснинг 46-моддасига қўшимча равишда киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида кўрсатиб ўтилган буйруғи бўйича прокурор қуйидаги фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишда иштирок этади:

- 1) суд ишда прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ҳолларда;
- 2) прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ҳолларда;
- 3) сайлов камиссиясининг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлари бўйича ишларда;
- 4) прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- 5) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда;
- 6) фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;

7) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларда;

8) шахсни гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишларда;

9) апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилатган ишларда.

Булардан ташқари, ушбу буйруқда фуқароларни ишга тиклаш, мулкни рўйхатдан чиқариш, фуқароларни бошқа турар жой бермасдан яшаб турган жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда Олий суд, вилоят судлари ва унга тенглаштирилган вилоят судларининг биринчи инстанция суди тариқасида кўриб ҳал қилинадиган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминланиши юзасидан кўрсатмалар берилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг фарзандликка олишга оид 311-бобига тегишли 285<sup>5</sup>-моддасида кўрсатилишича, фарзандликка олиш ишларини кўриб ҳал қилишда, ФПКнинг гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизишга бағишланган 331-бобига тегишли 297<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилишича, бундай ишларни суд прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилишида, сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайриихтиёрий тартибда ётқизишга бағишланган ФПКнинг 332-бобига тегишли 297<sup>6</sup>-моддасида кўрсатилишича, бундай ишларни суд прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилади.

Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этганда ўзига берилган ваколатлар доирасида процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Прокурор ишда иштирок этувчи шахс бўлгани учун Фуқаролик процессуал кодекснинг 34-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахсларга тегишли барча процессуал ҳаракатлардан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Прокурор, бу ҳуқуқлардан ташқари, ФПКнинг 47-моддасида кўрсатилган фақат ўзигагина тегишли процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

ФПКнинг прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган 47-моддасига кўра, прокурор судга тақдим этган ўз аризасидан қисман ёки батамом воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, ишнинг мазмуни бўйича, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори юзасида протест келтириш ҳуқуқига ҳам эга.

Прокурорнинг ўзига тегишли ҳуқуқларидан бири — унинг суд ҳал қилув қарори, ажримлари ва қарорлари устидан фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда протест келтириш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилувчи давлатнинг ваколатли вакили бўлган прокурорларга берилган. Прокурорнинг протести юқори инстанция судларида иш кўзгатиш ва ишни судда кўриб чиқиш асоси ва бу судларда шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий процессуал воситаси ҳисобланади.

Агар суд процесси прокурор томонидан судга тақдим қилинган даъво аризаси бўйича бошланган бўлса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш ва даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқига ҳам эга. Прокурор бу ҳуқуқидан иш бўйича даъвогар бўлиб қатнашаётган тараф рози бўлганида фойдаланади, агар даъвогар тараф рози бўлмаса, фойдалана олмайди.

Бошқа шахсларнинг судга тақдим этган ўз даъво аризасидан воз кечиши прокурорни манфаатдор шахсни судда ишни мазмунан кўриб ҳал қилиб беришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризасини тақдим этган бўлса ҳам, унинг

---

даъво аризаси бўйича судда кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишида давогар тараф ҳисобланмайди. Иш бўйича ҳақиқий даъвогар тараф прокурорнинг судга тақдим этган даъво аризаси бўйича судда манфаати ҳимоя қилинадиган шахсдир. Шу боис прокурорнинг судга тақдим қилган даъво аризасида кўрсатилган ўз даъво талабларидан воз кечиши, судда иш юритишни тўхтатиш учун асос бўлмайди. Манфаати ҳимоя қилинадиган шахс ишни кўриб ҳал қилишни талаб қилса, суд прокурорнинг даъво талабларидан воз кечганлигидан қатъи назар, ишни мазмунан кўриб ва ҳал қилиб, даъво талабларини қондириш ёки рад этиш тўғрисида қонуний ва асослангандир ҳал қилув қарори чиқариши керак.

Низонинг предмети ёки асосини тасарруф қилиш ҳуқуқи фақат тарафларга берилган ҳуқуқ ҳисобланади. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ФПКнинг 40-моддасида кўрсатилган. Ушбу модданинг мазмунида баён этилишича, тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Даъвогар тараф судга тақдим этган даъво аризасида кўрсатилган ўз даъво талабларининг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг сонини кўпайтириш ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга, жавобгар тараф эса даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман тан олишга ҳақли.

Даъвогар билан жавобгар низоли фуқаролик ишининг ҳақиқий тарафлари бўлганлиги учун процеснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали фуқаролик суд иши юритилишини тугатиш ҳуқуқига ҳам эга. Келишув битими тузиш орқали фуқаролик суд ишлари юритилишини тугатиш ҳуқуқи прокурорга берилмаган. Чунки прокурор ўзининг даъво аризаси бўйича судда кўрсатилган ва кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишининг ҳақиқий тарафи ҳисобланмайди ва ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмайди. Прокурорнинг

---

даъвоси бўйича судда кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик иши бўйича даъвогар тараф — гарчи ўзининг бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун судга даъво аризасини тақдим этмаган бўлса ҳам — ҳуқуқи ёки манфаати судда ҳимоя қилинадиган шахс ҳисобланади. Қонунда кўрсатиб қўйилган ишларни судда кўриб ҳал қилиш жараёнида прокурор иштирок этса, у ишда иштирок этувчи шахс сифатида иш материаллари билан танишишга, уни рад қилишга, иш учун муҳим ҳолатларни исботлаш учун хизмат қиладиган далилларни тақдим этишга, далилларни текширишда иштирок этишга, ўз таклифларини билдиришга ҳақлидир.

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризаси тақдим этган бўлса ва унинг даъвоси билан бошланган суд жараёнида даъвогар, жавобгар тарафдан кейин эмас, суд мажлисининг музокара қисмида биринчи бўлиб сўзга чиқиб, ишни ҳал қилиш жараёнида келиб чиққан айрим масалалар юзасидан, шунингдек ишни мазмуни бўйича *тўлиқ даъво аризасида* кўрсатилган даъво талаблари бўйича ўз фикрини бериши керак. Прокурордан кейин иш бўйича даъвогар тараф ва ФПКнинг 198-моддасида кўрсатилган шахсларга сўз берилади.

Агар прокурор бошқа шахсларнинг ташаббуси билан бошланадиган суд жараёнига кириб келган бўлса, ўз фикрини ФПКнинг 190-моддасида кўрсатилган тартибда баён этади.

Прокурор судда кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик иши бўйича ўз фикрида, фуқаролик ишининг ижтимоий аҳамиятини, ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида текширилган далилларни тўлиқ таҳлил қилиш, уларга баҳо бериш, уларнинг ишга қанчалик алоқадор ёки алоқадор эмаслигини кўрсатиш, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, иш бўйича татбиқ этиладиган ва ҳуқуқий муносабатни тартибга солинадиган қонун ёки норматив ҳужжатни тушунтириш

---

---

билан бир қаторда, қайси ҳуқуқий норма асосида ишни ҳал қилиш лозимлигини кўрсатиши керак.

Прокурор ишда иштирок этувчи шахс сифатида юқори инстанция судларида ҳам процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда иштирок этади. Юқорида баён этилган ҳолатлар прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахс эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг иккинчи бобига тегишли бўлган «Прокурорнинг судга даъвоси»га бағишланган 26-моддаси, «Судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари»га бағишланган IV бўлимига тегишли бўлган 33–36-моддаларининг мазмунида ифодаланган ҳолатлар ФПКнинг 5, 33, 34, 46, 47, 276-278, 2855, 288, 294, 297<sup>2</sup>, 297<sup>6</sup>-моддалари, шунингдек апелляция, кассация инстанцияси судларида фуқаролик иши прокурорнинг протести бўйича

кўрилганда прокурор ишда иштирок этади. Шу билан бирга, қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишни қайта кўришда прокурор албатта иштирок этади.

Оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш – Оила кодексининг 51-моддаси, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш – 80-моддаси ва бошқа бир қатор моддаларида кўрсатилган ишларда, шунингдек меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган Меҳнат кодексининг 268, 269-моддаларида кўрсатилган ишларни судда кўриб ҳал қилишда прокурор иштирок этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларнинг мазмунида баён қилинган ҳолатларга асосланган ҳолда тўла маънода айтишимиз мумкинки, прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М. К. Траушников. – М., 2008. – С. 83.

Ш. Н. Бердияров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Юридик таъминлаш бошқармаси  
бўлинма бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент

## ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИ ЮРИДИК ТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқий тизим, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий адабиёт, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида юридик техникани қўллаш тажрибаси таҳлил этилган.

**Таянч тушунчалар:** ҳуқуқий тизим, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий амалиёт, юридик техника, юридик ҳужжат, юридик техника қоидалари.

Направления совершенствования правовой системы на основе требований юридической техники

**Аннотация.** В статье на основе изучения правовой системы, нормативно-правовых актов, научной литературы, правотворческой и правоприменительной практики проанализирован опыт применения юридической техники.

**Ключевые слова:** правовая система, применение права, правовое действие, правовая практика, юридическая техника, юридический документ, правила юридической техники.

### **The directions of improvement of legal system based on the requirements of legal technique**

**Annotation.** Based on studying of the legal system, regulatory legal acts, scientific literature, law-making and law-enforcement practice, the experience of use of legal technique is analyzed.

**Keywords:** legal system, enforcement of law, lawful action, legal practice, legal technique, legal document, rules of legal technique.

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда ҳуқуқий тизим — ҳуқуққа оид тушунчалар, ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий жараёнлар ва бошқа шу кабиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда улар ўртасидаги алоқадорликни ифодалаш таъкидланади. Бундай алоқадорлик ўзаро мутаносиб, барқарор ва жамият учун фойдали бўлишида юридик техника талаблари алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизимнинг мукамал бўлишига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак»<sup>1</sup>, — деб таъкидлаб ўтди.

Шу нуқтаи назардан, мукамал қонунчиликни қарор топтириш ва унинг тўлиқ ижросини таъминлаш жамият ва давлат ҳаётини янгилаш ҳамда модернизациялашда ўта муҳим ўрин тутди. Бу айни вақтда, юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бугун юридик техниканинг моҳияти хусусида адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд. Уларни умумлаштирган ҳолда амалий, илмий ва илмий-амалий (методологик) сингари учта гуруҳга ажратиш мумкин<sup>2</sup>.

Юридик техниканинг моҳиятини тушуниш учун «техника» сўзининг асл маъносига

этибор бериш лозим. «Техника» сўзи юнончадан кириб келган бўлиб, ўзбек тилида икки хил маънода қўлланилади: 1) ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроллари — механизм, аппарат, мослама ва шу кабилар мажмуи, шунингдек уларни қўллаш, ўрганиш, такомиллаштириш соҳасидаги инсон фаолияти; 2) бирор иш ёки ҳаракатни бажариш йўллари, усуллари мажмуи, шу усулларни эгаллаганлик, маҳорат даражаси, санъат<sup>3</sup>. «Юридик техника» деганда «техника» сўзининг иккинчи маъноси англашилади.

«Юридик техника» тушунчасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. «Юридик техника» кенг маънода бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисини; тор маънода эса юридик ҳужжатларнинг аниқ, тушунарли, амалий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида, уларни ишлаб чиқиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда уларни қўллашга қаратилган қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисини билдиради.

Юридик техника айни вақтда ҳам илмий, ҳам амалий тушунча бўлиб, ҳуқуқий тизимнинг мукамаллигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳуқуқий тизим мукамал бўлиши зарурлиги хусусида тўхталиб, шундай деган эди: «Такрор ва такрор айтишни зарур деб биламан — биринчи навбатда, айнан қонун қабул қиладиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айни пайтда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур»<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат қураётган мамлакатимиз учун ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ ёрдамида тартибга

солишга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқ ҳамда самарали тайёрланишига қўйиладиган талабларнинг сезиларли ошиши ва такомиллашишини тақозо этади.

Бизнингча, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришда қуйидагилар муҳим ўрин тутаяди:

1. *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда концептуал ёндашувни кучайтириш.* Маълумки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддасига мувофиқ, тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тушунтириш хати билан киритилиб, унда ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослантирилади, ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа келишиб олинган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхати келтирилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқалар илова қилинади.

Қонун лойиҳаси муҳокамага киритилаётганида халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, тегишли халқаро тажрибанинг батафсил таҳлилини ўз ичига олган ҳамда Ўзбекистон шароитида ушбу тажрибани қўллашнинг мақбуллиги тўғрисида асосли таклифлар киритилган таҳлилий қиёсий жадваллар тайёрланиши шарт. Бундай жадвал ишлаб чиқилмасдан киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди<sup>5</sup>.

Аслида, норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрланишидан аввал унинг концепцияси ишлаб чиқилиши лозим. Зеро, норматив

---

ҳужжатлар ишлаб чиқишга концептуал, тизимли ёндашув ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат концепциясини лойиҳа тайёр бўлганидан кейин, муҳокамага киритиш арафасида тайёрлаш ҳоллари кузатилмоқда.

Қонун лойиҳаларининг концепцияси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилгунга қадар тайёрланиши, унда бўлгуси қонунни амалга ошириш механизми белгиланиши, қайси масалалар қонун даражасида, қайсилари қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал қилиниши кўрсатилиши зарур. Бу бутун ҳуқуқий тизимни, ҳеч бўлмаса турдош ёки ўзаро боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш маҳсули бўлиши даркор.

Лойиҳа тайёрлашда баъзан тегишли муносабатларни бошқа давлатларда қонун йўли билан тартибга солиш тажрибаси етарлича ўрганилмайди ва ҳисобга олинмайди. Амалда концепциянинг йўқлиги туфайли қонунларни қўллаш ва амалга оширишда жиддий муаммолар, қонуннинг айрим қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятлар юзага келади. Шу боис, қонун лойиҳасининг концепциясини тайёрлашда қуйидаги тартибга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади: авваламбор, тегишли қонунни қабул қилиш асослари, зарурлиги, мақсадга мувофиқлиги, қандай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар буни тақозо этаётгани, қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, уни амалга ошириш механизмнинг умумий манзараси кўрсатилади; қонун ҳужжатларининг умумий таҳлили келтирилади; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив ва амалий даражаларда мавжуд камчиликлар, янги қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларининг қайси нормаларини қайта кўриш лозимлиги кўрсатилади; қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича олган маж-

буриятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади; қонунни амалга оширишда талаб этиладиган қонуности ҳужжатларининг лойиҳалари тайёрланади.

Бу масалада юридик техниканинг прогнозлаш вазифаларини ҳам эътироф этиш жоиз ва у қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: ижтимоий муносабатларнинг қайси соҳаси тартибга солиниши лозим? Бу муносабатларни тартибга солиш учун қайси тушунча ва атамалар муомалага киритилиши зарур? Мазкур муносабатларга ҳуқуқий тартибга солишнинг қайси усули кўпроқ мос келади? Тегишли равишда, ҳуқуқ нормалари ва умуман ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилиши қандай бўлади? Чет эл ҳуқуқ тизимларида шунга ўхшаш муносабатлар қандай тартибга солинган? Қабул қилиш мўлжалланаётган ҳуқуқий новелла жорий этилса, қандай коллизиялар ёки камчиликлар юзага келиши мумкин? Лойиҳа қабул қилиниши натижа-сида ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Бу саволларга жавоб топмасдан ҳуқуқий ҳужжат матнини яратиш мумкин эмас, чунки мазмунни билмасдан унга оптимал даражада мос келадиган шаклни ҳам яратиб бўлмайди. Прогнозли ёндашув асосида юридик техникага ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни ва шаклини оптималлаштириш тизими сифатида қаралади. Бу тизим илмий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган усул, метод, қоида ва воситалардан иборат бўлиб, асосан ҳуқуқ ижодкорлиги субъектининг ҳукмини ҳуқуқий ҳужжат матнида аниқ акс эттириш мақсадини кўзлайди<sup>7</sup>.

2. *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш.* Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «афсуски, кўп ҳолатларда бу қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берадиган ҳуқуқий механизмларни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини

аниқлаб берадиган ҳужжатларни қабул қилишни кейинга сурамиз.

Бундай тажриба шунга олиб келадики, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасидаги кўпгина масалалар зарур ва энг оддий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмай қолади.

Шу муносабат билан Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб борсин, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўрнини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин»<sup>8</sup>.

Бинобарин, қонун қабул қилувчи тегишли ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш жараёнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларни, бу борадаги жаҳон амалиётини атрофлича таҳлил этмаслиги, илмий жамоатчиликнинг мазкур масалалар бўйича илгари сураётган таклиф ва тавсияларини эътиборга олмаслиги ҳамда қонунчилик техникасининг барча талаб ва мезонларига амал қилмаслиги ҳуқуқий норманинг қўлланишини қийинлаштиради ёки норма ишламай қолади, натижада ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солишда *бузилишлар* юзага келади. Қонунчиликда лозим даражада ечимини топмаган воқеликлар ижтимоий ҳаётда қонунга зид ечимни тақозо этиши мумкин<sup>9</sup>.

3. *Қонун ҳужжатларининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддаси талабларига мувофиқлигини таъминлаш.* Ушбу моддада тил, мантиқ, реквизитлар билан боғлиқ қоидалар, ҳаволаки нормаларни қўллашга оид талаблар белгиланган. Масалан, биргина ҳаволаки нормалар билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратсак, юқоридаги норманинг талабига риоя этиш

қанчалик муҳим эканлигини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлда қонунчиликни янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқларни тўлдириш, қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ чоралар кўриш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш мақсадида «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-2003-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унда қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш жараёнида қонунларда амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар аниқлангани ва бу қонунларни шарҳлаш ҳамда қўллашда субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шарт-шароит яратаётганлиги таъкидланади<sup>10</sup>.

Ҳаволаки нормалар бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар такрорланишининг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормаси, моддаси ёки боби, бўлимига ишора қилиш учун ишлатилади. «Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ», «қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан» сингари умумий ҳаволалар<sup>11</sup> ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда қонун ҳужжатларига ишора қилиш учун қўлланилади.

Бироқ ҳаволаки нормаларни юридик техника талабларига номувофиқ қўллаш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нуфузи ва хусусиятига путур етиши мумкин. Масалан, 23 моддадан иборат «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида 20 дан ортиқ ҳаволаки норма мавжуд. Ҳаволаки нормаларни ҳаддан зиёд қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятни



---

---

камайтириб, тартибга солишни белгиловчи ҳужжатга айланишига олиб келади.

Албатта, бу ҳаволаки нормаларни умуман қўлламаслик керак дегани эмас. Ҳаволаки нормаларсиз қонун ҳужжатлари йўриқномага ўхшаш ҳужжатга айланиб қолиши мумкин. Шу боис, қонун ҳужжати-нинг хусусиятидан келиб чиқиб, юридик техника талабларига асосланган ҳолда ҳаволаки нормалардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4. *Бир ижтимоий муносабатнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш.* Имкон қадар ижтимоий муносабатлар бир қонунчилик ҳужжатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бир ижтимоий муносабатнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши улардан фойдаланишни қийинлаштиради ва баъзан турлича талқин қилишга ёки нотўғри қўллашга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, биргина суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бешта, яъни «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида» қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинган.

Ижтимоий муносабатларнинг бу каби кўплаб қонун ҳужжатларида тартибга солиниши қонунларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

5. *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш.* Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Мазкур

қонуннинг 22-моддасига қоидасига кўра, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий экспертиза жараёнида баъзан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш билан чекланилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг юридик техника қоидаларига мувофиқлигини текшириш юридик экспертизанинг муҳим жиҳати ҳисобланади<sup>12</sup>. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда баъзида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, «...айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади»<sup>13</sup>.

Шу боис, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни холисона ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бугун алоҳида аҳамиятга эга масалалардан ҳисобланади. Бу экспертлар қонун ҳужжатларининг лойиҳаларига хулоса беришда мустақиллигини, экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмаслигини аниқлатади. Бу эса қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун жалб қилинган экспертларнинг шу лойиҳаларни тайёрлаган органдан мустақиллигини сақлашдир. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси қабул қилинишидан манфаатдор шахс экспертизада қатнашмаслиги лозим<sup>14</sup>.

6. *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини илмий-назарий жиҳатдан асослантиришдаги муаммоларни ҳал этиш.* Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларида юридик нормаларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш ва илмий

---

---

хулосалар билан асослантириш масалаларида ҳам муаммолар учраб туради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибаси билан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таққослаш жадваллари ишлаб чиқиш амалиёти бугун яхши йўлга қўйилган бўлса-да, уларни илмий асослантириш масалаларида айрим камчиликлар кузатилмоқда. Бу масалада замонавий ҳуқуқий доктринага, яъни янги демократик ҳуқуқий тафаккур, илғор ҳуқуқий қарашлар, назарий умумлашма ҳамда қоидалар тизимига асосланиш муҳим<sup>15</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш заруратини илмий асослантириш

давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик ғояларига замон нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиш ва улардан қонунчиликни ривожлантиришда фойдаланиш йўналишида ҳам ишлар олиб бориш зарур.

Замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг қоидалари, усул ва методлари мажмуини янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш биргина юридик тил, ҳуқуқий экспертиза ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётига эътибор бериш, уларни такомиллаштириш билан ҳал этилмайди, балки ушбу масалаларга комплекс ёндашишни тақозо этади.

<sup>1</sup> *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. — 2016. — 7дек.

<sup>2</sup> *Нажимов М. К., Сайдуллаев Ш. А.* Қонунчилик техникаси. — Т., 2008. — Б.7.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. —М., 1981. — Б.169.

<sup>4</sup> *Каримов И. А.* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2015. — 25янв.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. —2012. —№52. —583-м.

<sup>6</sup> *Муҳамедов Ў.Х.* Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истиқболли вазифалари // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2005. — № 4. — Б. 6–7.

<sup>7</sup> *Тулътеев И. Т.* Ҳуқуқ ижодкорлиги прогнози: назария, методология, амалиёт: Юрид. фан. д-ри ... автореф. —Т., 2009. — Б.33.

<sup>8</sup> Халқ сўзи. — 2015. — 6 дек.

<sup>9</sup> *Турғунов И. Т.* Ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш. — Т., 2016. — Б.66–67.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. —2013. —№29. —373-м.

<sup>11</sup> *Одилқариев Ҳ. Т., Тулътеев И. Т., Муҳамедов Ў. Х.* Икки палатали парламент. — Т., 2004. — Б. 171.

<sup>12</sup> *Сайдман А., Сайдман Р., Абейсекере Н.* Руководство по законодательной технике / Законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе. — Бишкек, 2001. — С.35.

<sup>13</sup> *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — Т., 1997. — Б.126.

<sup>14</sup> *Абдусаттаров Т.* Ҳуқуқий экспертиза тушунчаси ва моҳияти // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. — Т., 2005. — Б. 48.

<sup>15</sup> *Одилқариев Х.Т., Якубов Ш. У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. —Т., 2010. — Б.6.

Л. Х. Исоков,  
*член постоянно действующей аналитической рабочей группы Республиканской  
межведомственной комиссии по противодействию торговле людьми*

## КОНСТИТУЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ МИГРАЦИИ

**Аннотация.** В статье анализируются конституционные особенности государственного управления в сфере миграции в Узбекистане и во Франции и даются сведения о юридическом статусе мигранта в изучаемых странах.

**Ключевые слова:** государство, Конституция, статья, мигрант, миграция, Основной закон, право, управление, Франция, Узбекистан.

Миграция соҳасида давлат бошқарувининг конституциявий хусусиятлари

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Францияда миграция соҳасида давлат бошқарувининг конституциявий хусусиятлари таҳлил этилган, ўрганилаётган мамлакатлардаги мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида маълумот берилган.

**Таянч тушунчалар:** давлат, Конституция, модда, мигрант, миграция, Асосий қонун, ҳуқуқ, бошқарув, Франция, Ўзбекистон.

Constitutional peculiarities of public administration in the field of migration

**Annotation.** The article is devoted to the analysis of constitutional peculiarities of public administration in the field of migration in Uzbekistan and France. It also gives information about legal position of the migrant in the studied countries.

**Keywords:** state, Constitution, article, migrant, migration, Fundamental law, right, management, France, Uzbekistan.

Как известно, влияние государства на общество связано с двумя степенями: политическое управление и государственное управление. Государственная деятельность в политическом управлении строится, исходя из понятия о том, для чего это необходимо делать. А в государственном управлении действия осуществляются на основании того, как и посредством чего нужно выполнять это.

Например, в «узбекской модели» прогресса, разработанной под руководством Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, можно наблюдать оригинальную, то есть неповторимую особенность государственного управления. В частности, обоснованность каждого шага

конституциональным образом, определенно точно определило направления прогресса в будущем. Великий государственный деятель И.А.Каримов выразил следующее мнение в качестве решения любой задачи, которая может возникнуть на каждом поприще государственной и общественной жизни: «Необходимо подвергнуть жесткому пересмотру все звенья органов государственного управления сверху донизу, определить, как они работают, насколько их существование оправдано. Не секрет: чем больше малопродуктивных звеньев, тем сложнее строить гражданское общество. Мы должны исходить из того, что сила государства не в количестве и масштабах различных органов власти и управления, а в эффективности системы их

---

---

работы, в совершенстве правовой основы их деятельности»<sup>1</sup>.

В научной литературе государственное управление с целью отличия его от политического управления иногда выражается термином «административное управление». Если политики занимаются политическим управлением, то административное управление воспринимается в качестве обязанности данных чиновников. Административное управление — это осуществление государственной политики посредством системы административных учреждений, ответственных за исполнение государственных решений, которые спускают сверху<sup>2</sup>.

Таким образом, цель и содержание государственного управления, с одной стороны, структура и состояние управляемых процессов, с другой стороны, являются связанными с местом и значением государства в обществе. В данном случае каждая страна имеет свой отдельный образец.

Анализируя опыт зарубежных стран, естественным является привлечение к себе внимания модели Франции как правового государства, которое когда-то воплощало в себе своеобразную историю развития, гармоничность традиций монархии и республики. Данную французскую модель, которая успела «закалиться» всеобщим течением больше, чем 200 лет со времен Великой французской революции в 1789 году, можно без сомнений признать в качестве настоящей конституционной «мастерской». Данная мысль подтвердится еще в нескольких примерах ниже.

Французская модель государственного управления характеризуется прогрессом эволюционных<sup>3</sup> традиций. Данный фундамент построен на основании поклонения государству и «административных опекуновских» критериев по отношению к обществу. Критерий административного опекунства освободил свое место административному контролю после реформ в 1982 году.

Как свидетельствует политическая история, без централизованного государства

и авторитарного правительства, не было возможности формирования французской национальности, языка и культуры. Именно политика, государство и его институты до недавних дней определяли направления развития французского общества. Государственная система Франции создала почву для свойственной ей «модели французского общества» благодаря двум своим особенностям:

*во-первых*, попытка удержать власть на расстоянии и не допускать её концентрирования;

*во-вторых*, внедрение бесхозных (безразличных или безличностных) правил, обеспечивающих защиту власти от своего насилия, а также, всеобщую независимость.

Своеобразность Французской Республики, будучи в гармонии развития и динамизма, непосредственно связана с полупрезидентской формой правления. Так как в форме правления Франции можно наблюдать признаки как президентской, так и парламентской республики.

Данный вопрос нашел свое выражение в Конституции Франции 4 октября 1958 года посредством определенных и ясных норм.

В том числе, в соответствии с 5-й статьей Конституции Франции, Президент следит за соблюдением Конституции. Он обеспечивает своим арбитражем нормальное функционирование органов государственной власти, а также преемственность государства. Он является гарантом государственной независимости, целостности территории, соблюдения международных договоров<sup>4</sup>.

А в 89-й статье Конституции Республики Узбекистан сказано, что «Президент Республики Узбекистан является главой государства и обеспечивает согласованное функционирование и взаимодействие органов государственной власти».

Конечно, тот факт, что ударение в данных статьях ставится именно на то, что институт Президента выполняет обязанность только по урегулированию, может вызвать некоторые споры и дискуссии относительно отказа от «полупрезидентских»

---

---

сторон управленческой формы, а также, к какому звену правительства он относится. Данная норма в основных законах обеих стран логически немного схожа друг с другом. Но управленческая форма своеобразна. Например, существуют такие идеи, как уникальность полупрезидентской модели формы правления Французской Республики по Конституции 1958 года, которая заключается в наличии не трех (как в президентской и парламентарной), а четырех ветвей власти. Наряду с классической триадой существует еще и президентская власть<sup>5</sup>.

Наличие Конституции в действии неразрывно связана с идеей прав человека. Обычно вчерашние и сегодняшние конституции выполняют две задачи. *Во-первых*, конституции организуют политическую власть, показывающую какое место у парламента, кто принимает решения, кто является руководителями власти и государства, а также, упорядочивает правовые нормы относительно территориальных подразделений, юстиции и других отраслей. *Во-вторых*, конституция определяет отношения между государством и личностью, то есть основные права, такие как права и свобода человека<sup>6</sup>.

Значит, если конституционные основы государственного управления закреплены основными принципами правами и свободой человека, то каждый гражданин в данном обществе будет стремиться найти достойное место. Для этого, личность старается осуществить ряд социальных прав, таких как, где ему жить и получать образование, выбор профессии, работа и отдых, восстановление здоровья и других.

В связи с этим, то, что люди во всем мире по разным причинам меняют место работы и жилья, является логичным. В науке данный критерий называется *миграция*. Миграция, в одно и то же время, может иметь и социальные, и экономические, и политические, и религиозные свойства. В настоящее время среди различных описаний миграции, следующее является особенно значительным:

---

---

перемещение физического лица (населения) с определенной географической территории на другую определенную территорию (миграция).

В связи с тем, что в Узбекистане не было проведено научных исследований в достаточной мере по государственному урегулированию миграционных процессов, рассмотрев передовой опыт Республики Франции среди унитарных стран, мы думаем, что будет целесообразным сравнить конституционные основы по упорядочиванию миграции в государственном управлении двух стран. Так как, к примеру, вопросы государственного управления Франции именно относительно миграции, в последние годы широко изучаются в качестве сравнительного, аналитического исследования с такой конфедерацией, как Швейцария<sup>7</sup>.

Достигнув независимости, Узбекистан начал интенсивно осуществлять политику по либерализации и демократизации социальной и экономической жизни страны. Принятая 8 декабря 1992 года, Конституция Республики Узбекистан, закрепила основные принципы прав и свободы человека. В соответствии со 2-й статьей Основного Закона, государство выражает волю народа, служит его интересам. Кроме того, демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права (статья 13).

Сильная социальная политика считается составной частью всех реформ, осуществляемых в Узбекистане, механизм их обеспечения основывается на системе правовых норм, разработанных с учетом своеобразности прогресса и передового международного опыта.

В Конституции отдельное место занимают социальные права граждан, такие как, выполнение труда каждым человеком, свободный выбор профессии, работа в справедливых, рабочих условиях и защита

---

---

от безработицы в порядке, указанном в законе (статья 37), оплачиваемый трудовой отпуск и выходные (статья 38), получение социального обеспечения (статья 39), пользование квалифицированной медицинской помощью (статья 40), получение знаний (статья 41) и другие.

Процесс построения демократического общества и интеграция Узбекистана в международное сообщество создали широкие возможности для свободной миграции для граждан страны. Согласно статье 22 Конституции, Республика Узбекистан гарантирует правовую защиту и покровительство своим гражданам как на территории Республики Узбекистан, так и за ее пределами. В соответствии со статьей 28 Основного Закона, гражданин Республики Узбекистан имеет право на свободное передвижение по территории республики, въезд в Республику Узбекистан и выезд из нее, за исключением ограничений, установленных законом.

Наряду с этим, в Конституции предусмотрена защита прав и свобод не только граждан страны, но также и иностранных граждан, в том числе, иностранным гражданам и лицам без гражданства, находящимся на территории Республики Узбекистан, им обеспечиваются права и свободы в соответствии с нормами международного права (статья 23). А также, существует такая правовая норма как решение вопросов гражданства Республики Узбекистан и предоставления политического убежища (статья 93, пункт 22).

Несомненно, обеспечивая указанные права и свободы, государственные органы призваны проводить более активную, системную и целенаправленную работу по защите прав граждан Узбекистана, находящихся в зарубежных странах, и иностранных граждан в Республике Узбекистан<sup>8</sup>.

По нашему мнению, государственное управление миграционных процессов направлено, изначально, на обеспечение свободного перемещения населения с одного

места на другое, а также, на защиту конституционных прав и свободы граждан, гарантирование социальных прав. Здесь будет уместным отметить, что данное положение должно быть основано на соблюдении баланса интересов государства и личности, а также, исходить из целей эффективного демографического прогресса страны, преимущественных задач, например, как обеспечение национальной безопасности и развития.

В данном случае, с целью сравнения, следует обратиться к фундаменту национального законодательства французов, признанных в качестве сторонников свободы.

Структура Конституции Франции считается редкой и неповторимой. Своей особенностью является то, что она представляет собой конституционный блок, состоящий из 4 частей, принятых в разное время:

- 1) Конституция 1958 года;
- 2) Декларация прав гражданина и человека 1789 года;
- 3) Преамбула Конституции 1946 года;
- 4) Хартия окружающей среды 2004 года.

Конституция от 4 октября 1958 года, являющаяся первой частью, упорядочивает задачи только относительно структуры власти (структура государства, порядок формирования государственных органов). Нормы относительно прав и свободы человека отражены не в основном тексте Конституции, её составные части нашли свое выражение в Декларации прав и свобод человека от 26 августа 1789 года и удара на социальные права в Преамбуле Конституции от 27 октября 1946 года.

В частности, Введение в Конституцию от 27 октября 1946 года гарантирует равноправное использование прав трудиться и работать, получение образования, как детьми, так и взрослыми, профессиональной подготовки и т.д. Организация бесплатного и светского образования на всех этапах определена как задача государства. Также, в данном Введении отмечено то, что каждый

---

---

человек, которого преследовали из-за действий на пути свободы, имеет право получить убежище на территории республики.

Кроме вышеупомянутых, в основном тексте Конституции Французской Республики не встречается никакая правовая норма касательно миграции, выбора места жительства или переселения. Французские ученые объясняют это тем, что оно осуществлено в целях не повторения ряд норм Всеобщей декларации прав человека, которая была принята Генеральной Ассамблеей ООН 10 декабря 1948 года, например: Все люди рождаются свободными и равными в своем достоинстве и правах (статья 1), каждый человек имеет право на жизнь, на свободу и на личную неприкосновенность (статья 3), а также, каждый человек имеет право свободно передвигаться и выбирать себе место жительства в пределах каждого государства. Кроме того, каждый человек имеет право покинуть любую страну,

включая свою собственную, и возвращаться в свою страну (статья 13).

Наряду с этим, Франция отдельно соблюдает 45-ю статью Хартии основных прав Европейского Союза. В соответствии с ней, каждый гражданин Союза имеет право свободно перемещаться с одного места на другое на территории членских стран и проживать там.

Мы стали свидетелями своеобразности правовой защиты анализированной миграции на конституционном уровне. Несмотря на то, что Франция является развитой страной, норма относительно миграции, очевидно, раскрыла предоставление отсылок в различных документах, особенности государственного управления в миграционной сфере обоих государств, исследуемой с целью дальнейшего выражения в точных статьях Основного Закона в течение короткого периода времени.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Родина священна для каждого. Т. 3. – Т., 1995. – С. 10–11.

<sup>2</sup> Василенко И. А. Административно-государственное управление как наука // Социс. – 1994. – №4. – С. 98–106.

<sup>3</sup> **Этатизм** (фр. Etat – «государство») — идеология, утверждающая ведущую роль государства в политической жизни, включая подчинение интересов как отдельных людей, так и групп интересам государства. Этатизм ставит существование права в неразрывную связь с существованием государства и не признаёт иного права, кроме как санкционированного государством. А в экономике, «этатистскими» называют концепции и модели, построенные на жёстком государственном регулировании экономики — то есть дирижизм (политика активного вмешательства в управление экономикой со стороны государства в середине сороковых годов XX в. во Франции).

<sup>4</sup> **См. подробнее:** Article 5. Le President de la Republique veille au respect de la Constitution. Il assure, par son arbitrage, le fonctionnement regulier des pouvoirs publics ainsi que la continuite de l'Etat. Il est le garant de l'independance nationale, de l'integrite du territoire et du respect des traites // Франция Республикасининг Конституцияси / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов; Таржимон Л. Х. Исоқов. – Т., 2012. – С. 243, 291.

<sup>5</sup> Саидов А. Х. Франция Республикасининг Конституцияси ўзбек юристи нигоҳида (ўзбек, француз ва рус тилларида). – Т., 2011. – Б.54.

<sup>6</sup> Didier Maus. La Ve Republique: continuite et evolution en matiere de protection constitutionnelle des droits de l'homme // Дидье Мос. Франция V Республикаси: инсон ҳуқуқларининг конституциявий ҳимояси соҳасида давомийлик ва ривожланиш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2013. – № 3. – Б.45.

<sup>7</sup> **См. подробнее:** Administration publique, ressources et migration. Memoire de Master Presente a la Faculte des Lettres et Sciences Humaines Forum Suisse des Migrations et Institut de Psychologie et Education Universite de Neuchatel, par Stephanie Scolari, sous la direction de la professeure Tania Zittoun, directrice du memoire et l'expertise de la Docteure Anne Lavanchy. Soutenu le 3 septembre 2014. Pages 15-21.

Ladner, A. (2013a). Introduction. In A. Ladner, J.-L. Chappelet, Y. Emery, P. Knoepfel, L. Mader, N. Soguel & F. Varone (Eds.), Manuel d'administration publique suisse (pp. 3-6). Lausanne, Suisse: Presses polytechniques et universitaires romandes.

<sup>8</sup> Исакулов Ш. Н. Социальная защита прав трудовых мигрантов Республики Узбекистан и Российской Федерации // Вестник ПАГС. – 2009. – №4. – С. 192–196.

Д. А. Таджибаева,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси

## ПЕНИТЕНЦИАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛ

**Аннотация.** Мазкур мақола пенитенциар<sup>1</sup> коррупцияси тушунчаси, унга оид замонавий қарашлар, уларнинг илмий таҳлили ҳамда аҳамиятига бағишланган.

**Таянч тушунчалар:** коррупция, жиноят, жиноят-ижроия тизими, пенитенциар коррупция.

**Борьба с пенитенциарной коррупцией – фактор повышения эффективности государственной политики в сфере исполнения наказания**

**Аннотация.** В статье рассматриваются основные отличительные признаки коррупции, присущие уголовно-исполнительной системе, дается понятие пенитенциарной коррупции.

**Ключевые слова:** коррупция, преступление, уголовно-исполнительная система, пенитенциарная коррупция.

**Fight against penitentiary corruption is a factor of increase of efficiency of the state policy in the field of execution of punishment**

**Annotation.** The article considers the main distinguishing features of corruption inherent in a penal correction system and discloses the notion of penitentiary corruption.

**Keywords:** corruption, crime, penal correction system, penitentiary corruption.

Маълумки, ижтимоий онг инсоният тарихининг ўзгаришларига монанд равишда шаклланган. У ўзгаргани сайин бошқарувнинг усуллари ҳам мураккаблашиб борган ва шу зайл коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ҳам тараққий этиб келган.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимизнинг биринчи Президенти Ислон Каримов коррупция ва порахўрлик масаласига тўхталиб, шундай деган эди: «...Жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. «Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб

ўтишдир» деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради»<sup>2</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Халқаро миқёсда ҳам коррупция хавфсизликка таҳдид сифатида баҳоланади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик коррупциялашган гуруҳлар секин-аста давлат ҳокимияти идораларига кириб бориб, ҳокимият тизимини ҳам ўзига ишлашга мажбур этиши мумкин. Ҳисобкитобларга кўра айни дамда дунёда кўплаб



---

жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига 1 трлн. доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилган. Бу зарар ҳисобланганида, ўзга мулк, пулни ўзлаштириш ва бунга тегишли бошқа жиноий ҳаракатлар инobatга олинмагани коррупция муаммолари билан шуғулланувчи «Transparency International» ташкилотининг маълумотларида таъкидланган. Шу боис коррупция ва порахўрликни ҳеч иккиланмай «тараққиёт кушандаси» деб аташ мумкин. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам бу иллатларни энг глобал муаммолардан бири сифатида эътироф этиб, уларга қарши курашиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида коррупцияни озиклантирадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган ҳар томонлама ва изчил чора-тадбирларни қамраб олади. Коррупция, агар унга қарши доимий кураш олиб борилмаса, кўпайиш, кенгайишга мойил бўлган феномендир.

Россиялик ҳуқуқшунос Г.Н. Борзенков коррупцияни «...ижтимоий воқелик сифатида – мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларидан ғараз ниятларда фойдаланишга, уларни суиистеъмол қилишга асосланган давлат бошқарув аппаратининг бузилиши»<sup>3</sup>, дея таърифлаган.

Коррупциянинг негизида ҳокимият соҳибларининг моддий неъматлар ва уларга эришиш воситаларини эгаллаш учун интилиши ётади. Бу эса уларда алоҳида шакланган ижтимоий манфаат натижаси бўлиб, жамият учун рисоладаги ахлоқ йўналиши бўлиб хизмат қилувчи бошқа қадриятларга асосланади.

Шу ўринда биз В.В. Лунеевнинг «...бозор иқтисоди, эркин савдо ва демократия шароитида коррупция оддийгина порахўрликдан иборат эмас. Айниқса, лоббизм, фаворитизм, протекционизм, сиёсий мақсадлар учун бадал тўлаш, сиёсий етакчилар ва давлат амалдорларининг корпорация ва хусусий фирмалар президентлари каби

---

шарафли мансабларга ўтиш анъаналари, тижорат тузилмаларининг давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши, давлат мулкни акциядорлик жамиятларига ўтказилиши, жиноий уюшмалар алоқаларидан фойдаланиш кабилар – коррупциянинг ниқобланган шакли, холос»<sup>4</sup>, деган фикрига тўлиқ қўшиламыз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида коррупцион муносабатларнинг намоён бўлиши ва илдиз отиши мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун салбий оқибатлар келтириб чиқаради, жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларига зид келади, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятининг самарадорлигига бўлган ишончга путур етказилади.

Афсуски, шу ўринда, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этиш хизмати тизимида ҳам коррупциянинг турли шакл ва кўринишлари мавжуд эканлигини тан олмай иложимиз йўқ. Пенитенциар тизимда коррупция муаммоларини ўрганиш жараёнида уюшган жиноятчилик алоқаларидан фойдаланиш масаласи амалиётчи ходимлар ва олимларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Озодликдан маҳрум этиш жойларида коррупция уюшган жиноятчилик мавжудлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Одатда, шахс озодликдан маҳрум этиш жойларига бориб қолганида атроф-муҳитнинг салбий таъсирини ҳис этади. Озодликдан маҳрум этилганининг ўзи киши руҳиятига катта зиён етказилади, унга маънавий ва жисмоний азоб беради, ноқулайликлар туғдиради. Одам ушбу ҳолатда узоқ қола олмай, бу аҳволдан тезроқ қутулишга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолат нафақат илк бор бу ҳолатга тушган оддий маҳкумларга, балки жиноятчиларнинг ноошкор етакчиларига ҳам хосдир. Худди ўшалар «имтиёзли» мавқеларидан фойдаланиб, жазони ўташнинг экстремал шароитларидан ўзлари учун қулайликлар яратишга уриниб кўради. Баъзи ҳолларда эса мазкур гуруҳ аъзолари жиноий

---

---

уюшмага бирлашиб, жазони ижро этиш муассасаларида гараз ниятлар таъқбида бойишнинг янгича имкониятларини ўйлаб топади.

*Бизнинг фикримизча*, жиноий гуруҳларнинг жазони ижро этиш муассасасининг биқик маконида зич тўпланиши ва янгидан уюшиши, ўша жойларда янги жиноятлар содир этиши, уларнинг баъзи аъзолари томонидан фақатгина жазони ижро этувчи муассасаларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш, мансабини суистеъмол қилдириш орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

Коррупцион муносабатлар ривожлана бориб, жиноий фаолиятнинг турли кўри-нишларини келтириб чиқаради, булар: яширин савдо-сотик, пора беришда воситачилик, товламачилик, муассасага ноқонуний равишда алкоголь, гиёҳвандик ва бошқа тақиқланган нарсаларни келтириш ва ҳоказо. Коррупция ҳисобидан «зонанинг умумий «общак»лари<sup>5</sup> тўлдирилади, бу ўз навбатида жиноий ташкилотнинг бюджетини ташкил этади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноий гуруҳларнинг уюшишига ва бу ҳолатнинг ёйилишига фақат коррупцияга қарши таъсирчан чораларни кўриш билан чек қўйиш мумкин. С.А.Сивцов «коррупция» тушунчасини давлат тизими механизмидаги ўрни, ижтимоий ҳодиса сифатида давлат иқтисодига келтирадиган зарари, жазони ижро этиш муассасаларидаги жиноий ташкилотлар билан алоқаси сингари турли нуқтаи назарлардан таҳлил қилиб, жазони ижро этиш тизимидаги коррупцияни **пени-тенциар коррупция** деб номлайди ва унинг икки хил турини ажратади:

1) қуйи — индивидуал, майда, кундалик коррупция;

2) юқоридаги — институционал, йирик, элитар коррупция<sup>6</sup>.

Жазони ижро этиш хизмати тизимида коррупция мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган тизим ичи ҳамда айни вақтда бир хил сифатларга эга бўлган қуйи

(сода) ва юқори (ишбилармон) коррупция кўринишларига бўлинади. Шу тариқа, **пенитенциар коррупция** — ҳудудий жиҳатдан жазони ижро этиш муассасаси доираси билан чегараланган ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид келадиган пора бериш-олиш, ходимлар томонидан ҳуқуққа хилоф равишда мансабни ҳар қандай суистеъмол қилишлар: муайян неъматларга ноқонуний эришишнинг ҳар қандай кўриниши (хизматлардан фойдаланиш, мулккий ёки номулкий имтиёзга эришиш), шахсий ёки воситачилар аралашувида маҳкумларга ноқонуний енгилликлар яратиш каби хизмат мавқеини суистеъмол қилишда намоён бўладиган ижтимоий-салбий ҳодисадир.

Келтирилган кўринишлардан ташқари, пенитенциар коррупциянинг бошқа шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳақ эвазига маҳкумларни муддатидан илгари озод қилишга, бир муассасадан бошқасига рағбатлантириш тарзида ва асосиз равишда ўтказиш, енгиллаштирилган шароит ва қулайликлар яратиш, тартиботда имтиёзлар бериш билан боғлиқ бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган пенитенциар коррупция типологияси мутаносиб равишда коррупциянинг фақат бундай бир кўри-нишини қамраб ололмайди. Биз С. А. Сивцовнинг пенитенциар коррупция тўғрисидаги фикрларини давом эттира бориб, шуни таъкидлаймизки, бу ердаги коррупцион кўринишларнинг муҳим жиҳатларидан бири, бизга анча таниш бўлиб қолган давлат органлари коррупцион моделларидан фарқли равишда, коррупция салоҳияти кўп қатламлардан иборат эканлигида, деб ҳисоблаймиз. Бироқ улар орасида одатдаги вертикал алоқа ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлмайди, бошқача айтганда, коррупциянинг турли даражалари бир-бири билан кесишмайди, ҳар бири ўз қобиғида қолиш хусусиятига эга.

Биз шундай хулосага келдикки, жазони ижро этиш хизмати коррупциясининг *бирламчи* даражасида сафдор ва сержантлар,

---

---

кичик офицерлар таркиби (ҳамма жойда ҳам эмас) туради. Уларнинг тирикчилик манбаи, одатда, тақиқланган буюм ва нарсаларни олиб кириш ва бериш асосига қурилган. Жазони ўташ мобайнида маҳкумларга аталган посылка, йўқлов ва бандероллар ичида бўлиши йўл қўйилмайдиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уяли алоқа воситалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Пенитенциар коррупциянинг *иккинчи* даражасини ўрта офицерлар таркиби, муассаса бошлиқлари ва ўринбосарлари даражасидаги коррупция ташкил этади. Бунда коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисмини молиявий ҳужжатларни сохталаштириш, маҳкумларга жазони ўташ тартиботида ноқонуний енгиллик ва имтиёзлар бериш, жазодан муддатидан илгари озод қилиш учун қарор ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш кабилар киради.

*Учинчиси* юридик шахслар номидан иш юритувчи ҳудудий орган субъекти даражасида бўлиб, коррупцион ҳаракатлар пора олиш, бюджет маблағларини ўзлаштириш, товламачилик, мансаб сохтакорлиги кабиларда ифодаланади.

*Тўртинчиси* жазони ижро этиш хизмати раҳбарлари даражасида бўлади. Бу ерда коррупция учун кенг майдон яратилган, бу — хоҳ тизимнинг ичида, хоҳ ташқарисида бўлсин — идора ва соҳалараро келишувга асосан юзага келиши мумкин. Мисол учун, Россия Федерациясида 2014 йилда рўй берган аксилкоррупцион можарони келтириш мумкин. Унда Россиянинг Жазони ижро этиш федерал хизмати бошлиғи А. А. Реймер тизим учун электрон қўл кишанлари сотиб олиш бўйича давлат буюртмаларини бажаришда фирибгарликка қўл уриб, бюджет маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўйган.

Бу ҳодисалар содир этилишининг ўзи жазони ижро этиш тизими учун номақбулдир, чунки улар жазодан кўзланган мақсадга эришишга хилоф ва жамият ҳаётининг

негизларини бузади. Коррупцион ҳуқуқбузарликлар бутун пенитенциар тизимга аксилташқилий зарар етказиши ҳамда давлат хизмати-нинг обрўсига жиддий путур етказиши.

*Демак*, барча даражадаги коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишлари қуйидаги жиҳатларни қамраб олиши лозим: коррупцион қилмишларни аниқлашнинг объектив имкониятларини кенгайтириш ва уни содир этганлик учун жазо муқаррарлигига эришиш; коррупцияга имкон берувчи шарт-шароитлар доирасини торайтириш; коррупцион қилмишни содир этаётган кишини ундайдиган ички омилларга таъсир кўрсатиш; коррупцион келишувда иштирок этувчи субъектлар манфаатини камайтириш; коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муҳитини шакллантириш ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши кураш, муайян муддатга бўлса-да, ижтимоий ҳаётимизнинг умуммиллий ғояси бўлиб қолиши лозим ва шарт.

Жамият давлатнинг коррупцияга қарши курашга доимий тайёрлигини кўрса, бундай салбий ҳолатларга мурасасизлик туйғусини келтириб чиқаради. Шундай шароитда давлат эмас, жамият номидан курашни бошлайдиган ташкилотларга қизиқиш ортади, улар, ўз навбатида, ҳеч қандай таъқиб ва қарши ҳаракатдан қўрқмай, оммавий ахборот воситаларида фош этувчи материалларни эълон қилади.

*Бизнинг фикримизча*, ходимлар ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг сабаблари қуйидагилар: улар шахсий хислатларининг хизмат фаолияти талабларига жавоб бермаслиги; ижрочилик интизомининг ва касбий тайёргарлигининг пастлиги; фитнали вазиятларда эмоционал жиҳатдан ўзини тута олмаслиги; касбий деформация; баъзан моддий жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги.

*Ўйлаймизки*, коррупцияга қарши кураш амалиётига бир қатор барвақт олдини олувчи чораларни сингдириш зарур. Жазони ижро этиш хизмати томонидан шундай чоралар қисман татбиқ этилганди, масалан, мазкур хизматда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмлари жорий этилган;

---

---

тизим ходимларига коррупцион ҳуқуқбузарлик содир этиш учун огдиришга бўлган уринишлар ҳақида иш берувчини хабардор қилиш мажбурияти юклатилган; коррупцион жиҳатдан хавфли жойларни аниқлаш ишлари фаоллаштирилган. Шу билан бирга, *мулоҳазамизча*, асосий урғуни профилактикага, яъни ходим хизмат йўлининг ибтидо-сида — кишини ички ишлар органлари хизматига ёки идоровий таълим муассасаларига ўқишга олишга қаратиш лозим. Айнан номзодни пухта ўрганиш касбий яроқсиз, маънавий саботсиз, коррупцион қалтис гуруҳ таъсирига тушувчиларни дастлабки босқичларда аниқлаш имконини яратади.

Коррупция кўп ўлчовли ҳамда ташқи ва ички омилларга қараб кўринишини тез ўзгартирувчан бўлгани боис унга қарши курашда инновацион ёндашувларни ривожлантириш ушбу ижтимоий балони энгишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур иллатни самарали энгиш мақсадида, *фикримизча*, ҳудудий ва минтақавий ҳокимият органларини, жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг кучларини бирлаштириш зарур.

Гап халқ билан асосли мулоқот қилиш ҳақида борар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ушланган, ҳибсда сақланаётган ва маҳкум шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида фаол ҳамкорлик қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бу ерда ҳамкорликнинг умумий шакли сифатида: доимий асосларда қўшма ишчи гуруҳлар; ижро ҳокимияти органлари қошидаги жамоа ташкилотлари фаоллари иштирокида коллегиялар ўтказиш; анъанавий конфессиялар билан битимларни амалга ошириш; маҳкумларнинг ижтимоий тикланиши ва маънавий-ахлоқий тарбиясига қаратилган хайрия ва ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқаришда жамоат назорати кабилар келади. Жамоат назорати, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтларнинг фаолияти

орқали фуқароларда ҳокимият органларини назоратга олиш имконияти пайдо бўлади. Натижада шундай тизим шаклланадики, у орқали коррупцион кўринишлар энг дастлабки босқичларда муҳосара қилинади. Юзага келган шароитда жазони ижро этиш соҳасини кўллаб-қувватлашда давлат ахборот сиёсатини янги даражага кўтариш талаб этилади.

Очиқ тан олиш лозимки, жамият жазони ижро этиш хизмати фаолияти, унинг вазифалари, функциялари, рўй бераётган жараёнлар ҳақида тўлиқ ахборотга эга эмас. Бунинг натижасида инфорацион мувозанат бузилиб, жазони ижро этиш муассасаларида юзага келаётган воқеа-ҳодисаларнинг нообъектив ёритилишига йўл қўйилапти.

Коррупция тизимли хусусиятга эга бўлиб қолар экан, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш фақат кўргазмалар суд муҳокамасидан иборат бўлиб қолаверади. «Тизим» ичидаги коррупционерларга қарши чиқа оладиган ва бундай курашга доим тайёрлигини намойиш этадиган кишилар бўлиши ўта муҳим. Балки коррупцияни батамом энгиб бўлмас, лекин ҳеч бўлмаганда унинг амал қилиш доирасини имкон қадар торайтиришга эришиш зарур.

Жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги коррупцияга қарши курашнинг ҳал қилувчи жиҳати бўлиб хизмат қилади. Биронта ҳам коррупционер, эгаллаган лавозими ва унвонидан қатъи назар, ҳаққоний объектив ва одил судловдан қочиб қутула олмаслиги керак. Коррупция энг юқори даражадаги ҳокимиятнинг обрўсини тўкади, унинг самарали ишлашига тўсқинлик қилади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий тузилишини бузиб кўрсатади.

Жазони ижро этиш хизмати тизимида коррупцияга қарши курашнинг асосий шартларидан бири ходимлар иш сифатининг даражасини оширишдир. Шу муносабат билан янги вазифа — мазкур хизматга талабгорларнинг касбий, маънавий, руҳий хислатларига талабларни кучайтириш билан боғлиқ масала юзага келади. Кадрлар сиёсатини оқилона юритиш, ходимларнинг

---

---

гараз манфаатларини бостириш, хизматдаги таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатларини тийиш, жиноятларнинг олдини олиш пенитенциар хизмат тизимининг асоси бўлиб қолиши зарур.

Шу ўринда қуйидаги таклифлар юзага келади: *биринчидан*, ёш ходимнинг аксил-коррупцион ҳуқуқий онгини шакллантириш мақсадида хизматга қабул қилишда у билан содир бўлиши мумкин коррупцион вазиятлар тушунтирилиши ва тилхат олиниб огоҳлантирилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, жавобгарлик ва масъулият ҳақида суҳбат ўтказилиши, Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти, ходимнинг коррупциялашган хулқ-атвори хизмат мартабасининг юксалишига зид келишини тушунтириш зарур.

*Иккинчидан*, номзодни ишга олишда, хизмат пиллапояларидан кўтарилишида унга шахсий кафилликни бўйнига оладиган кишилар бўлиши, яъни кафиллик институти яратилиши лозим. Бундан кўзланган мақсадлардан бири коррупцион алоқалар шаклланишининг олдини олишдир. Амалда бу ишга етарли урғу берилмай, юзаки равишда, расмиятчилик учун, номзоднинг ўзига айтиб, қўни-қўшниси, таниш-билишларидан фикрнома ёки тавсиянома олиш билан кифояланилади.

*Учинчи таклиф*, хизматга янги олинган талабгорга синов муддати қўйилади ва мураббий бириктирилади. Лавозимга киришиш даврида мураббий ходимнинг хизмат ва касбий фаолиятига жавобгарлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мураббийликни дуч келган ходимга эмас, балки кўп йиллик иш тажрибасига ҳамда хизмат бўйича юқори кўрсаткичларга эришган, жамоада обрўси бор, касбий ва маънавий жиҳатдан шаънига доғ туширмаган ходимга юклаш лозим. Худди кафил каби мураббий ҳам масъулиятни ҳис этиши, қўл остидаги ходимга нафақат хизмат сирларини ўргатиши, балки хизмат фаолияти давомида девиант оғишишга йўл қўймаслиги зарур.

---

---

Мураббий қисқагина мураббийлик муддати ўтиши билан масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилмаслиги, шогирдининг фаолияти, шахсий ҳаёти ва алоқаларидан доимо боҳабар бўлиши керак.

*Тўртинчидан*, жазони ижро этиш тизимига хизматга олиш тартибини такомиллаштириш учун номзоднинг шахсий психофизиологик хислатларини тадқиқ этишда полиграф (ёлғон детектори)ни қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, полиграфнинг қўлланиши тасодифий шахсларни ишга олиш имкониятини камайтиради. Баъзи ҳолларда бундан хабар топган нолойиқ шахслар хизматга кириш ниятидан ўз-ўзидан қайтадилар.

*Бешинчидан*, институционал, элитар коррупцияга йўл қўймаслик мақсадида жазони ижро этиш тизими органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш зарур. Шу билан бирга, молиявий масалаларни ҳал қилиш соҳасидаги ваколатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қатъий антикоррупциявий экспертизадан ўтказилиши даркор.

*Олтинчидан*, пенитенциар соҳа ходимларининг ҳуқуқий онгини ўстириш, яъни республикада қабул қилинган ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил бўлади. Булар қуйидагилар: «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун (2017 йил); БМТ ҳомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 йил); Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 йил); Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 йил); Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 йил); БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил); 2010 йил март ойида Иқтисодий

---

ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режаси (2003 йил); Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил); Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан (1997 йил) қабул қилинган Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция; Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан (1999 йил) қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик; Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциялар; БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш конвенцияси (2003 йил, Нью-Йорк).

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзининг сайловолди маърузаларидан бирида «бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз — мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат»лигини таъкидлаган эди. Мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши эълон қилинган мақсадларни

амалга оширишга қаратилган изчил ҳаракатларнинг яна бир намунаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланганлиги бунинг яна бир яққол мисолидир.

Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Коррупциянинг маълум бир давлатда ривожланиши эса ўша давлатнинг таназзулига олиб келади.

<sup>1</sup> Пенитенциар тизим (лот. *poenitentia*— тавба қилиш)— озоликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш хизмати тизими.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — Б. 89.

<sup>3</sup> Борзенков Г. Н. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник Московского университета. Право. — 1993. — №1.

<sup>4</sup> Лунеев В. В. Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы. — М., 2001. — С. 17.

<sup>5</sup> Обшак — маҳкумлар субмаданиятига оид атама бўлиб, «умумий» деган маънони билдиради, жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар умумий жамғармасини ифодалайди.

<sup>6</sup> Сивцов С. А. Пенитенциарная преступность как угроза пенитенциарной безопасности: вопросы теории и практики // Российский судья. — 2011. — №11. — С. 26.

А.К.Расулев,

*самостоятельный соискатель Ташкентского государственного  
юридического университета, кандидат юридических наук*

## НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ

**Аннотация.** В статье проанализированы различные аспекты негативного влияния социальных сетей с социально-психологической и уголовно-правовой точек зрения и опасные последствия использования социальных сетей различными преступными группировками.

**Ключевые слова:** социальные сети, информационная безопасность, глобализация, пропаганда, преступность, терроризм, экстремизм, уголовное право.

Ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири

**Аннотация.** Мақолада ижтимоий тармоқлар салбий таъсирининг турли жиҳатлари ижтимоий-психологик ва жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил этилган, турли жиноий гуруҳларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишининг хавfli оқибатлари ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** ижтимоий тармоқлар, ахборот хавфсизлиги, глобаллашув, тарғибот, жиноятчилик, терроризм, экстремизм, жиноят ҳуқуқи.

### Negative impact of social networks

**Annotation.** The article deals with the analysis of different aspects of negative impact of social networks from the social-psychological and criminal-legal points of view and dangerous effects of use of social networks by different criminal groups.

**Keywords:** social networks, information security, globalization, propaganda, criminality, terrorism, extremism, criminal law.

Важнейшей тенденцией развития современного мира, безусловно, следует рассматривать глобализацию. В настоящее время информация считается стратегическим национальным ресурсом — одним из основных богатств страны. Под воздействием информатизации все сферы жизни общества обретают новые качества — гибкость, динамичность. Однако одновременно возрастает и потенциальная уязвимость общественных процессов от информационного воздействия.

По данным Управления ООН по наркотикам и преступности, только в 2011 г. по меньшей мере 2,3 млрд человек, или более одной трети от общей численности населения планеты, имели доступ к Интернету. Сегодня эта цифра равна 3,4 млрд человек,

или 46,4% от общей численности населения планеты. Более 60% всех пользователей Интернета находятся в развивающихся странах, причем 45% всех пользователей Интернета составляют лица в возрасте до 25 лет.

По оценкам, к 2017 г. доступ к мобильному широкополосному интернету получают до 70% от общей численности населения мира. К 2020г. количество сетевых устройств («интернет-вещей») будет в шесть раз превосходить численность населения, что полностью изменит нынешнее представление об Интернете<sup>1</sup>. Как бы ни были велики приведенные выше цифры, правительства ряда стран всеми силами предпринимают попытки контролировать интернет-пространство своего государства путем принятия таких мер, как ограничение

---

---

пользованием интернетом, интернет-цензура и др.

В Республике Узбекистан быстрыми темпами развиваются информационно-коммуникационные технологии. В настоящее время в Узбекистане насчитывают свыше 26,4 тыс. доменов и 9,8 тыс. сайтов в доменной зоне UZ1. Согласно данным Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, количество интернет-пользователей в Узбекистане превысило 13 млн, мобильной связью охвачено 92% населенных пунктов республики, количество абонентов составляет 20,8 млн<sup>2</sup>. По данным статистики, прирост с начала текущего года составил 2600 доменных имен, или 10%. За этот период было зарегистрировано более 6100 новых и удалено почти 3600 доменов. 46% всех доменов числятся за физическими лицами, 89% зарегистрированы резидентами Узбекистана. На хостинге прописаны 69% доменных имен, около половины размещены внутри страны<sup>3</sup>.

Основным элементом современной информационно-коммуникационной инфраструктуры являются социальные сети. Термин «социальные сети» был введен в 1954 г. социологом из Манчестерской школы Джеймсом Барнсом в работе «Классы и собрания в норвежском островном приходе», вошедшей в сборник «Человеческие отношения». Во второй половине XX в. понятие «социальная сеть» стало очень популярным у западных исследователей общества и общеупотребительным в английском языке. Со временем в качестве узлов социальных сетей стали рассматривать не только людей как представителей социума, но и любых других акторов, которые могут иметь социальные связи, например, города, страны и т.п.<sup>1</sup>

Под социальной сетью на качественном уровне понимается социальная структура, состоящая из множества агентов (субъектов – индивидуальных или коллективных, например, индивидов, семей, групп, организаций) и определенного на нем множества отношений (совокупности связей

между агентами, например, знакомства, сотрудничества, коммуникации)<sup>4</sup>.

В настоящее время любой конфликт имеет свое отражение в глобальной информационной сети Интернет и социальных сетях, и часто от образа в этом виртуальном «зеркале» зависит конечный результат противостояния соперничающих сторон. В «сетевой виртуальности» развиваются события решающего значения. Активное вовлечение в виртуальную среду многомиллионной аудитории человечества, формирование общественного мнения и манипулирование им позволяет глобально влиять на процессы противостоящих сторон. Изменение оценок, позиций отдельных людей, от мнения которых зависит качество принимаемых решений, может создать условия для точечного управления различного рода событиями. Борьба в информационной сфере за площадки и мнения людей открывает в социальных сетях новое поле арены современного противостояния, что требует внимания со стороны общественности и государства.

На наш взгляд, социальные сети также представляют определенную общественную опасность в условиях глобализации и широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий в нашу жизнь. С одной стороны, социальные сети могут негативно повлиять на психику молодежи, с другой – стать площадкой для совершения преступлений. Поэтому негативные стороны социальных сетей можно условно подразделить с социально-психологической и уголовно-правовой точек зрения.

При этом социальная сеть становится средой совершения преступлений либо инструментом (орудием) совершения преступления. Особенное внимание в плане криминогенности привлекают социальные сети, в которых активно действуют как отдельные преступники, так и организованные преступные сообщества, в том числе группировки экстремисткой, террористической направленности. Кроме того, социальные сети сегодня являются особой средой, в которой активно работают



---

---

политтехнологи «цветных революций», занимающиеся формированием и консолидацией протестного электората, используя для этого возможности виртуальных социальных сообществ и инструменты конструирования и изменения виртуальной реальности.

Рассмотрим негативные стороны социальных сетей с **социально-психологической точки зрения**.

*1. Потеря времени.* Некоторые активные пользователи интернета тратят все свободное время на социальные сети. Время, которое можно было направить в более продуктивное русло, чем трата времени за просмотр чужих фотографий, комментированием чужого видео и фанатичным обновлением страницы, на бессмысленную переписку. Время, проведенное в социальных сетях, будет безвозвратно и бесполезно утрачено.

*2. Потеря денег.* Некоторые пользователи социальных сетей тратят деньги на онлайн-покупку подарков, голосов и прочих вещей в социальных сетях. Например, один пользователь сети Интернет израсходовал все свои деньги ради голосов Facebook<sup>5</sup>. Впрочем, проводя много времени в социальных сетях, пользователи теряют не только деньги, но и потенциальный доход.

*3. Компромат на пользователей.* С развитием социальных сетей, можно собрать досье практически на любого человека. Причем такую информацию можно использовать в самых разных целях. Следует отметить, что многие пишут в социальных сетях личную информацию – место работы, место учебы, телефон, кто-то даже указывает адрес, что может негативно отразиться на неприкосновенности личной жизни.

*4. Вред социальных сетей психологическому здоровью.* Социальные сети вредят психологическому здоровью и вызывают интернет-зависимость. Согласно исследованиям, пользователи социальных сетей привыкают постоянно получать информацию и, если этого не происходит, начинают испытывать информационную «ломку». Она

выражается в том, что пользователям становится трудно расслабиться в тех ситуациях, когда в мозг поступает мало данных. Ведь наш мозг вечно требует новых порций информации, так как привык каждый день получать ее из социальных сетей<sup>6</sup>.

**С уголовно-правовой точки зрения** социальные сети стали представлять общественную опасность в последние годы. Так, в частности, в социальных сетях могут быть совершены различные преступления, связанные с пропагандой различных материалов, представляющих общественную опасность. В УК Республики Узбекистан предусмотрены соответствующие нормы, устанавливающие ответственность за совершение преступлений в рассматриваемой сфере, в частности, ст. 130<sup>1</sup> (изготовление, ввоз, распространение, рекламирование, демонстрация продукции, пропагандирующей культ насилия или жестокости), ст. 150 (пропаганда войны), ст. 156 (возбуждение национальной, расовой, этнической или религиозной вражды).

Учитывая развитие информационного пространства и размещение большого массива информации во всемирной сети Интернет, растет риск распространения информации, нарушающей общественную безопасность и негативно влияющей на общественное благосостояние и спокойствие. Сегодня каждый человек может создать аккаунт, стать блогером и сообщать новости. Это – огромная проблема, потому что эти люди нивелируют информационное поле<sup>7</sup>.

В странах «арабской весны» большинство активистов использовали социальную сеть в качестве ключевого инструмента для выражения своего недовольства против правящих режимов. Активисты использовали Facebook для организаций протестов, Twitter – для распространения информации, а YouTube – чтобы показать это всему миру. Такие понятия, как «твиттер-революция» и «революция через социальные сети», прочно вошли в научный оборот именно после событий «арабской весны»<sup>8</sup>. Поэтому было бы целесообразно установить уголовную

---

---

ответственность за распространение блогерами различной информации, которая может привести к нарушению общественного благосостояния.

Главные пропагандисты преступной организации «Исламское государство» (ИГ, ДАИШ) эффективно используют западные технологии коммуникации — YouTube, соцсети Facebook, Twitter, Instagram, Friendica — для освещения зоны боевых действий и вербовки иностранных граждан. Тысячи аккаунтов, использование Twitter Storm во время боевых операций для создания паники в тылу врага, тысячи видео сторонников движения и десятки миллионов просмотров. Данные медиа-ресурсы в основном осуществляют свою деятельность во Всемирной сети ввиду ее доступности.

Так, по оценкам отдельных экспертов, сегодня в Twitter насчитывается примерно 90 тыс. аккаунтов, владельцы которых разделяют взгляды ИГ либо проявляют интерес к деятельности этой террористической организации. При этом лишь порядка 2 тыс. из них поддерживают тесную связь между собой и принадлежат непосредственно к членам ИГ или его активным пособникам. Каждый из таких аккаунтов имеет от 2 до 50 тыс. подписчиков, создавая тем самым целевую аудиторию радикалов и выполняя функцию дальнейшего распространения информации и идей ИГ<sup>9</sup>.

Экстремистами активно используется сайт [odnoklassniki.ru](http://odnoklassniki.ru). По данным веб-изданий, ОК.РФ является социальной сетью №1 в Узбекистане. За один месяц работы эту социальную сеть посещают более 2,5 млн лиц, просматривающих 200 млн страниц. Дневная активность пользователей — 150 тыс. загрузок игр, 15 тыс. подарков, 120 тыс. загруженных фото, 300 тыс. просмотров видео, 130 тыс. статусов, 1,5 млн оценок, 800 тыс. «классов», 450 тыс. комментариев, 10,5 млн сообщений ежедневно. Социальная структура «Одноклассников»: по возрасту — 60,5% лица до 34 лет, 20,3% — 35–44 лет, 19,4% — 45 лет и более; по полу — 62,3% — 62,3% женщины, 37,7% — мужчины<sup>10</sup>.

Помимо экстремистов, в социальных

сетях активно работают вербовщики международных террористических организаций (ДАИШ, «Джебхат ан-Нусра» и другие ячейки «Аль-Кайды», «Хизб-ут-Тахрир» и др.), рассматривающие социальные сети как идеальную среду для организации вербовочных подходов, и технологи «цветных революций», формирующие протестный электорат. Интересно, что и те, и другие существуют в форме сетевых организаций, которые чрезвычайно трудно выявить: сетевые организации состоят из отдельных, изолированных друг от друга ячеек, которые поддерживают связь с управляющим центром (или центрами) с помощью довольно сложных цепочек связников различных уровней. Сходство в организационной форме существования у террористических организаций и центров координации протестного движения «цветных революционеров» объясняется довольно просто: и те, и другие вынуждены действовать в условиях строгой конспирации, требованиям которой наиболее точно соответствуют именно сетевые формы. Ведь именно сетевой форме организации террористическое подполье в различных регионах мира обязано своей живучестью<sup>11</sup>.

Схема вербовки молодежи (не обязательно мусульманского вероисповедания), используемая террористами ДАИШ, довольно проста. Специалисты террористов анализируют сотни аккаунтов в социальных сетях, выбирая из них те, которые принадлежат молодым людям (как правило, студентам) с высоким уровнем интеллекта, но с большими проблемами в социализации. Таких людей вычислить довольно просто: не сумев вписаться или встроиться в социум, существующий у них в вузе, ребята уходят в социальные сети, пытаясь в этой среде социализироваться и компенсировать нехватку общения, дружбы, внимания, участия и человеческой теплоты.

Находясь в состоянии активного поиска, анонсируя в своем статусе наличие личных проблем («все сложно»), ребята часто сами натываются на вербовщика-мотиватора, который вводит свой аккаунт в круг общения молодого человека и ждет, когда его

---

---

обнаружат и к нему обратятся (т.е. подставляется на контакт с потенциальным объектом вербовки). В результате контакт между вербовщиком и будущим объектом вербовки устанавливается нередко по инициативе самого объекта, что с самого начала определяет низкий уровень его критического отношения к новому контакту и каналу общения<sup>12</sup>.

С учетом возрастающей опасности распространения негативной информации, нарушающей или угрожающей общественной безопасности, необходимо в Уголовный кодекс Республики Узбекистан ввести статью 278<sup>7</sup>, устанавливающую ответственность блогеров, текст которой целесообразно изложить в следующей редакции:

**«Статья 278<sup>7</sup>. Нарушение правил размещения общедоступной информации**

Умышленное допущение владельцами веб-сайта и (или) страниц веб-сайта, в том числе блогерами, использования своих веб-сайтов и (или) страниц веб-сайта во всемирной информационной сети Интернет, на которых размещается общедоступная информация, в целях призыва к насильственному изменению существующего конституционного строя, территориальной целостности Республики Узбекистан, пропаганды войны, насилия и терроризма, идей религиозного экстремизма, сепаратизма и фундаментализма, разглашения

сведений, составляющих государственные секреты или иную охраняемую законом тайну, распространения информации, возбуждающей национальную, расовую, этническую или религиозную вражду, а также порочащей честь и достоинство или деловую репутацию граждан, допускающей вмешательство в их частную жизнь, пропаганды наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, пропаганды порнографии, совершения других действий, влекущих за собой уголовную и иную ответственность в соответствии с законом, —

наказывается штрафом до ста минимальных размеров заработной платы или исправительными работами до трех лет либо лишением свободы от двух лет до пяти лет».

Учитывая, что ныне информационная безопасность личности, в частности молодежи, выходит на первое место в системе национальной безопасности, формирование и проведение единой государственной политики в данной сфере требует приоритетного рассмотрения. С этой целью, на наш взгляд, необходимо разработать и применение комплексных программ по профилактике среди молодежи правонарушений в информационно-коммуникационных, в том числе в социальных, сетях, проведение разъяснительной работы и встреч в образовательных учреждениях и махаллях.

<sup>1</sup> См.: Всестороннее исследование проблемы киберпреступности и ответных мер со стороны государств-членов, международного сообщества и частного сектора. — Группа экспертов для проведения всестороннего исследования киберпреступности. Вена, 25–28 февраля 2013 г. // UNODC/CCPCJ/EG.4/2013/2. — С. 2.

<sup>2</sup> См.: <https://www.gov.uz/ru>.

<sup>3</sup> См.: <https://www.gazeta.uz/ru/2016/09/20/subscribers/>

<sup>4</sup> См.: <http://cctld.uz/stat/>

<sup>5</sup> См.: *Губанов Д. А., Новиков Д. А., Чхартишвили А. Г.* Социальные сети: модели информационного влияния, управления и противоборства. — М., 2010. — С. 124.

<sup>6</sup> См.: *Информационная война. Информационное противоборство: теория и практика / В. М. Щекотихин, А. В. Королёв, В. В. Королёва и др. / Под общ. ред. В. М. Щекотихина.* — М., 2010. — С. 456.

<sup>7</sup> См.: [www.cybersport.ru/news/flusha-cs-go-komyuniti-gryebannoe-posmeshishche/](http://www.cybersport.ru/news/flusha-cs-go-komyuniti-gryebannoe-posmeshishche/)

<sup>8</sup> См.: <http://nperov.ru/soznanie/vred-socialnyx-setej-vliyanie-na-psixiku/>

<sup>9</sup> См.: <http://www.belta.by/society/view/blogery-nivelirujut-informatsionnoe-pole-jakubovich-192607-2016/>

<sup>10</sup> См.: <http://www.diplomat.am/load/public/5-1-0-357>.

<sup>11</sup> См.: <http://ru.m.journal-neo.org/2015/06/08/informatsionny-e-resursy-igil/>

<sup>12</sup> См.: [www.ccitt.uz/](http://www.ccitt.uz/)

<sup>13</sup> См.: <http://www.expertsud.ru/content/view/207/36/>

<sup>14</sup> См.: <http://cyberleninka.ru/article/n/rasprostranenie-molodezhnogo-ekstremizma-v-globalnoy-seti-internet#ixzz4KIT4ZYTU>.

---

---

Ш. Қ. АЛИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси демократик жамият қуриш назарияси  
ва амалиёти кафедраси бошлиғининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди, доцент*

## ТАЛАБАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон тарихини ўқитиш борасида тўпланган кўп йиллик тажриба асосида ёшларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида ҳамда баркамол авлод қилиб тарбиялашда ушбу фаннинг алоҳида ўрин тутиши асослаб берилган.

**Таянч тушунчалар:** Ўзбекистон тарихи, ёш авлодни тарбиялаш, ватанпарварлик, миллий ғоя, тарихий факт, замонавий педагогик технологиялар.

### **Значение преподавания истории Узбекистана в патриотическом воспитании студентов**

**Аннотация.** В статье на основе многолетнего опыта преподавания истории Узбекистана обосновывается вывод об особой роли данной учебной дисциплины в воспитании патриотизма, любви к Родине и формировании гармонично развитого молодого поколения.

**Ключевые слова:** история Узбекистана, воспитание молодого поколения, патриотизм, национальная идея, исторический факт, современные педагогические технологии.

### **Value of teaching history of Uzbekistan in patriotic education of students**

**Annotation.** Based on long experience of teaching the history of Uzbekistan the conclusion about a special role of the subject in fostering patriotism, love for the Fatherland and forming of harmoniously developed younger generation is proved.

**Keywords:** history of Uzbekistan, education of the younger generation, patriotism, national idea, historic fact, modern pedagogical technologies.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг тақдири ва мамлакатнинг келажаги республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ва Ватан олдидаги бурчини нечоғлик ҳис қилиши, ватанпарварлиги билан бевосита боғлиқ. Шу боис, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида белгиланганидек, «жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш» муҳим вазифа сифатида илгари сурилмоқда.

«Ватанпарварлик» юртнинг обрў-эътибори учун курашга тайёрликни аниқлатади. Кўплаб ёшларимизнинг илм-фан, санъат,

спорт соҳаларида дунё миқёсида қўлга киритган ютуқлари, халқаро фан олимпиадаларидаги галабалари ҳам азиз Ватанимизнинг буюк келажаги учун мустақкам замин яратади. Шу боис ҳам, шу юртни Ватан деб билган ҳар бир инсон элимизнинг озод ва обод бўлиши, тараққий этиши учун курашиши лозим.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш орқали талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу орқали ёшларимизда миллий гурур ва миллий ғоя шакллантирилади.

Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани амалга оширишда Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида

---

---

барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилинди ва янада такомиллаштирилди. Умуминсоний қадриятлар ижодий ўрганилди ва ҳаётимизга татбиқ этилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устуворлиги»дир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга, яъни «ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш»га бурди. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизими замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламдаги яратувчилик ишлари ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарих фанининг аҳамияти беқиёс бўлиб, Ўзбекистон тарихи дарсларининг барча мавзулари уларни Ватанни севишга, ардоқлашга, ҳимоя қилишга, ривожлантиришга ва унинг ютуқларидан ғурурланиш ва камчиликларидан азият чекиш каби ҳис-туйғуларни шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

Ҳеч қайси фан тарих фанидек ёшларни миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни бажармайди. Ватанимиз халқларининг қадимдан асрлар давомида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган мардонавор кураши ва турли

---

---

даврларда доимо мустақилликка эришиш учун ўғил ва қизларининг жонини фидо этганига катта эътибор бериб, жонли мисоллар орқали мавзуларни тушунтириб беришга эътибор қаратиш керак.

Ўзбекистон тарихи бўйича ҳар бир дарс ўз мазмунига қараб ёшларга турлича тарбиявий таъсир кўрсатади: уларга завқ бағишлайди, уларни эзгу, олижаноб мақсадларга, бунёдкорликка ундайди, босқинчи ва сотқинларга қарши нафрат, мардлик, ватанпарварликни шакллантиради, ватанимиз мустақиллигига раҳна солаётган ҳозирги даврнинг турли диний-экстремистик оқимларига қарши ғоявий кураш руҳида тарбиялайди.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аввало ўқитувчининг ҳар бир дарснинг таълим-тарбия борасидаги вазифаларини олдиндан аниқ ва тўғри белгилаб ола билишига, бу эса, ўз навбатида, ана шу вазифаларни белгилаш метод ва усуллари ҳақидаги назарий билим ва малакаларининг даражасига боғлиқ.

Аммо, дарсга пухта тайёргарлик кўриш, унинг таълим-тарбия вазифаларини тўғри ва аниқ билиш билангина талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб бўлмайди, албатта. Муҳими, маъруза ва семинар дарсларида таълим ва тарбияни уйғунлаштириб боришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан тўғри, ўринли фойдалана билишдир.

Тарихий билимларнинг тарбиявий таъсири шу билимларнинг ўқитувчи томонидан ёзма манбалар ва тарихий ҳужжатлар асосида тарихий фактларга таяниб, эмоционал тарзда очиб беришига боғлиқдир. Талабалар дарс давомида тарихий фактларнинг тўғрилигини тушуниб боришлари ва фактлар асосида хулосалар чиқариши учун улар ишончли бўлмоғи лозим. Шунингдек, улар баён этилган фактларнинг илмий жиҳатдан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари зарур.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишнинг

---

---

муҳим вазифаси тарихий ҳодисаларга берилган илмий баҳоларни ва ўрганилаётган материал юзасидан чиқарилган хулосаларни ишончли қилиб тушунтириб беришдан иборатдир. Маъносини яхши тушунмай ёдлаб олинган хулосалар эмас, балки тафаккур билан, эмоционал кечинмалар натижасида, тушуниб, билиб олинган хулосалар ишончли бўлади.

Тарих илми талабаларнинг тарихий фактларга, миллий истиқлол ғояси, мустақилликни мустаҳкамлашга, ватанпарварликка муносабатини шакллантиради. Уларни тарихий билимларни таҳлил қилиш, тарихга қизиқиш, ундан сабоқ олиш, тўғри хулосалар чиқаришга ўргатиш керак. Демак, жонли тасвирлаш, ўқитишнинг турли замонавий педагогик технологиялари ва техник воситаларидан фойдаланиш илмий ва пухта билим бериш шартларидандир. Агар дарс қуруқ сўзлар, фақат саналарни ёдлатиш билан ўтилса, тарбиявий вазифалари амалга ошмайди.

Бунинг учун ўқитувчи дарслик билан чекланиб қолмасдан, қўшимча адабиётлар, мультимедиа материаллари, мавзуга доир аудио-видео материаллардан фойдаланиши зарур. Ўқитувчи дарсликларда берилган матнларни анча кенгайтириб, турли ёзма манбалар ва ҳужжатлар билан дарсни мазмунан тўлдириб ўтиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон тарихи дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методлари турлича бўлиб, бунда ўқитувчи оғзаки баён, кўرғазмалилик ва бошқа методлардан фойдаланиши мумкин. Буларни дарснинг турли босқичларида (берилган вазифани назорат қилиб баҳолашда, янги мавзунини ўтишда, мавзунини мустаҳкамлашда ва ҳоказо) амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда таълим ва тарбияни қўшиб олиб боришга қаратилган турли методик воситалардан фойдаланиш мумкин.

*Биринчидан*, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда дарснинг ишонарли бўлиши учун ёрқин тарихий фактлардан, ҳужжатлар,

бадий адабиёт ва мемуарлардан олинган парчалар, кўрғазмали қурол ва техник воситаларидан (кино, телевидение, компьютер дисклари, мультимедиа ва бошқалардан) фойдаланиш мумкин.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда воқеаларнинг сабаб ва натижалари ўртасидаги боғлиқликни, жамият ривожланишининг асосий қонуниятларини очиб беришга, маълум тарихий материалларни ўрганиш асосида ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришга эътибор бериш зарур.

*Учинчидан*, ўрганилаётган омиллар ва тарихий воқеаларни мустақил таҳлил қилиш ва уларга тўғри баҳо беришга талабаларни жалб қила бориш дарснинг тарбиявий жиҳатини бирга қўшиб боришнинг муҳим шартларидан биридир.

*Тўртинчидан*, бутун таълим жараёни ва талабалар билан амалга оширилаётган маданий-маърифий ишларда уларнинг билими, малакаси ва ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.

*Бешинчидан*, ўқитувчи умумий ва методик маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши, ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини кенгроқ қўллаши муҳим.

Мазкур методик воситаларнинг Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда, таълим билан тарбияни бирга қўшиб олиб боришда муҳим роль ўйнашини кейинги йиллардаги тажриба тасдиқлади.

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бадий адабиётнинг аҳамияти катта. Тарих дарсларида ўқитувчи баённинг ишончли ва ҳаяжонга бой бўлиши учун бадий адабиётдан олинган фактлар ҳамда баъзи тарихий эпизодларнинг аҳамияти кўрсатилади.

Ўқитувчи дарс давомида юқорида келтирилган ва бошқа ёрқин тарихий фактлар, қисқа эпизодлардан фойдаланиб, Ўрта Осиё халқларининг ўз мустақиллиги ва озодлиги учун қаҳрамонона курашлари мисолида тингловчиларни жасурлик, фидойилик, миллий ғурур, ватанпарварлик

---

руҳида тарбиялаши мумкин. Бадиий ва тарихий адабиётлардан танланган фактлар, кичик эпизодларнинг ўқитувчи баёнига киритилиши материални чуқур ўзлаштиришда, унинг ишончли ва таъсирли бўлишида ёрдам беради. Шу билан бирга, бу эпизодлар тингловчиларни босқинчиларга қарши нафрат руҳида тарбиялашга, озодлик ва мустақиллик учун курашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонона анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Бу борада Ўзбекистон тарихидаги Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг ажралмас қисми эканлиги, халқимизнинг Аҳамонийлар ва юнон-македонлар истилосига, араблар зулми ва мўғуллар босқинига қарши кураши, IX–XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган Уйғониш даври, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши, чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши ва жаҳидчилик ҳаракати, Туркистонда мустақил совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат, совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий қарамлиги, мустақил тузумнинг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ва шу каби бошқа мавзулар алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон тарихи фанининг ҳар бир мавзуси ёшларни Ватанимиз, халқимиз, давлатимизга меҳр-муҳаббат, садоқат, Ватан ҳимоясига шайлик, ҳарбий ватанпарварлик, дўстлик-биродарлик, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Ҳар бир дарс мазмун ва моҳиятига кўра тингловчиларга турлича тарбиявий таъсир кўрсатади, завқ бағишлайди, уларни эзгу

ниятларга илҳомлантиради, олижаноб мақсадларга ундайди, ўз хулқи ва ният-мақсадларини белгилаб олишида ёрдам беради, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик сингари маънавий фазилатларни тарбиялайди.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида талабаларни қайси қўшимча ўқув материали билан таништиришини, улар билан муҳокама қилинган воқеа ва ҳодисалар ҳақида аниқ бир умумлаштирувчи хулосага келишини пухта ўйлаб олиши ва уларни технологик харитага киритиши лозим. Бунда, албатта, таълим билан тарбияни уйғунликда боғлаб олиб бориш зарур.

Демак, ҳар бир дарсда талабаларга ватанпарварлик руҳини сингдиришимиз лозим бўлади. Жумладан, оғзаки баён методидан фойдаланиб, суҳбат, ҳикоя усулида мавзуга доир қўшимча манбалардан (ёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар, архив материаллари, мемуарлар, илмий тадқиқот, бадиий адабиёт) фойдаланиш мумкин. Бу энг кўп тарқалган методдир.

Кўрғазмали метод ва техник воситалардан фойдаланиб, ёшларга ватанпарварликка оид кўпгина расмлар, тарихий шахслар ва қаҳрамонлар суратини, кинофильмлардан ва ҳужжатли фильмлардан лавҳаларни кўрсатишимиз мумкин.

Педагогик технологиялардан фойдаланиб эса Ватанимиз тарихининг турли воқеаларига оид материалларни талабалар билан биргаликда ишлаб чиқишимиз мумкин бўлади. Бунда талабалар мавзунинг у ёки бу томонига ўз муносабатларини билдиришлари, таҳлил қилишлари мумкин. Буларни белгилаб олишда ўқитувчи ўз тажрибаси ва маҳоратига таяниши керак бўлади.

Тарихий билимларнинг тарбиявий таъсири шу билимларнинг тарихий фактларга асосланганлик даражасига ва дарсда ишончли ҳамда эмоционал тарзда очиб берилишига боғлиқ. Талабалар тарихий фактларнинг тўғрилигини тушуниб боришлари ва фактлар асосида чиқарилган хулосалар улар учун ишончли бўлмоғи лозим.

---

---

Шунингдек, улар баён этилган фактларнинг илмий жиҳатдан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Дарсларда «Ўрта Осиёдан буюк алломалар етишиб чиққан», «Ватанимиз халқлари чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашдилар!» ёки «Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби халқ қаҳрамонлари Ватан озодлиги йўлидаги мардлик кўрсатдилар» десак, қуруқ гап бўлиб қолади. Бунда кузатилган таълим-тарбия вазифалари бажарилмай қолади. Дарсларда шунга эришиш керакки, қисқача баён этилган фактлар, шахсларнинг фаолияти ҳам аниқ образлар ёрдамида ўрганилиши керак. Образли тасвир, образли баён, ишончли далилларга таяниш, фикрини илмий баён эта билиш машғулот мақсадига эришишнинг энг асосий шартларидан биридир. Ўқитувчи дарсга тайёрланаётганда дастур ва дарслик билан чекланиб қолмай, қўшимча адабиётлар ва кўргазмали

материаллардан фойдаланиши керак.

Шундай қилиб, Ватан равнақи ёшларнинг камолига, биз уларга қандай билим беришимизга боғлиқ. Бу — ҳар биримизнинг Ватан олдида масъулият ва мажбуриятимиз бор деганидир. Замон билан ҳамнафас яшаш учун ягона йўл билим эгаллашдир. Билим инсонни озод ва улуғвор қилиб, ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишда мадад бўлади.

Тарихий хотирани шакллантириш, халқимиз, жонажон ўлкамизнинг ўтмишини билиш Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантиради. Миллатимиз орзу-умидлари, интилишлари, анъаналари ўз ифодасини топган меросни ўрганиб, мамлакатимизнинг тарихи ва маданияти ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ана шунда тарихда ўтган улуғ аждодларимиз қолдирган буюк маънавий мерос, уларнинг ибратли ҳаёти улкан тарбиявий қудратга эга бўлади.



## **КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА МУРАББИЙ ШАХСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**Аннотация.** Мақолада курашчи спортчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид долзарб масалалар кўриб чиқилади. Унда машқлар ва спорт мусобақалари орқали спортчиларда жисмоний чидамлилиқ, кураш усулларини амалда қўллашга доимий шайлиқ, руҳий барқарорлиқ ва юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришни фақат мураббийларнинг юксак касбий тайёргарлиги таъминлаши мумкинлиги таъкидланади.

**Таянч тушунчалар:** касбий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, мураббий, кураш, махсус тайёргарлик, жанг, кураш техникаси, мусобақа, педагогик тажриба, спорт турлари.

### **Формирование личности тренера в процессе профессиональной подготовки.**

В статье рассматриваются актуальные вопросы совершенствования физической и морально-психологической подготовки спортсменов-борцов к профессиональной деятельности. Подчеркивается, что только высококлассная профессиональная подготовка тренеров может обеспечить формирование в процессе тренировок и спортивных соревнований таких важных профессиональных качеств спортсменов, как физическая выносливость, постоянная готовность применить на практике приемы борьбы, психологическая устойчивость и высокие нравственные качества.

**Ключевые слова:** профессиональная подготовка, физическая подготовка, тренер, борьба, специальная подготовка, бой, техника борьбы, соревнование, педагогический опыт, виды спорта.

### **Forming of the personality of trainer in the course of professional training.**

**Annotation.** The article is devoted to the topical issues of improvement of physical and moral-psychological training of athletes-fighters to professional activity. It is emphasized that only high-class professional training of trainers can provide forming in the course of trainings and sports competitions of such important professional qualities of athletes as physical endurance, permanent readiness to put into practice fight techniques, psychological stability and high moral qualities.

**Keywords:** professional training, physical training, trainer, fight, special training, fight, technique of fight, competition, pedagogical experience, sports.

Умумий педагогик кўникмаларни ўрганишнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишнинг дастлабки шарт-шароитлари инсон фаолияти муаммоларини таҳлил қилиш ҳисобланади. Фаолият борлиқни англаш ва ўзгартириш жараёни сифатида алоҳида ҳаракатлар тизимига муайян объектни эгаллаш актларига бўлинади. Онгли ҳаракат башорат қилинаётган мақсад ва дастурни амалга ошириш жараёни сифатида тавсифланади, фаолият тизимининг тузилмавий бирлигини ташкил этади.

Инсон фаолиятни шакллантира туриб унинг дастурини башорат қилиш билан боғлиқ вазифани ҳал этади. Дастур моҳияти, образи ва ҳаракат образини, яъни инсон ҳаракатининг мўлжали деб номланувчи ҳаракат комплексини бажариш пайтида таянадиган шарт-шароитлар тизимини ўзида мужассам қилади.

Ҳаракатнинг бажарилувчи қисми муқобил тарзда ҳаракатни бажариш учун объектив зарур бўлган шароитлар тизимини излаш билан тўқнашади. Бундай шароит-

---

---

ларга ҳаракат мақсади, предмети ва усули киради. Вазифанинг ҳал этилиши объектив шароитларга мос бўлган ҳаракатнинг мўлжал олиш асосини тузишдан, ҳаракатни бажариш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Касбий фаолият тадқиқотчилар томонидан бундай фаолиятнинг умумлаштирилган мақсадларига бўйсундирилган вазифалар тизими сифатида кўриб чиқилади ва моделлаштирилади. Муайян ҳаракатнинг ўзи, бошқа янада мураккаброқ ҳаракат таркибига кўшилиб, мақсадга йўналтирилганлигини йўқотиши, автоматлашиши, малакага айланиши мумкин<sup>1</sup>.

Кўникмалар ижтимоий-руҳий ҳодиса сифатида муайян масалаларни ҳал этувчи алоҳида фаолиятнинг субъект томонидан эгалланганлигини ифодалайди ва ўз навбатида, бу онтогенез жараёнида эгалланганидан ҳаракатдир. Кўникма ва малакаларнинг тавсифи уларнинг ҳаракат эгалланишининг турли жиҳатлари ҳамда даражаларини акс эттириши нуқтаи назаридан ҳозирга қадар баҳолашув фани ҳисобланади<sup>2</sup>. «Кўникма» категориясини ҳаракатларнинг онглилиги, режалилиги ва эвристик муолажаларда фаолият мақсадларига эришиш усулларининг вариантлиги ҳамда самарадорлигининг бирикишини назарда тутган ҳолда таърифлаш зарур.

Кўникмада ифодаланган ҳаракатлар ва операциялар тузилмавий функционал тарзда комплексланади. Ташқи ва ички ҳаракатларнинг бирлиги (улар стереотип ҳамда амал қилиш жараёнида мунтазам янгиланиб туради) кўникмада сифат жиҳатдан янги қирраларга эга бўлади. Ҳар бир кўникма ижодий фикрлашга боғлиқ бўлади<sup>3</sup>. Кўникма ҳар доим объектни ўзгартиришга қаратилган онгли мақсадга йўналтирилган микро-жараён, ҳаракатларни бажаришдаги юқори малака кўрсаткичи бўлиб, ҳаракат субъектида фаолиятнинг турли вазиятларидан фойдалана олиш қобилияти яхши шаклланганлигини акс эттиради<sup>4</sup>.

Мактаблар, коллежлар ҳамда олий ўқув юртлири учун жисмоний тарбия ўқитувчиси,

спорт турлари бўйича мураббий оммавий жисмоний тарбия бўйича ўқитувчи ташкилотчилар хусусий қоидалардан ташқари, умумий қирраларга ҳам эга. Шунинг учун ҳар бир турдаги касб фаолияти учун умумий ҳамда махсус қирралар мазмуни ўргатилаётганларни йўналтирилган тарзда тайёрлаш ва ўз-ўзини тайёрлашни таъминлайди.

Ҳар қандай спорт ихтисослигидаги педагог учун қуйидаги кўникмалар зарур: машқни қисқача тушунтириш; кузатиш учун жой танлаш; машғулотларни ўтказишда йўл қўйилган шахсий хатоларни таҳлил қилиш ва уларнинг сабабларини очиб бериш, ўқувчилар томонидан йўл қўйилаётган хатоларни сезиш, уларни тузатиш, индивидуал ва ёш хусусиятларининг намоён бўлишини аниқлаш. Шу билан бирга, бир қатор касбий педагогик кўникмалар маълум бир спорт турлари учунгина ҳосдир, масалан, эҳтиётлаш усулларининг турларидан фойдаланиш, ёрдам кўрсатиш учун жой танлаш ана шулар жумласидандир. Айнан ўқувчиларнинг амалий ҳаракатлари самарадорлиги шунга боғлиқ бўлади. Эҳтиётлаш усуллари ўқитувчи томонидан унинг амалий фаолиятида махсус ўрганилиши ҳамда такомиллаштирилиши лозим, чунки улардан моҳирлик билан ва ўз вақтида фойдаланиш мураккаб ва хавфли ҳаракатларга ўргатиш муддатларини қисқартиради, шуғулланувчиларга руҳий тўсиқни енгиб ўтишида ёрдам беради.

Мураббийнинг ўқувчиси ва унинг рақиблари кучини холисона баҳолай олиш кўникмаси спортчига сафарбарланиш, руҳий тўсиқни енгиб ўтиш ҳамда қўйилган вазифани яхши уддалашда ёрдам беради. Мураббий машғулотларнинг ҳамма асосий омиллари ҳамда кўрсаткичлари ҳажмининг шиддати ва зўриқиши, техника, тактикасини такомиллаштиришда машқларнинг танланиши, мушак ишининг, шунингдек, дам олиш ҳамда овқатланиш тартиби, организмнинг юкламадан сўнг тикланиши тизими, руҳий ҳолат ва бошқаларни ҳисобга олиш ҳамда оптимал чегараларда сақлаб

---

---

туришни билиши лозим.

Жанг майдонларида содир бўлаётган вазиятларни кузата билиш, ижодий фикрлаш ҳамда таҳлил қила олиш спорт турларида мураббий махсус тайёргарлигининг етакчи сифатидир, чунки иштирок этишдаги муваффақият нафақат жамоанинг тайёргарлиги ва мусобақалашаётган жамоаларнинг кучлар нисбатларига, балки моҳирлик билан бошқаришга, кучлари тенг бўлган жамоалар ёки бирмунча кучли жамоа билан бўладиган курашда мураббийнинг бошқариш ва танаффуслардан моҳирона фойдаланиш санъати кўп ҳолларда ўйиннинг боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Циклик спорт турларида тайёргарликни бошқариш жараёнининг самадорлиги кўпинча мураббийнинг, спортчиларнинг функционал ҳолати тўғрисида олинган холис тезкор ахборотларни тўғри таҳлил қила олиш малакасига боғлиқ. Бу эса уларнинг тайёргарлигига фаол таъсир кўрсатишга, тез ва аниқ қарорлар қабул қилишга, янада самаралироқ ҳаракат қилишга имкон яратади.

Спорт техникасини ўргатишда ўқувчига талаб қилинаётган ҳолатни эгаллаш ҳамда зарур ҳаракатларни бажаришда ёрдамлашиш малакаси катта аҳамиятга эга. Бунда спортчида мустақил бажариш пайтида пайдо бўладиган ҳиссиётларга яқин кинетик сезгилар асосида жанг техникаси тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади. Яхлит бутун машқни бажариш пайтида ҳам ўқувчига шундай ёрдам кўрсатиш, масалан, акробатик сакрашда кўтарилиш пайтида сакровчини юқорига итариб юбориш мумкин. Бундай аралашув фойдали, лекин ўқитувчидан ёрдам беришнинг тегишли услублари борасидаги кўникмаларни талаб этади.

Ўқитувчи, шунингдек, машғулотлар ўтказиладиган жойни танлаши ва машғулотлар воситалари ҳамда услублари билан бир қаторда уларнинг ҳолатини ҳам ўзгартириб тура олиши, спортчиларга нисбатан энг яхши ўринни топиши ва спорт

техникасини яхши эгаллаган бўлиши лозим.

Кураш спорт турлари ва спорт ўйинларида мураббийнинг ўқувчи билан индивидуал ишлаши орқали спорт техникасини ўргатиш ҳамда техник-тактик жиҳатдан такомиллаштириш кенг қўлланилади. Бу жиҳатлар боксда «яссиқўлқоп»да ёки қўлқопларда, стол теннисда стол олдида, қиличбозликда эса қурол билан ишлашда кўринади.

Мураббий ўқувчи билан бевосита алоқада пайдо бўлган хулосаларига асосланиб, муайян кўникмани эгаллашдаги камчиликлар ҳақида энг тўғри танбеҳларни бериши, оптимал вазиятни яратиши мумкин. Бунинг учун мураббий ўқувчи билан бўладиган ҳаракат муносабатларни аста-секин мураккаблаштириши, мусобақаларда доимо юзага келадиган вазиятларга ўхшаш тактик ҳолатларни ярата олиши лозим.

Шундай қилиб, мураббий индивидуал дарсда бир вақтнинг ўзида беллашувни олиб бориш техникасининг спортчи томонидан эгалланишига ҳаракат қилаётган ўқитувчи ва ўз ҳаракатлари билан мақсадларга эришиш учун шароитлар яратувчи шахс сифатида қатнашади.

Кўпгина спорт турларида ўргатишнинг асоси машқларни мураббийнинг ўзи кўрсатиб беришидир.

Бажаришга тақдим этилаётган ҳаракатларни намунавий ҳолда намойиш қилиш қобилияти техникага бошланғич ўргатиш босқичида, айниқса ўқувчининг кузатишлари деярли ягона ахборот манбаи ҳисобланган даврда аҳамиятга эга. Спортчи кузата туриб, спорт техникасининг яхлит суратини тиклашдаги ҳаракат деталлари (қисмлари), уларни бажаришдаги қийинчиликлар ва бошқалар тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Спортчилар тайёргарлигининг турли босқичларида мураббийлар ишида машқларни кўрсатиб бериш ва тушунтириш даражаси бир хил эмас. Жумладан, спорт техникасининг такомиллашуви жараёнида ҳаракатларни тушунтириш малакаси (у яхлит ёки қисмларга ажратилган бўлишидан қатъи

---

---

назар, кўрсатиб беришдан) устун туради. Шу билан у ёки бу машқнинг нима учун ва қай тарзда бажарилишини кўрсатиб бериш орқали моҳирона тушунтириш биргаликда олиб борилганда ёш спортчиларда техникани эгаллаш жараёни оптималлашади.

Хатоларни аниқлаш ва ўз вақтида тузатиш мураббийлар маҳоратида алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, бошланғич даврда хатоларни кўрсатиш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг энг самарали усулларини кўрсатиш жуда муҳимдир. Бунинг устига, хатони энг замонавий ўргатиш воситалари ҳамда услублари ҳам ихтисослашган ҳаракатларни эгаллашда хатолардан тўлиқ холи бўлиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳеч қандай техника воситаси хатоларни аниқланиш ва бартараф этиш ўрнини босолмайди.

Бироқ ўқувчи томонидан йўл қўйиладиган хатони кўра билиш кўп ҳолларда нафақат педагог тажрибасига, балки кўпинча кузатиш учун жойнинг танлани-

шига ҳам боғлиқ бўлади.

Касбий фаолиятини баҳолаётиб шуни таъкидлаш лозимки, турли хилдаги кўникмалар ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд бўлиб, у мураббийлар фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлади. У кўпинча муҳим хусусиятга эга бўлади. Мутахассислар тайёргарлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда шуни эътиборга олиш жоизки, бир турдаги кўникманинг ифодаланиш даражаси бошқасининг ифодаланиш даражасини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, мураббийнинг касбий фаолияти элементларини эгаллаш жараёнини такомиллаштириш, педагогик маҳоратни шакллантириш учун, биринчи навбатда, танланган мутахассислик учун зарур билим, кўникма ва малакалар рўйхатини аниқлаб олиш, шунингдек тайёргарликнинг умумий педагогик даражасига бўлган талабларни янада аниқлаштириш талаб этилади.

<sup>1</sup> *Сластенин В. А.* Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. – М., 1976.

<sup>2</sup> *Воробьев А. И.* Методика тренировки // Тяжёлая атлетика. – М., 1981. – С.132–185.

<sup>3</sup> *Сластенин В. А.* Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. – М., 1976.

<sup>4</sup> *Озолин Н. Г.* Техническая, тактическая и теоретическая подготовка // Современная система спортивной тренировки. – М., 1970. – С.138–143.

В. Ё. Эргашев,

*Тошкент давлат юридик университети давлат ҳуқуқи ва  
бошқаруви кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент*

**ЮРИДИК ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАНГАН  
ЧЕКЛАНГАН АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақола юридик шахсларга хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари асосида бириктирилган мол-мулкнинг ашёвий-ҳуқуқий режимини тадқиқ этишга бағишланган. Амалга оширилган таҳлиллар хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ўртасидаги фарқларнинг шартли эканлигидан далолат беради. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар рўйхатидан хўжалик юритиш ҳуқуқини чиқариш орқали мулкдор бўлмаган юридик шахслар ашёвий ҳуқуқлари турларини қонун йўли билан қисқартиришнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида хулоса асослантирилган.

**Таянч тушунчалар:** чекланган ашёвий ҳуқуқлар, оператив бошқариш ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, мол-мулкни тасарруф этиш, мол-мулк мулкдори, давлат корхонаси.

**Проблемы совершенствования системы ограниченных вещных прав, установленных в отношении имущества юридических лиц**

**Аннотация.** Статья посвящена исследованию вещно-правового режима имущества, закрепленного за юридическими лицами на правах хозяйственного ведения и оперативного управления. Проведенный сравнительный анализ свидетельствует о чисто условном разделении между правом хозяйственного ведения и правом оперативного управления. Делается вывод о целесообразности законодательного ограничения видов вещных прав юридических лиц – не собственников имущества, путем исключения права хозяйственного ведения из перечня ограниченных вещных прав.

**Ключевые слова:** ограниченные вещные права, право оперативного управления, право хозяйственного ведения, распоряжение имуществом, собственник имущества, казенное предприятие.

**Problems of improvement of the system of limited real rights established as regards the property of legal entities**

**Annotation.** The article is devoted to the research of the proprietary mode of the property assigned to legal entities on the right of economic management and operational management. The carried-out comparative analysis demonstrates purely conditional separation between the right of economic management and the right of operational management. Conclusion about expediency of legislative restriction of types of real rights of legal entities - not owners of property, by excluding of the right of economic management of the list of the limited real rights is drawn.

**Keywords:** limited real rights, the right of operational management, the right of economic management, disposal, owner of property, state enterprise.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти-  
ни барча йўналишлар бўйича ҳар томонлама  
ривожлантириш, миллий ишлаб чиқарувчи-  
ларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбар-  
дошлигини таъминлаш бугунги кунда  
мамлакатимизда амалга оширилаётган

ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини  
ташkil этади. Албатта, ушбу вазифаларнинг  
самарали ва тўлақонли амалга оширили-  
шини таъминлашнинг муҳим омилларидан  
бири давлатнинг иқтисодиётдаги иштиро-  
кини оқилона чегараларда қисқартириш,

---

---

айниқса давлат мол-мулки асосида хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг мол-мулкдан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир.

Миллий фуқаролик ҳуқуқида чекланган ашёвий ҳуқуқлар объектлари сифатида мулкдор бўлмаган юридик шахслар (унитар корхоналар ва муассасалар)нинг мулкый комплекслари эътироф этилади. Таъкидлаш лозимки, мазкур чекланган ашёвий ҳуқуқлар замонавий фуқаролик қонунчилигига собиқ Иттифоқ фуқаролик қонунчилигидан «рудимент қолдиқ» сифатида мерос қолди. ФКда уларнинг сақлаб қолинишини академик Х.Рахмонқулов «янги иқтисодий муносабатларга ўтиш даврининг ифодаси» деб баҳолаб, ўша даврда аксарият корхоналар давлат мулкида эканлиги оператив бошқарув институтининг сақлаб қолинишига ва хўжалик юритиш ҳуқуқининг киритилишига сабаб бўлганлигини кўрсатган<sup>1</sup>. Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи каби конструкциялар бошқа мамлакатларга маълум бўлмаса-да, мазкур ҳуқуқларга чекланган ашёвий ҳуқуқларнинг барча белгилари хосдир.

Оператив бошқариш ҳуқуқи илк бор 1961 йилги ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги асосларининг 21-моддасида ва 1963 йилги ЎзССР Гражданлик кодексининг 107-моддасида мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

Кейинчалик оператив бошқариш ҳуқуқи тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқига ажралди. Бу қоида «Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддасида мустаҳкамланди. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкни ўзи ташкил этган корхонага тўла хўжалик юритиш ҳуқуқида бириктириши мумкин бўлган. Оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдор томонидан молиялаштирилладиган давлат корхоналари ва бошқа муассасалар учун мўлжалланган эди. Бундай табақалаштириш режали хўжалик тизимида ўз фаолияти натижасини мутгасил яхшилашдан манфаатдорликка амалда эга бўлмаган

давлат товар ишлаб чиқарувчиларига имкон қадар эркинлик бериш мақсадини кўзлаган.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ФКнинг 14-бобида тартибга солинган. Мазкур ҳуқуқлар асосан мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат юридик шахсларига бириктириш учун мўлжалланган. Бироқ амалда бундай ҳуқуқлар хусусий муассасаларга тегишли бўлиши ҳам мумкин.

Амалдаги ФКнинг 70-моддасига мувофиқ, хўжалик юритиш ҳуқуқи конструкциясидан нафақат давлат, балки бошқа мулкдорлар ҳам фойдаланиши мумкин. Мазкур моддага кўра, баъзи МДХ мамлакатларининг (Россия, Қозоғистон ва бошқ.) фуқаролик қонунчилигидан фарқли ўлароқ, нафақат давлат, балки бошқа субъектлар ҳам унитар корхоналар кўринишидаги юридик шахсларни ташкил этишлари мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқи давлат ташкилотлари ва хусусий муассасаларга, шунингдек давлат корхоналарига тегишли. Хўжалик юритиш ҳуқуқи — ўз тижорат фаолиятини юритиш мақсадида унитар корхонасига мулкдор томонидан бириктирилган мол-мулкдан фойдаланиши бўйича чекланган ашёвий ҳуқуқдир. Унитар корхона деб мулк эгаси томонидан унга бириктирилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи берилмаган тижорат ташкилоти тан олинади. Унитар корхонанинг мулки бўлинмас мулкдир ва бадаллар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ишчи ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Таъсис ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига бириктирилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни идора қилиш, бошқариш ҳуқуқига эгадир. Хўжалик юритиш ҳуқуқи, бошқа субъектда (мулкдорда) худди ўша мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи мавжудлиги туфайли, чекланиш хусусиятига эга эканлигини таъкидлаш лозим. Оператив бошқариш ҳуқуқининг моҳияти мулк эгаси маълум мақсадни кўзлаган ҳолда юридик шахс ташкил

---

этишида ва белгиланган мақсадни амалга ошириш учун атайлаб ажратилган ўз мулкни ўша юридик шахсга бириктиришидадир. Бунда мулк эгасининг мулки у ташкил этган юридик шахснинг мулкига ўтмайди, балки фойдаланишга ва эгалигига топширилади. Тадқиқотчи М.Х.Баратов таъкидлаганидек, оператив бошқариш ҳуқуқи ўз табиатига кўра, бирламчи ҳуқуқ ҳисобланмайди. Зеро, бунда ашёга нисбатан вужудга келган мулк ҳуқуқи дастлаб «оператив бошқарувчи»га эмас, балки ташкилот (давлат ташкилоти)га шундай ҳуқуқни берган мулкдор — давлатга тегишли бўлади<sup>3</sup>.

Оператив бошқариш ҳуқуқининг объекти давлат корхонасига ёки муассасага бириктирилган мол-мулк мажмуасидир. Давлат корхонасига ёки муассасага бириктирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи мазкур корхона ёки муассасада мулк топширилган пайтдан пайдо бўлади (ФК 181-м. 1-қ.).

Даставвал хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики, улардан биринчиси мулкдор бўлмаган шахсга тақдим этадиган ҳуқуқлар ҳажми жиҳатидан мулк ҳуқуқига имкони борича яқинлаштирилган эди. ФК амалга киритилгунга қадар у тўла хўжалик юрителиш ҳуқуқи деб аталар ва давлат корхоналари учун мўлжалланган эди. Мазкур ҳуқуқни ФКда мустақамлаш пайтида унинг номидан «тўла» сўзи чиқариб ташланди. Айни ҳол қонун чиқарувчининг хўжалик юрителиш ҳуқуқи доирасини торайтириш йўлидаги ҳаракатларини акс эттиради. Қайд этиш лозимки, хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқини ажратиш амалга оширилган пайтда кенг кўламдаги хусусийлаштириш ҳали амалга оширилмаган эди, демак, давлат сектори доирасида бозор принципларига мувофиқ фойдаланиш мумкин бўлган йирик активлар бор эди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эмас.

---

Биринчидан, хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи субъектларининг жавобгарлигига доир фарқлар йўқолиб бораётир. Хўжалик юрителиш ҳуқуқи эгалари мустақил мулкый жавобгар бўладилар.

Иккинчидан, хўжалик юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи субъектларининг ваколатларига нисбатан фарқлар янада кўпроқ даражада йўқолган. Жумладан, хўжалик юрителиш ҳуқуқининг эгаси ФКга мувофиқ белгиланган доирада мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Оператив бошқариш ҳуқуқининг эгаси қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг топшириқлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Расмий даражада фақат бир чеклаш — **фаолиятни мулкдор топшириғига биноан амалга ошириш** оператив бошқариш ҳуқуқини хўжалик юрителиш ҳуқуқидан ажратиш имконини беради. Бироқ хўжалик юрителиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдори корхона фаолиятининг предмети ва мақсадларини аниқлаш, шунингдек унинг директорини (раҳбарини) тайинлаш ҳуқуқига эга. Директорни тайинлаш орқали мулкдор амалда ўзининг ҳар қандай топшириқлари бажарилишини таъминлаши мумкин.

Хўжалик юрителиш ҳуқуқининг эгаси кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз тасарруф этишга ҳақли эмас. Корхонанинг кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз тасарруф этишга қаратилган битими ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Қонунда ва қонуности ҳужжатларида бошқа мол-мулкларни ҳам тасарруф этиш борасида чекловлар белгиланиши мумкин. Масалан, унитар корхона қарз, кафиликлар бериш, банк кафолатларини олиш, талаблардан ўзга шахслар фойдасига воз кечиш, қарзни ўтказиш, оддий шерикчилик шартномалари тузиш, хўжалик жамияти ёки ширкатнинг устав капиталига қўшилган ҳиссани тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни фақат

мулкдорнинг розилиги билан тузишга ҳақлидир. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона уставида мазкур корхона мол-мулкнинг мулкдори розилигисиз тузилиши мумкин бўлмаган бошқа битимларнинг турлари ва (ёки) миқдори назарда тутилиши мумкин.

Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли (ФК, 179-м. 1-қ., «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низом, 17-б.). У ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни мустақил тасарруф этишга ҳақлидир.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади (ФК 180-моддасининг 2-қисми).

Бунда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, муассасага рухсат этилган фаолиятдан олинган даромадларни ва мазкур даромадлар ҳисобига эгалланган мол-мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқининг хусусияти ва мазмуни қонун чиқарувчи томонидан тартибга солингани йўқ. Айни ҳол юридик адабиётларда мазкур ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати хусусида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айрим муаллифлар уни хўжалик юритиш ҳуқуқи деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>, чунки илгари 1991 йилги ССР Иттифоқи ва республикалар фуқаролик қонунчилиги асослари 48-моддасининг 2-бандида мулкдор ўзларига рухсат этган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган муассасалар мазкур фаолиятдан олинган даромадларни ва ушбу даромадлар ҳисобига эгалланган мол-мулкни мустақил тасарруф этишга ҳақли эканликлари, мазкур даромадлар ва мол-мулк муассасага тўла хўжалик юритиш ҳуқуқида тегишли бўлиши тўғридан-тўғри мустаҳкамланган эди.

Баъзи муаллифлар мазкур ҳуқуқни янги,

мустақил ашёвий ҳуқуқ деб ҳисоблайдилар<sup>5</sup>, чунки у хўжалик юритиш ҳуқуқи доирасига ҳам, оператив бошқариш ҳуқуқи доирасига ҳам сиғмайди.

Масалан, М. В. Шенникованинг қайд этишича, муассасанинг ўз даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини хўжалик юритиш ҳуқуқи билан ҳам, мулк ҳуқуқи билан ҳам мослаштириш тўғри бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга. Муассасанинг даромадларни мустақил тасарруф этиш борасидаги имконияти амалда ўзига хос белгилар тўпламига эга ва ушбу белгилар уни ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида тури сифатида ажратиш имконини беради<sup>6</sup>.

В. В. Чубаров муассасанинг рухсат этилган хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мустақил ашёвий ҳуқуқ ҳисобланишини таъкидлайди. «Бироқ ўзининг ҳимоя даражасига кўра у хўжалик юритиш ҳуқуқига анча яқин туради ва бу унга хўжалик юритиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормаларни ўхшашлик бўйича қўллаш имконини беради»<sup>7</sup>, — деб ҳисоблайди В. В. Чубаров. Айрим муаллифлар фикрига кўра, муассасанинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи оператив бошқариш ҳуқуқининг кенгайтирилган варианты ҳисобланади<sup>8</sup>. Адабиётларда илгари сурилган тўртинчи нуқтаи назарга кўра, даромадларга ва мазкур даромадлар ҳисобига эгалланган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ мулк ҳуқуқи ҳисобланади<sup>9</sup>.

А. Б. Бабаевнинг фикрига кўра, «...муассасанинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларга ва мазкур даромадлар ҳисобига эгалланган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи, унитар корхонанинг кўчар мулкка бўлган ҳуқуқи ва давлат корхонасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга бўлган ҳуқуқи каби, мулк ҳуқуқи ҳисобланади»<sup>10</sup>, чунки кўрсатилган ҳолларда муассасалар ва корхоналарга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган, мол-мулкни тасарруф этишга нисбатан



---

---

бирор-бир чеклаш қонунда назарда тутилмаган.

Мулк ҳуқуқига доир чеклашлар соҳасидаги таниқли мутахассис В.П.Камисанский ҳам муассаса қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига эгаллаган мол-мулкка бўлган ашёвий ҳуқуқ ўз ҳуқуқий режимига кўра муассасанинг мулк ҳуқуқи мақомига даъвогар бўлиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>11</sup>.

Шундай қилиб, муассасаларда қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқининг мавжудлиги мазкур ҳуқуқ табиатининг ноаниқлигини вужудга келтиради. Умумий қоидага биноан муассасада тасарруф этиш ҳуқуқининг йўқлиги амалда кўпгина муаммолар туғилишига сабаб бўлади.

Юқорида баён этилганлар чекланган ашёвий ҳуқуқлар мазмунини қонунда белгилашда мувозанатни сақлаш зарурлигини кўрсатади: оператив бошқариш ҳуқуқи эгаларига муайян объектларни тасарруф этиш ваколоти (бирок мулкдорнинг розилиги билан) берилиши лозим.

Учинчидан, кўриб чиқиладиган ҳуқуқларнинг объектларига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас. Масалан, оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдор томонидан молиялаштириладиган муассасаларгагина эмас, балки давлат корхоналарига ҳам тегишлидир. Ваҳоланки, «корхона» тушунчасига ФК 85-моддасининг биринчи қисмида бутун корхона мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк деб таъриф берилган. Бошқача айтганда, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланган мол-мулк хўжалик юритиш ҳуқуқи каби, оператив бошқариш ҳуқуқининг ҳам объекти бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мулкдорнинг мол-мулкни бошқаришга қаратилган икки ҳуқуқнигина ажратиш йўли билан қонун чиқарувчи уларнинг барча субъектларига ва ҳар қандай объектларига нисбатан мазкур ҳуқуқлар мазмунининг ягоналигини таъминлашга муваффақ бўлгани йўқ. Кўриб

чиқиладиган чекланган ашёвий ҳуқуқлар мазмуни субъектга, мол-мулк тоифасига, мазкур мол-мулк қайси маблағ ҳисобидан эгалланган бўлса, ўша маблағ манбаига боғлиқ. Бу ҳол мазкур ҳуқуқларга шартли тус беради, уларни турлар ва кичик турларга ажратиш учун имконият яратади. Масалан, муассаса, умумий қоидага мувофиқ, ўз мол-мулкни тасарруф эта олмайди, айти пайтда давлат корхонаси ўз мол-мулкни тасарруф этиши мумкин. Айти пайтда оператив бошқарув ҳуқуқининг мазмуни у қандай мол-мулкка нисбатан вужудга келганига қараб ҳам табақалаштирилган. Умумий қоидага биноан, агар гап оператив бошқариш ҳуқуқининг субъектига мулкдор томонидан бириктирилган ёки мулкдор ажратган маблағлар ҳисобига эгалланган мол-мулк ҳақида бораётган бўлса, тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Гап рухсат этилган ва даромад келтирувчи фаолиятдан олинган даромадлар ҳақида, шунингдек бундай даромадлар ҳисобига эгалланган мол-мулк ҳақида борган ҳолда эса, аксинча, тасарруф этиш ҳуқуқи муассасага тегишлидир.

Юқорида айтилганлар хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқини ажратиш қонун ҳужжатларида шартли равишда амалга оширилган, уларни бир-биридан ажратиш имконини берувчи аниқ ва жиддий фарқлар кўрсатилмаган, деган хулосага келиш имконини беради.

Бугунги кунда, нафақат миллий, балки МДХ мамлакатлари цивилистикасида ҳам мазкур институтларнинг ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида амалда бўлишининг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги қизгин баҳс-мунозаралар объектига айланди. МДХ мамлакатлари фуқаролик қонунчилиги таҳлилини амалга оширган аксарият хориж экспертлари бозор шароитида фуқаролик субъектининг ҳар бир иштирокчиси фуқаролик муомаласида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк билан иштирок этиши шарт, акс ҳолда улар билан муносабатларга киришган бозорнинг бошқа иштирочилари манфаатлари хавф остида

қолади, деб таъкидлашади. Шу нуқтаи назардан, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқарув ҳуқуқи институтларини ФКдан чиқариш ва уларнинг ўрнига бозор талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган муқобилини жорий этишни таклиф этишди<sup>12</sup>. Бундан ташқари, юридик адабиётларда фақат хўжалик юритиш ҳуқуқини ашёвий ҳуқуқлар қаторидан чиқариш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилган<sup>13</sup>. Бизнингча, хўжалик юритиш ҳуқуқи уни мустақил ашёвий ҳуқуқ сифатида ажратиш учун етарли илмий асосга эга эмас, шу боис мулкдор мол-мулкни бошқаришга бўлган ҳуқуқлар дуализмига барҳам бериш ва фақат оператив бошқариш ҳуқуқини қолдириш зарур. Мазкур ҳуқуқ оператив бошқариш ҳуқуқи субъектининг тижорат фаолиятини ҳам, нотижорат фаолиятини ҳам қамраб олади. «Хўжалик юритиш», шу маънода, унча ўринли атама эмас, чунки фақат хўжалик фаолиятини, яъни тижорат, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланган.

Шу билан бирга, «оператив бошқариш ҳуқуқи» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритилиши лозим. Оператив бошқариш ҳуқуқи — бу давлат корхонаси ва муассасанинг қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мол-мулк мулкдорининг топшириқлари ва ушбу мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш чекланган ашёвий ҳуқуқидир. Қонунга мувофиқ давлат корхоналари ва муассасалар махсус (аниқ мақсадга қаратилган) ҳуқуқ лаёқатига эга. Бу корхона ва муассасанинг ўзига бириктирилган мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ҳаракатлари уларнинг устав фаолияти вазифалари ва мол-мулкнинг белгиланган мақсади билан белгиланиши лозимлигини англатади. Унитар корхона ёки муассасанинг қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда мустақамланган махсус ҳуқуқ лаёқати чегарасидан четга чиқувчи битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФКнинг 125-моддаси). Бинобарин, давлат корхонаси ва

муассаса мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи корхона ҳуқуқ лаёқатининг ўзи билан чеклангандир. Бироқ корхона ва муассаса мол-мулкдан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиши учун «оператив бошқариш ҳуқуқи» тушунчасининг таърифида у корхона ва муассаса фаолиятининг мақсадларига, мол-мулк мулкдорининг топшириқлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ амалга оширилишига ишорани қолдириш лозим.

Оператив бошқариш ҳуқуқига нисбатан чеклашлар ҳажми мазкур ҳуқуқ қайси объектга татбиқ этилса, шу объектнинг турига боғлиқ бўлиши мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқи объектлари сифатида ҳам кўчар, ҳам кўчмас мулк амал қилиши мумкин, ер участкалари ва ер ости участкалари бундан мустасно. Кўчмас мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи давлат рўйхатига олиш пайтида юзага келади.

Ҳозирги вақтда мол-мулк қайси унитар корхонага хўжалик юритиш ҳуқуқида тегишли бўлса, шу унитар корхонанинг мол-мулкига унинг қарзлари бўйича ундирувни қаратиш (шу жумладан банкротлик таомилини бажаришда) мулкдорнинг розилигисиз амалга оширилади ва мулкдорни субсидиар жавобгарликка тортишни англатмайди. Оператив бошқариш ҳуқуқи субъектининг қарзлари бўйича мулкдорнинг субсидиар жавобгарлиги сақлаб қолиниши лозим. Давлат корхонаси ёки муассасага оператив бошқариш ҳуқуқини муайян муддатга бериш тўғрисидаги шартнома мазкур ашёвий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиатига зид келади ва муддатни кўрсатиш қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Оператив бошқариш ҳуқуқи асосида турган мол-мулкнинг ҳуқуқий режими кредиторлар ва корхонанинг ўз манфаатларида муайян хусусиятлар билан тавсифланади. ФК 181-моддасининг учинчи қисмида белгиланган оператив бошқариш ҳуқуқининг бекор бўлиши асослари айни шу хусусиятлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, оператив

---

---

бошқариш ҳуқуқининг амал қилиш соҳасини унитар корхоналарга татбиқ этиш орқали хўжалик юритиш ҳуқуқини ашёвий ҳуқуқлар қаторидан чиқариш таклиф қилинади. Оператив бошқариш ҳуқуқида мол-мулкка эга бўлган муассаса ва унитар корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган

даромадни мустақил тасарруф этишга ҳақли эканлиги ва давлат корхонаси ёки муассаса мол-мулки бошқа шахсга берилишига сабаб бўлувчи бошқа битимлар фақат мулкдорнинг розилиги билан тузилиши лозимлиги асосий белгиловчи мезон сифатида қонунчиликда ўз ифодасини топиши зарур.

<sup>1</sup> Раҳманкулов Х-А. Основные направления развития гражданского законодательства Республики Узбекистан // Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства: Материалы междунар. научно-практич. конф. – Т., 2005. – С. 98.

<sup>2</sup> ЎзССР Гражданлик кодекси. – Т., 1988.

<sup>3</sup> Баратов М. Х. Давлат мулк ҳуқуқи. – Т., 2008. – Б.66.

<sup>4</sup> Суханов Е. А. Понятие и виды ограниченных вещных прав // Гражданское право – частное право / Отв. ред. В. С. Ем. – Место и Год изд. – С. 237.

<sup>5</sup> Гражданское право: Учебник. Т. 1 / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой. – М., 2009. – С.489; Сорокина С. Я. Вещные права учреждений и их осуществление // Вещные права: система, содержание, приобретение: Сб. науч. тр. / Под ред. Д. О. Тузова. – М.: Статут, 2008. – С. 73.

<sup>6</sup> Қаранг: Шенникова Л. В. Вещное право: Учебное пособие. – М., 2006. – С. 115.

<sup>7</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части первой (постатейный) / Отв. ред. О.Н.Садиков. – М., 2005. – С. 545, 770.

<sup>8</sup> Феофилактов А. С. Право оперативного управления государственных (муниципальных) учреждений: проблемы реализации и защиты // Арбитражная практика. – 2007. – №6. – С.13.

<sup>9</sup> Бабаев А. Б. Система вещных прав. – М., 2006. – С. 352; Камышанский В. П. Актуальные проблемы права собственности. – Краснодар, 2008. – С.236; Ўша муаллиф. Право собственности: пределы и ограничения. – М., 2000. – С. 170.

<sup>10</sup> Бабаев А. Б. Система вещных прав. – С. 352.

<sup>11</sup> Камышанский В. П. Актуальные проблемы права собственности. – Место и год изд. – С. 236.

<sup>12</sup> Чантурия Л. О необходимости реформы гражданских кодексов в государствах СНГ // Актуальные проблемы гражданского права: Мат-лы междунар. научно-практ. конф. – Т., 2011. – С. 69–70.

<sup>13</sup> Қаранг, масалан: Шенникова Л. В. Проблема права оперативного управления в цивилистике, или хорошо ли быть директором унитарного предприятия // Законодательство. – 2001. – №2. – С. 24; Диденко А.Г. О праве оперативного управления и хозяйственного ведения как вещных правах // Вещные права: система, содержание, приобретение: Сб. науч. тр. / Под ред. Д. О. Тузова. Место и год изд. – С. 63.

## ТОВАР ОМБОРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Аннотация.** Мақолада товар омборида омонат сақлаш муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари таҳлил этилган. Муаллиф товар омборида омонат сақлаш шартномасининг моҳиятини дон маҳсулоти ва пахта хомашёсини сақлаш мисолида очиб беришга ҳаракат қилади. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Товар омборлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарурлиги асослантирилади.

**Таянч тушунчалар:** товар омбори, шартнома, ҳуқуқий тартибга солиш, шартнома мазмуни, юк топширувчи, сақлаш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### Договорно-правовое регулирование услуг, оказываемых товарным складом

**Аннотация.** В статье проанализированы вопросы, относящиеся к договорно-правовому регулированию услуг, оказываемых товарным складом. Автор пытается раскрыть суть договора сбережения на товарном складе на примере сохранения зерна и хлопка-сырца. На основе анализа обосновывается необходимость принятия Закона «О товарных складах».

**Ключевые слова:** товарный склад, договор, правовое регулирование, содержание договора, сдающий товар, сохранение, права и обязанности сторон.

### Contractual legal regulation of the services rendered by the depository of goods

**Annotation.** The article deals with the questions relating to contractual legal regulation of services rendered by the depository of goods. The author tries to disclose the essence of the contract of saving in the depository of goods on the example of preserving of grain and raw cotton. On the basis of analyses the necessity of adoption of a law «About depository of goods» is proved.

**Keywords:** depository of goods, contract, legal regulation, contents of contract, handing over goods, preserving, the rights and obligations of the parties.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида товар омборида омонат сақлаш муносабатларининг мазмуни, моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни тубдан ўзгарди. Айниқса, шартнома тарафлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг кенгайганлиги бевосита бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклиф, рақобат, субъектларга берилган кенг имкониятлар ва ташаббускорликнинг натижаси бўлди.

Товар омборида омонат сақлаш шартномасининг тарафлари шартнома тузишда бевосита эрк-ирода эркинлиги асосида ҳуқуқий муносабатга киришадилар. Бунда тарафлар ўз хоҳиш-иродаларини

эркин ифодалашлари ва шартноманинг мазмунини аниқлашда ўз хоҳиш-истакларини амалда билдиришлари лозим бўлади-ки, бу ҳолат бозор муносабатларининг энг муҳим қоидаларидан бири бўлган субъектларнинг эркин ҳаракат қилишлари ва шартномалар эркинлиги принципининг ажралмас қисми ҳисобланади<sup>1</sup>. Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш эркинлиги бевосита субъектларга шартномавий муносабатларга эркин киришиш имконини ҳам беради<sup>2</sup>.

Маълумки, шартнома мазмуни деганда тарафлар келишуви билан шартномага киритилган шартлар тушунилади<sup>3</sup>. Ҳ.Р.Раҳ-

---

---

монқуловнинг таъкидлашича, тарафларнинг шартномада келишилган ва мустаҳкамланган шартлари йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади. Аммо бу ҳол шартноманинг мазмунини ташкил этадиган унинг шартлари шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эканлигини англамайди<sup>4</sup>. И.Б.Зокировнинг фикрича эса, шартноманинг мазмуни унинг бандлари (шартлари, реквизитлари)дан иборат. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади<sup>5</sup>.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, шартноманинг мазмуни унда ифодаланиши лозим бўлган ёки ифодаланадиган (ўз аксини топадиган) барча банд, ҳолат ва ёзувлар ташкил қилади. Улар жумласига тарафлар амал қилиши лозим бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланган шартлар, тарафларнинг юридик манзили, банк ҳисобварақлари ва муҳр ўрнини белгиловчи ёзувлар киритилиши мумкин. Лекин барча ҳолатларда ҳам шартнома мазмуни ҳақида фикр юритилганда шартномада ифодаланадиган ва тарафлар амал қилиши керак бўлган шартлар «шартнома мазмуни» тушунчасининг асосини ташкил этади.

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома мазмунида ифодаланадиган барча шартлар асосий, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлиниши қабул қилинган. Мазкур тадқиқот ишининг предмети товар омборида омонат сақлаш шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этувчи шартларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш эканлигини назарда тутган ҳолда, бевосита товар омборида омонат сақлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олиш муҳим.

Фуқаролик ҳуқуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби, товар омборида омонат сақлаш шартномасида ҳам шартнома мазмунини унда ифодаланадиган шартлар

(бандлар) ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага кўра асосий, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. ФКнинг 354-моддасига биноан, товар омборида омонат сақлаш шартномасининг асосий (муҳим) шартларига шартноманинг предмети тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур ҳисобланган, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар кирази. Улардан энг муҳимлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидир.

Товарни сақлаш учун қабул қилиб олиш товар омборининг асосий мажбурияти ҳисобланади. ФКнинг 876-моддасига мувофиқ, омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин. Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзига беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмаган юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганлиги туфайли етказилган зарар учун омонат сақловчи олдида жавобгар бўлади. Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга топширилмаган ҳолларда, бордию бу муддат белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади.

Товар омбори сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур

---

---

чораларни кўриши шарт. Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши лозим. Ашё сақлашга қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши керак.

Товар омборида омонат сақлаш муносабатлари учун энг муҳим жиҳатлардан бири товарлар омонат сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқлаш мақсадида тузилган ҳужжатлардир. ФКнинг 908-моддасига мувофиқ, товар омборлари товарларни сақлашга қабул қилганлигини тасдиқлаб, қуйидаги омбор ҳужжатларини бериши мумкин:

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Ҳар қандай қимматли қоғоз каби икки қисмли омбор гувоҳномаси ҳам ўзига хос мулкӣ ҳуқуқларни кафолатлайди. Қимматли қоғоз ҳисобланган омбор ҳужжатлари айни вақтнинг ўзида мол-мулк гарови ва омонат сақлаш муносабатлари билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқларни кафолатлайди.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси бир-биридан алоҳида бўлган қисмлардан иборат бўлса-да, иккала қисмида ҳам бир хилдаги реквизитлар ифодаланади ҳамда ваколатли шахснинг имзоси ва товар омборининг муҳри билан тасдиқланади. ФКнинг 909-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, икки қисмли омбор гувоҳномасининг ҳар бир қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- товарни сақлаш учун қабул қилган товар омборининг номи ва жойлашган манзили;
- омбор гувоҳномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;

– товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки фуқаронинг исми, шунингдек товар эгасининг жойлашган ери (яшаш жойи);

– сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори – бирликлар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўлчови (оғирлиги, ҳажми);

– агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш учун қабул қилинганлиги ёки талаб қилиб олинганча сақлаш учун қабул қилинганлиги;

– омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ёки бу ҳақни ҳисоблаб чиқишга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини тўлаш тартиби;

– омбор гувоҳномаси берилган санаб .

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг иккала қисмида вакил шахснинг бир хил имзоси ва товар омборхонасининг муҳри бўлиши шарт.

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг биринчи қисми бўлган омбор гувоҳномаси товарнинг муайян шахсга тегишли эканлигидан далолат беради, унда товарнинг асосий белгилари, юк топширувчининг мажбуриятлари қайд этилади. Ушбу ҳужжат товар омбор томонидан омонат сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқлайди. Мазкур ҳужжат асосида товар топшириш тўғрисидаги ёзувни киритиш орқали сотилиши ёки айирбошланиши мумкин. Икки қисмли омбор гувоҳномасининг иккинчи қисми – гаров гувоҳномаси (варрант) – товарнинг гаровга берилиши мўлжалланганлигини ифодаловчи ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат гаров ҳуқуқини тасдиқлайди ва гаровга олувчига берилади. Гаровга олувчи эса ўз хоҳишига кўра гаров гувоҳномасини топшириш ёзуви бўйича бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Омбор гувоҳномаси ва товар омборининг реестрига товарга нисбатан гаровнинг белгиланиш муддати ва суммаси тўғрисидаги ёзувлар киритилади. Товар бўйича мавжуд гаровда берилган кредит ва у бўйича фоизлар тўғрисидаги маълумотлар омбор гувоҳномасида белгиланиши лозим (ФК 910-м. 3-қ.).

---

---

Бироқ, амалдаги қонунчилик бундай маълумотлар тўғрисида варрантда ҳам белги қўйилишини назарда тутмайди. Фикримизча, бу ҳолат қонунчиликдаги ўзига хос бўшлиқдир. Зеро, варрант кўп маротаба бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Бунда эса гаров шартини билмайдиган ва бундай ахборотга эга бўлиш учун қўшимча ҳаракат қилиши лозим бўлган уни сақлаб турувчиларда асосий таваккалчилик хавфи вужудга келиши мумкин. Варрантда кредит муносабатларининг тарафлари, суммаси ва муддатлари тўғрисидаги белгининг мавжуд бўлиш зарурати яна шу билан боғлиқки, бунда гаровга олувчи фақат гаровга қўйилган товар баҳосидан келиб чиқиб ўз ҳақини талаб қила олади. Гаровга олувчи гаровга қўйилган товарнинг ҳаммаси ўзига мулк қилиб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Варрантсиз фақат омбор гувоҳномасини қўлга киритган сотиб олувчи товар гаров билан боғланганлигини ва уни олиш учун гаровга олувчига товар ҳақини тўлаб, эвазига варрант олиши лозимлигини билиши керак<sup>7</sup>. Варрант олувчи мулкдор эмас, балки гаров ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади.

Омбор гувоҳномаси ушбу ҳужжат асосида берилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятни таъминлаш учун гаровга қўйилиши мумкин. Мажбуриятларнинг бошқа турларини таъминлаш учун омбор гувоҳномаси гаров ҳужжати вазифасини бажармайди. Варрант товар эгасининг биринчи маротаба гаров сифатида беришидан бошлаб қарз ҳужжати ҳисобланади. Варрант орқали товар эгасининг кредитор олдидаги мажбуриятлари мавжудлиги белгиланади ва у орқали товар эгасининг гаровга олувчи олдидаги мажбуриятнинг бажарилиши таъминланади.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси асосида омборга топширилган товар, товарни омбордан олмасдан икки қисмли омбор гувоҳномасини бошқа шахсга ўтказиш орқали топширилади. Товар омбори товарни омбор ва гаров гувоҳномаларини (икки қисмли омбор гувоҳномасини) сақловчига бериб, ундан ушбу иккала гувоҳномани

олади.

Омбор гувоҳномасини сақловчи гаров гувоҳномасига эга бўлмаса-ю, бироқ у бўйича қарз суммасини тўлаган бўлса, омбор товарни фақат омбор гувоҳномасига айирбошлаш орқали ва у билан биргаликда гаров гувоҳномаси бўйича бутун қарз суммаси тўланганлиги ҳақидаги патта тақдим этилгандагина беради.

Омбор ва гаров гувоҳномаларининг сақловчиси товарни қисмларга бўлиб беришни талаб қилишга ҳақли. Бунда дастлабки гувоҳномалар ўрнига унга омборда қолган товар учун янги гувоҳномалар берилади (ФК 913-м.).

Омбор гувоҳномасида ифодаланган товар сифатида фақат ашёлар, яъни муайян қийматга эга бўлган, хўжалик муомаласидаги моддий объектлар эътироф этилади. Омонатга топшириладиган ашёлар индивидуал-белгиланган (товар омбори томонидан алоҳида сақлашга қабул қилинган) ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган (эгасизлантириб сақлаш) бўлади. Бунда товар омборида омонат сақлаш шартномасининг предмети ҳар қандай ашё эмас, товар сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган ашёлар бўлади.

Омбор гувоҳномаси билан тасдиқланган ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари биринчи навбатда омонат сақловчи (товар омбори) ҳамда юк топширувчи (товар эгаси) ҳисобланади. Омбор гувоҳномаси бошқа шахсга ўтказилганда яна бир субъект – омбор гувоҳномасини олувчи пайдо бўлади ва бунда исталган шахс омбор гувоҳномасини олувчи бўлиши мумкин.

Товар омбори – тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот бўлиб, у махсус ва умумий омборларга бўлинади. Махсус омборлар товарларни сақлаш учун чекланган доирадаги шахслардан қабул қилишлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Агар товар омборига нисбатан бундай чекловлар белгиланмаган бўлса, бундай товар омборлари умумий омборлар ҳисобланади<sup>8</sup>.

---

---

Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йўриқномалари, сақлаш йўриқномалари, айрим турдаги товарларни сақлаш қоидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа махсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи)га риоя қилиши лозим.

Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан кўздан кечириши керак.

Агар омонат сақлаш эгасизлантириш йўли билан амалга оширилаётган бўлса, товар омбори товар эгасига товарларни ёки уларнинг намуналарини кўздан кечириш, намуна олиш ҳамда товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятларини бериши шарт.

Товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун сақлаш шароитларини тезлик билан ўзгартириш талаб қилинадиган ҳолларда товар омбори зарур шошилиш чораларни мустақил кўришга ҳақли. У кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасига хабар бериши шарт.

Сақлаш вақтида товар омборда омонат сақлаш шартномасида келишилганидан ёки одатдаги табиий бузилиш нормалари доирасидан ташқари чиқадиган даражада бузилганлиги аниқланган тақдирда, товар омбори бу ҳақда дарҳол далолатнома тузиши ва ўша куниеқ юк топширувчини хабардор қилиши шарт.

Таъкидлаш лозимки, ФК амалга киритилганидан сўнг 10 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, амалиётда товар омборларидан фойдаланиш ва омбор ҳужжатларидан қимматбаҳо қоғоз сифатида фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу ҳолат, аввало, товар омборлари фаолиятининг кенг йўлга қўйилмаганлиги билан, қолаверса, товар омборида омонат сақлашга оид муносабатларнинг қонунчилик томонидан тартибга солинишида бўшлиқлар мавжудлиги билан боғлиқ. Биринчи навбатда товар омборида омонат сақлаш муносабат-

ларини тартибга солишга қаратилган ФКда белгиланган умумий нормалар товар омборида омонат сақлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни амалда қўллаш механизмини қамраб олмайди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда омбор гувоҳномаларининг муомаласини уларнинг икки қисмли эканлигини ҳисобга олган ҳолда тартибга солувчи махсус қонун ҳужжати мавжуд эмас.

Бундан ташқари, икки қисмли омбор гувоҳномасининг муомаласи билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудки, уларни баргараф этиш учун энг аввал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда қимматбаҳо қоғозларнинг ушбу тури амал қилишининг ҳуқуқий ва амалий механизмларини яратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 86-бандига кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот корхоналарда ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади, чиқиндилар эса бевосита смена устаси ёки қоплаш бўлими мудирининг бевосита кузатувида тарозида тортилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисоби журналда смена мастери томонидан юритилади, санитария ҳолати тўғрисидаги белгини смена лаборанти қўяди.

Журналда, шунингдек, идишсиз сақлаш омборига, қадоқлаш цехига берилган маҳсулот, қопланган қоплар сони ҳам қайд этилади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборига бериш юк хати билан расмийлаштирилади. Юк хатлари ҳар бир смена тамом бўлгандан кейин тўлдирилади ва қоплаш бўлим мудир томонидан, у бўлмаган жойларда эса цех бошлиғи ёки смена мастери ва омбор мудир томонидан имзоланади. Юк хатининг бир нусхаси — маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисоб рақамидан чиқариш учун, бошқа нусхаси эса маҳсулотни омборга кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.



---

Идишсиз сақлаш омборларида маҳсулот ҳажми автомат тарозиларда аниқланган ҳолда кирим қилинади.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда унни омборда идишсиз сақлаш бўйича омборнинг мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, унни идишсиз сақлаш омборида белгиланган шакл бўйича силосларни тўлдириш ва ун сарфи дафтари юритилади. Идишсиз сақлаш омбори бўйича кирим қисми силосларни тўлдиришни ҳисобга олиш дафтари маълумотлари бўйича, ун намлиги эса ўртача смена намуналари бўйича тўлдирилади. Сақлаш узоқ давом этмаслиги туфайли омборларнинг силосларида идишсиз сақлашда уннинг табиий камайиш нормаси белгиланмаган ва шу муносабат билан ушбу кўрсаткич бўйича камайиш ҳисобига ҳисобдан чиқарилмайди.

Мазкур Низомда омборлар, элеваторлар ва дон қуриши ускуналарини тозалашни расмийлаштириш бўйича омборларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра корхоналарда омборлар ва бошқа сақлаш жойларини тозалаш корхона раҳбарининг фармойиши билан тайинланган комиссия томонидан моддий жавобгар шахс иштирокида амалга оширилади. Сақлаш жойларини тозалаш далолатномалар тузиш орқали расмийлаштирилади. Дон маҳсулотлари туркуми тўлиқ сарфланса ёки уларнинг мавжудлиги тортиб текшириб кўрилганда ҳеч қандай камомад ёки ортиқча маҳсулот борлиги аниқланмаса, шунингдек намлик ошиши, ёхуд бегона аралашмалар кўпайиши комиссиянинг тушунтириши ва ваколатли органнинг хулосаси бўйича дон маҳсулотларининг оғирлиги ошишига олиб келмаса, тозалаш далолатномаси тузилмайди. Тозалаш бўйича комиссия дастлабки ҳужжатлар ва миқдор-сифат ҳисоби дафтарида санаб чиқиш бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириб кўради ҳамда ушбу текшириш натижасини мазкур туркумнинг шахсий ҳисоб рақамига ёзиб қўяди.

Дон маҳсулотлари туркумини ҳисобот

қолдиқлари бўйича (тортмасдан) бир моддий жавобгар шахсдан бошқа шахсга бериш тақиқланади. Камомад ва ортиқчаларсиз тозаланган дон маҳсулотлари туркуми ҳақидаги маълумотлар (натижасиз тозалашлар) ҳисоботга тозалаш далолатномаси билан бўлгани сингари тартибда киритилади. Бир йилда камида икки марта (1 июль ва 1 ноябрда) тозалаш комиссияси раҳбарининг буйруғи бўйича стандарт ўлчамдаги қопларга солинган барча ун ва ёрма маҳсулотлари қопларни санаш орқали ёппасига текширилади. Стандарт ўлчамдаги қопларга солинган ун ва ёрманинг жорий тозаланиши ва хатланиши натижалари тозалаш далолатномаси тузилмасдан хатлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ун ва ёрма қолдиғининг оғирлиги ўринлар ҳамда маҳсулот солинган стандарт ўлчамдаги қоплар сонини ҳисоблаш орқали аниқланади ва бу хатлов далолатномасида кўрсатилади. Ун ва ёрманинг бундай туркумлари бўйича камайишни сақлаш ва ташишда намлик пасайиши ва табиий камайиш нормаси эвазига ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди. Корхона раҳбари бир ойда камида бир марта миқдор (оғирлик)ни, тахланиш тўғрилигини ва сақлаш шароитларини аниқлаш мақсадида омборлардаги тайёр маҳсулотларнинг айрим омборлари ва штабелларини тўсатдан текширишни ташкил этиши шарт (Низомнинг 178, 179-бандлари).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган «Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, чигитни чигит хўжалиги омбори бўйича ҳисобга олиш миқдор-сифат ҳисоби дафтарида (омбор дафтарида) навлар бўйича — кирим бўйича ҳамда турли навлар чигити аралашмаси — чиқим бўйича олиб борилади. Пахта чигити ўзаро солиштириш далолатномаларига мувофиқ кирим бўйича — намликнинг массадаги улуши ҳамда

---

минерал ва органик аралашмаларнинг массадаги улуши амалдаги стандартга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган нормаларга келтирилган ҳолда, чиқим бўйича – физик масса бўйича, миқдор жиҳатдан физик ва кондицион масса бўйича ҳисобга олинади. Пахта чигитини омборда сақлаш даврида уларнинг сифати ва миқдори бўйича сақланиши учун моддий жавобгар шахс – омбор мудирини жавоб беради, у билан ушбу лавозимга тайинлаш вақтида унинг моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади. Пахтанинг техник чигити сақланишини таъминлаш учун пахта чигитини етказиб беришни ўзаро таққослаш ўтказилади.

Ҳар ойда пахта тозалаш заводлари ёғ-мой заводлари ва «Сифат» марказининг инспектори билан биргаликда олти нухада ўзаро таққослаш далолатномасини тўлдирадilar. Унда пахта тозалаш заводлари томонидан юклаб жўнатилган чигит ҳажми – ассортимент бўйича, табиий ва кондицион оғирликда ҳамда ёғ-мой заводлари томонидан қабул қилинган чигит ҳажми – ассортимент бўйича, табиий ва кондицион оғирликда кўрсатилади, агар фарқ мавжуд бўлса, унинг сабаблари биргаликда кўрсатилади. Пахта тозалаш заводи ва ёғ-мой заводининг раҳбари, бош бухгалтерини ва чигит ҳужалиги бошлиғи, шунингдек «Сифат» маркази инспектори томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган далолатномаларни пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводи ва «Сифат» маркази инспектори бир нухадан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-кунига бўлган муддатда ўзидан юқори ташкилотларга юборадilar ҳамда бир нухадан ўзларига олиб қоладilar. Пахта

чигитини юклаб жўнатиш ва қабул қилиб олиш ўртасидаги фарқ уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари аниқлангандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда тартибга солинади. Ўзаро таққослаш далолатномаларининг умумлаштирилган натижалари «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ҳамда «Сифат» маркази томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунига бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади. Ишлаб чиқарилган тайёр ёғ-мой маҳсулотлари тортилади ва оғирлиги бўйича омбор мудирларининг масъулияти остида тайёр маҳсулотлар омборларига берилади. Корхонанинг доимий фаолият кўрсатувчи хатлов комиссияси ҳар ойда хомашё, тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш омборларини хатловдан ўтказди.

Бугунги кунда товар омборлари ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи умумий тусга эга қонун ҳужжати мавжуд эмас. Шу сабабли товар омборлари ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бошлаш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар турли ҳужжатлар асосида аниқланмоқда. Фикри-мизча, мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Товар омборлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиб, унда «товар омбори» тушунчаси, бундай омборларни ташкил қилиш тартиби ва асослари, товар омборини лицензиялаш, фаолият турини аниқлаш қоидалари, товар омбори шартномаси ва товар омбори ҳужжатлари ҳақидаги нормалар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>1</sup> *Корецкий А.Д.* Договор в механизме правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-н/Д, 1999. – С.15–16.

<sup>2</sup> *Емельянов В.И.* Разумность, добросовестность, злоупотребление гражданскими правами. – М., 2002. – 40с.

<sup>3</sup> *Гражданское право. Ч. 1 / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого.* – М., 2005. – 588 с.

<sup>4</sup> *Раҳмонқулов Ҳ.* Мажбурият ҳуқуқи. – Т., 2005. – 237 б.

<sup>5</sup> *Зокиров И.Б.* Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Т., 2006. – 368 б.

<sup>6</sup> *Лыченков В.А.* Двойные складские свидетельства // Современное право. – 2000. – №36–37. – С.25.

<sup>7</sup> *Новик М.* Проблемы обращения складских свидетельств // Хозяйство и право. – 2001. – №4. – С.54.

<sup>8</sup> *Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм.* – Т., 1999. – Б.249.

---

---

Н. А. Кўлдашев,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ  
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛИ

**Аннотация.** Мақолада маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тартиби, усуллари ва чораларини такомиллаштиришга оид мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч тушунчалар:** маъмурий ҳуқуқбузарлик, зарар, зиён, деликт, жабрланувчи, зарарни қоплаш, зарарни тўлаш, гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Взыскание ущерба, причиненного вследствие административного правонарушения, как метод защиты гражданских прав**

**Аннотация.** В статье изложены мнения, касающиеся совершенствования порядка, способов и мер возмещения вреда потерпевшему, причиненного в результате совершения административных правонарушений.

**Ключевые слова:** административное правонарушение, вред, ущерб, деликт, потерпевший, возмещение вреда, выплата вреда, незаконные действия (бездействие).

**Recovery of damage, caused in the consequence of an administrative offense as a method of protection of civil rights**

**Annotation.** The article presents the views concerning the improvement of the order, methods and measures of compensation to the victim of the damage caused by the commission of administrative offenses.

**Key words:** administrative offense, harm, damage, delict, victim, indemnification, harm payment, illegal action (inaction).

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишдан кўзланган мақсад, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир<sup>1</sup>. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш орқали инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга эришиш мумкин. Шу маънода, маъмурий ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарарни жабрланувчи фойдасига ундириб беришда ҳам фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсади ётади. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш натижасида турли

шакллардаги мулкнинг дахлсизлиги таъминланади, давлат, юридик шахс ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади.

Таъкидлаш керакки, маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида ҳуқуқи бузилган шахсни ҳимоя қилишнинг бир қанча усул ва шакллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – ФК) 10-моддасида белгиланганидек, қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳам ҳимоя қилинади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (бундан кейин МЖТК) 38-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни ундиришнинг

---

маъмурий-ҳуқуқий тартиби назарда тутилган. Яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани тегишли орган (мансабдор шахс) ёки суд ҳал қилиши белгиланган. Бунда агар етказилган зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган тегишли орган (мансабдор шахс), акс ҳолда маъмурий ишлар бўйича судья ҳал қилиши назарда тутилган.

Ҳуқуқшунос олим профессор О.Оқюлов, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишни ҳар томонлама, кенг кўламли ва ҳаммабоп усул сифатида эътироф этиб, жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш таъсирчан ва самарали эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Профессор Э.Эгамбердиев ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ичида энг муҳими ва пухта ишлангани уни суд орқали ҳимоя қилиш эканлигини, чунки ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бу шакли бошқаларига қараганда мукамал бўлиб, уни амалга ошириш фуқаролик процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинганини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Албатта, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар масаласини фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилиш жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ аниқлаш имконини беради. Чунки, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган харажатларини, ҳақиқий зарарини ва бой берган фойдасини ундириш айнан фуқаролик ҳуқуқи нормаларида белгиланган (ФКнинг 14-моддаси).

Зарарни ундиришнинг маъмурий-ҳуқуқий усулларида эса фақатгина жабрланувчининг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар) ҳисобга олинади. Хусусан, МЖтКда ҳам жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган харажатларини ва бой берган фойдасини (масалан, касал кунлари учун йўқотган

даромадини) ҳуқуқбузардан ундиришни белгиловчи аниқ норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 38-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт. Шунингдек, бу зарарни жабрланувчи фойдасига ундиришни айбдорга жазо қўллаш пайтида, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш давомида ваколатли орган (мансабдор шахс) ҳал этиши назарда тутилган. Амалдаги тартибга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни суддан ташқари 30дан ортиқ ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслари) кўриб чиқиши ва маъмурий жазо қўллашини ҳисобга олсак, улар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида жабрланувчига мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганлигини ҳам аниқлаши керак бўлади (МЖтКнинг 307-м.).

Бироқ, МЖтКда давлат органлари (мансабдор шахслари) маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш масаласини ҳал қилиши назарда тутилган бўлса-да, ушбу зарарни ҳуқуқбузардан ундириш тартиби кўрсатилмаган. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузар етказган зарар унинг ҳисобидан жабрланувчи фойдасига ундирилишини таъминловчи қатъий чоралар (масалан, мол-мулкни хатлаш каби), яъни усуллар Кодекснинг ҳеч қайси моддасида аниқ белгиланмаган. Бу эса амалда кўпинча маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланувчига етказилган зарарнинг қопланмаслигига ва ҳуқуқбузарга маъмурий жазо қўлланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши якунланишига олиб келади. Натижада, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида жабрланганлар кўрган зарарини ундиришни сўраб турли давлат органларига мурожаат қиладилар.

Дарҳақиқат, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир иш ҳолатини ўз вақтида, ҳар

томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Шундай бўлса-да, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритишда ишни кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс), жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб беришнинг барча қонуний чораларини ҳам кўриши шарт. Бу чоралар қаторида, айбдорнинг етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши ўзига нисбатан жазо тайинланишида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиншини, жабрланувчига маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича давлат органи (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши ва зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқи тартибида ҳал этилишини ҳам тушунтириши керак. Бироқ, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни айбдордан жабрланувчи фойдасига ундиришнинг қатъий ва аниқ чоралари белгиланмас экан, жабрланувчига етказилган зарарни маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш пайтида ундириш имкони бўлмайди.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20августдаги 391-сонли қонунига асосан, МЖтКга «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли 11 та моддадан иборат алоҳида XVI<sup>1</sup> боб киритилди. Киритилган

нормалар тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишларига, ҳуқуқ ва эркинликлари маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишига хизмат қилмоқда. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, киритилган янги бобда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида тадбиркорга етказилган зарарни ундиришнинг қатъий чоралари назарда тутилмаган. Фикримизча, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида уларга етказилган зарарнинг тўлиқ ва ўз вақтида қопланишини таъминлаш учун МЖтКнинг тегишли моддалари мазмунига қуйидаги ҳуқуқий ҳимоя усуллари ҳам киритиш мақсадга мувофиқ:

*биринчидан*, тадбиркорларга етказилган зарар ихтиёрий равишда тўлиқ қопланганда ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод этиш;

*иккинчидан*, ҳуқуқбузарлик оқибатида тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларини, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар)ни, шунингдек тадбиркор ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда)ни ҳам ундириш;

*учинчидан*, етказилган зарарнинг ҳуқуқбузар ҳисобидан тадбиркор фойдасига ундирилишини таъминловчи қатъий ва аниқ чораларни жорий этиш;

*тўртинчидан*, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарни, мансабдор шахслар ёки давлат хизматчиларининг айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўлаш. Таклиф этилаётган мазкур рағбатлантирувчи нормаларни ҳамма турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар орқали етказилган зарарларни жабрланувчи фойдасига

---

---

ундиришда жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар ҳақида фикр юритганда, зарар учун жавобгар субъектни аниқлаш ёки зарарни ундириш тўғрисидаги талаб кимга қаратилиши масаласига ҳам тўхталиш жоиз. Фуқаролик кодексининг 985-моддасида белгиланган қоидага кўра «Файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим».

Аммо, тегишли қонунларда зарар етказишда учинчи шахсларнинг, шунингдек давлатнинг ҳам жавобгарлиги назарда тутилган ҳолатлар мавжуд. Масалан, МЖТКнинг «Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш» номли 302-моддасининг биринчи қисмида: «Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади», деган қоида белгиланган.

Худди шу қоида фуқаролик қонун нормаларида ҳам белгиланган. Масалан, Фуқаролик кодекси 991-моддасининг биринчи қисмида: «Қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади», — дея мустаҳкамланган.

Бироқ, давлат томонидан қопланиши назарда тутилган зарарни тўлаш тартибини белгиловчи қонун амалда мавжуд эмас. Шунингдек, зарар давлатнинг қайси органи томонидан ва қандай тартибда қопланиши ҳам белгиланмаган. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ФК, МЖТКнинг юқорида келтирилган моддаларида назарда тутилган зарарни давлат томонидан тўлаш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилар билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарни жабрланувчи фойдасига ундиришда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан бир қатор ҳолатлар ҳам эътиборга олиниши муҳим. Булар, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган субъектнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тури, бунинг натижасида зарар етган мулк ёки шахсий манфаатнинг суғурталанган ёки суғурталанмаганлиги кабилардир. Чунки, мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари томонидан содир этилган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар давлат томонидан тўланиши (МЖТК 302-м.), маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида ҳар доим ҳам мулкӣ ёки моддий зарар етказилмаслиги (масалан, ҳақорат ёки туҳмат қилиш ҳуқуқбузарликлари оқибатида кўп ҳолларда жабрланувчи маънавий зарар кўради ва уни қоплаш ҳуқуқи эса суд орқали ҳимоя қилинади), айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар суғурта ташкилоти томонидан қопланиши (масалан, транспорт ҳодисаси оқибатида транспорт воситаси орқали етказилган зарар 2008 йил 21 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонуни<sup>4</sup> асосида суғурта

---

---

ташкilotи томонидан қоплаб берилиши) мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш масаласи ҳуқуқбузарлик ишини юритиш ва кўриб чиқиш жараёнида ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) томонидан узил-кесил ҳал этилиши шартлигини, чунки ҳуқуқнинг асосий вазифаси нафақат ҳуқуқбузарни жазолаш, балки поймол бўлган ҳуқуқларни тиклаш эканлигини ҳам таъкидлаш керак.

---

---

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»<sup>5</sup>. Шу маънода, ҳуқуқбузар томонидан етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш — жабрланувчининг ҳуқуқи, бу зарарнинг жабрланувчи фойдасига ундирилишини таъминлаш эса ҳуқуқбузарликни кўриб чиқаётган давлат органларининг (мансабдор шахсларининг) мажбурияти сифатида белгилаб қўйилиши лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 16 янв.

<sup>2</sup> Окюлов О. Защита от пыток гражданско-правовыми средствами // Хуқуқ — Право — Law. — 2004. — С. 39.

<sup>3</sup> Эгамбердиев Э. Судда ҳимояланиш — шахснинг муҳим конституциявий ҳуқуқи // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2016. — №2. — Б.61.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2008. — №5. — 191-м.

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзусидаги маърузаси // Постда. — 2016. — №50.

Ф. Мируктамова,

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тадқиқотчиси*

## ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯГА ДОИР МАСАЛАЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада ювенал юстиция ва хорижий давлатлар тажрибасига доир масалалар баён этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** ювенал юстиция, вояга етмаганлар, бола, ҳуқуқ, жиноят, жиноий жавобгарлик, одил судлов, қонунчилик.

### Вопросы ювенальной юстиции и опыт зарубежных стран

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с ювенальной юстицией и опытом зарубежных государств, а также даны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** ювенальная юстиция, несовершеннолетние, ребенок, право, преступление, уголовная ответственность, правосудие, законодательство.

### Questions of juvenile justice and experience of foreign countries

**Annotation.** The article considers the questions connected with juvenile justice and experience of foreign states in this field and gives relevant offers and recommendations.

**Keywords:** juvenile justice, minors, child, the right, crime, criminal liability, justice, legislation.

«Ювенал юстиция» (Juvenile Justice) – ҳуқуқбузарлик содир этгани учун болаларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят турлари ва суд, ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўллари каби масалаларни қамраб оладиган кенг тушунча<sup>1</sup>.

Ювенал юстиция турли моделларининг умумийлиги вояга етмаганлар одил судловининг ёшга оид хусусиятларидан келиб чиқади. Бу хусусият нафақат судда ишларни маълум тартибда кўриб чиқишда, балки суд томонидан вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг муқобил тадбирларини амалга оширишда, тарбиялаш ва назорат қилишнинг асосий чораларини танлаган ҳолда жазолаш ҳамда бошқа мажбурий чораларни қўллашда ўз аксини топади.

1899 йилда АҚШнинг Иллинойс штатида илк бор вояга етмаганлар ишлари учун алоҳида жиноий одил судлов тизими жорий этилди. Кейинчалик бу амалиёт бутун мамлакат ва дунё бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, Буюк Британия (1908 йил), Франция ва Белгия (1921 йил), Испания (1918 йил), Голландия (1921 йил), Германия (1922 йил) ва Австрияда (1923 йил) қўлланила бошлади. Ушбу мамлакатларда судлар вояга етмаганлар ишларини ҳар доим бошқача шароитларда (масалан, ёпиқ мажлисларда) кўриб чиқади ва болаларга катталарга нисбатан енгилроқ жазо чораларини қўллайди<sup>2</sup>.

Баъзи мамлакатларнинг барча даражалардаги судларида ювенал судья лавозими жорий этилган бўлиб, унга мутахассис психолог, педагог ёки педиатрлар, ҳатто, юридик маълумотга эга бўлмаса-да, болалар билан муомала қилиш



---

---

тажрибасига эга шахслар тайинландилар. Улар ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятда айбланаётган 14–15 ёшли ўсмирларнинг ишларини якка тартибда, 16–18 ёшларда бўлган ва оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг ишларини эса коллегиял тартибда кўриб чиқиш ваколатига эга бўладилар<sup>3</sup>.

Суд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг юқори поғонасида туради. Ювенал судлар ювенал юстиция тузилишини бошқариши ҳамда унга кирувчи барча ихтисослашган органлар ва адлия муассасалари, прокуратура, ички ишлар органлари, бошқа вазирликлар ҳамда ёшлар сиёсатини амалга оширувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириши керак.

Ювенал судларни умумий юрисдикция судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жойлашган ҳудудлардан бошқа ерда алоҳида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Муҳими, ювенал судлар биноларининг ташқи ва ички кўриниши ўта расмий бўлмаслиги, балки болалар таълим-тарбия муассасаларига ўхшаш бўлиши керак.

Одил судлов тизими вояга етмагanning ҳуқуқ ва хавфсизлигини таъминлаши, жисмоний ҳамда руҳий соғлиғига зиён етказмаслиги зарур.

*Францияда* вояга етмаганлар ишлари бўйича «Қонун билан танишув» деган жараён мавжуд бўлиб, унда суд вакилининг вояга етмаган шахс ва унинг ота-онаси билан суҳбатлашиши кўзда тутилади. Суҳбат чоғида вояга етмаган шахсга ўзи содир этган ҳуқуқбузарликка тааллуқли қонун матни таништирилади, судда унга нисбатан қандай ҳукм чиқарилиши мумкинлиги айтилади. Шунингдек, ота-оналарга қонун бўйича уларнинг мажбуриятлари эслатилади<sup>4</sup>.

Бу борада энг кўп тарқалган ёндашув ижтимоий соҳа ходими ўтказадиган пухта ва ҳар томонлама текширув бўлиб, унда жазолаш вазифасига эга бўлмаган ташкилий чораларнинг вояга етмаган шахсга таъсир қилиш эҳтимоли аниқланади. Агар у ижобий

баҳоланиб, вояга етмаган шахс ҳуқуқни бузганлигини тан олса, таклиф этилаётган чораларга рози бўлса ва вояга етмаган болага якка тартибда руҳий ёрдам берадиган «жамоатчилик хулқи кўникмалари» курсидан муваффақиятли ўтса ёки қўшимча шартларни бажарса, прокуратура ишни тўхтатади. Курсдан муваффақиятли ўтган вояга етмаган шахснинг иши бўйича қўзғатилган иш ҳаракатдан тўхтатилади. Мабодо, вояга етмаган шахс қўйилган шартларга риоя қилмаса, суд олдида жавоб беради.

*Шотландияда* эса «болаларни тинглаш» тартиби 18 ёшга тўлмаган шахс содир этган жиноят оғир ҳисобланмаган тақдирдагина қўлланилади. Бунда ўсмир судда ишни кўриш жараёнига қараганда норасмий ва адоватсиз вазиятда ўтказиладиган судда иштирок этади. Ишни кўриб чиқиш давомида жамоатчиликнинг махсус ўқитилган вакилларида иборат ҳайъат аъзолари ишни ота-оналар, ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва боланинг ўзи билан муҳокама қилганидан сўнг унга нисбатан таъсир чоралари тўғрисида қарор қабул қилади.

*Янги Зеландияда* 10–13 ёшдаги болаларга оилавий маслаҳатлар тизими қўлланилади. Бола содир этган ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти ва кўлами унинг келажаги тўғрисида жиддий хавотирга сабаб бўлгандагина ушбу тизимга мурожаат қилинади.

*Австралияда* «Вояга етмаганларни огоҳлантириш дастури» ташкил этилган. Унга мувофиқ полиция кўпчилик ёш қонунбузарлар ишларини кўриб чиқиш учун воситачиларни жўнатади. Ишни муҳокама қилишда жабрланувчилар, қонунни бузувчи ўсмир ва унинг ота-онаси, ижтимоий соҳа ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари иштирок этади. Бунда мувофиқлаштирувчи ходим барча иштирокчиларга кўриб чиқиляётган иш ва келтирилган зарарни қоплаш бўйича мурасага келишда ёрдам беради, эришилган келишувни расмийлаштиради ва унга риоя

---

---

қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди<sup>5</sup>.

Юқорида айтилган тизимлардан ташқари яраштирув дастурлари ҳам мавжуд. Ушбу дастурлар мустақил ташкилотлар томонидан ўтказилиб, уларнинг вазифаси жабрланувчи ва уни ранжитган кишига воқеа, унинг сабаб ва оқибатлари ҳақида субъектив ҳақиқатни айтишда ёрдам бериш ҳамда уларни мақбул ижтимоий келишувга олиб келишдан иборат. Яраштирув дастурлари айбланувчи қонунни бузганлигини тан олганидагина қўлланилади. Айни пайтда ушбу дастурлар Канада, АҚШ, Янги Зеландия, Австрия, Англия, Германия, Франция, Голландия, Чехия ва бошқа давлатларда қўлланиб келмоқда.

Ўзбекистонда айрим хорижий давлатлар тажрибаси асосида ювенал юстиция қошида ёш ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг шахсини ўрганиш, унинг оила, мактаб, иш ва ўқиш жойидаги хулқ-атвори устидан кузатувни амалга ошириш ҳамда судларнинг алоҳида топшириқларини бажариш учун ихтисослашган педагоглар, педиатрлар, психологлар, психиатрлардан иборат жамоатчилик гуруҳи ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ташкил этиладиган ювенал судларнинг фақат вояга етмаган шахслар жиноятларига оид ёки жиноятдан жабрланган вояга етмаган шахсларнинг ишларини кўриш билан чекламаган ҳолда фаолият юритишига доир масалаларни ҳал этиш лозим. Эҳтимол, уларнинг ваколатига «хавфли ҳудудда» қолган болалар устидан ижтимоий назорат ўрнатиш, вояга етмаган шахсларни номақбул муҳитдан олиб, махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш, уларга васийлик ва ҳомийлик қилиш, болалар ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли оилавий низоларни ҳал этишга доир қарорлар қабул қилиш ҳам киритилиши зарур.

Ювенал судда ишларни кўриш тартиби вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини чекловчи қатъий қоидаларсиз, имкон қадар соддалаштирилган бўлиши керак. Ҳатто,

вояга етмаган шахсни судга чақириш ва сўроқ қилиш қоидалари ҳам юридик расмийликлардан холи бўлиши даркор. Масалан, вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчи сўроқ қилинганидан кейин имкон қадар суд залида қолмаслиги даркор. Бу ҳолда вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳам амал қилиши керак. Ушбу ҳолда судда унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили иштирок этиши тўғри бўлади.

Дастлабки ҳолларда вояга етмаган шахслар жиноятлари тўғрисидаги ишларни тергов қилиш ва судда кўрилишининг юқорида келтирилган ҳамда бошқа аксарият процессуал хусусиятлари ювенал адлия тўғрисидаги қонунда тартибга солинмаслиги мумкин. Бироқ, қонунда, катталар учун мўлжалланган процессуал нормалардан фарқли равишда, вояга етмаган шахсларга бошқача ёндашувга йўл қўйилиши керак. Ювенал адлия тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий мақсадларидан бири вояга етмаган шахс ва унинг ҳимоячиси ҳамда қонуний вакилининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва кучайтириш бўлиши лозим.

Шубҳасиз, ювенал судларнинг фаолияти Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Ёшлар Омбудсмани), адвокатлар уюшмалари ҳамда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак.

Ювенал адлия таъсири доирасига тушадиган субъектлар қуйидагилардан иборат: ҳуқуқбузарлик содир этган (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи), ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний, мулкӣ ёки маънавий зарар кўрган балоғатга етмаган (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар) ҳамда ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар. Ювенал судда ким сифатида иштирок этишидан қатъи назар, қонун инсон кадр-қимматини камситувчи муносабатни истисно этиб, уларга нисбатан

---

---

хурмат кўрсатилишини талаб қилади.

Бунда, шубҳасиз, БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича бўлими томонидан тавсия этиладиган (1997 йилда қабул қилинган) Вояга етмаганлар одил судлови тўғрисидаги қонун моделига таяниш лозим. У мутлақ юрисдикция хусусиятига эга вояга етмаганлар учун одил судлов органлари тузилишига оид бир қатор қимматли қоидаларни ўз ичига олган. Бунда, аввало, ювенал судлар умумий судлардан алоҳида бўлиб, вояга етмаган шахс, унинг ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар истиқомат қиладиган ҳудудда ёхуд ўсмир ҳокимият фармойишига биноан жойлаштирилган манзил бўйича амал қилиши кераклиги ифодаланади.

Ювенал судья касб маҳоратига эга бўлиши, вояга етмаган шахснинг аҳволини тушуниши учун тегишли курсни ўташи, ишда унинг манфаат ва муваффақиятларидан келиб чиқиб, тергов ва суд муҳокамасини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Агар жиноят ишида ўта хавфли қилмиш ҳақида сўз юритилмаса, судья уни мустақил муҳокама қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ишлар ювенал суд ва болалар тарбияси бўйича билим ҳамда малакага эга бўлган оддий фуқаролардан иборат икки маслаҳатчи иштирокида ҳайъат таркибида кўриб чиқилиши керак.

Ҳар бир вояга етмаган шахснинг жиноят иши бўйича холис маслаҳатчилар Адлия вазирлиги рўйхатига киритилган шахслар орасидан, иложи бўлса қуръа ташлаш йўли билан, танланиши, суд раиси томонидан маслаҳатчилардан камида бир нафари айбланаётган вояга етмаган шахснинг жинсидан бўлиши керак.

Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги қонун моделига кўра, вояга етмаганлар билан биринчи мулоқотда, хусусан уни қўлга олишда жисмоний ёки руҳий босим ўтказилмаслиги керак. Вояга

етмаган шахсни ушлаб туриш 24 соатдан ошмаслиги, дарҳол адвокат билан учрашиш, тиббий кўрик учун шифокор чақиртириш ва ўзи турган жой ҳақида ота-онаси, қариндошлари ёки яқинларидан бирига хабар етказиш ҳуқуқи кафолатланиши керак. У билан мулоқот тартиби адолатли ва инсоний бўлиши лозим.

Суд ёки вояга етмаган шахсни ушлаган тегишли ваколатли шахс содир этилган қилмишнинг моҳиятини аниқлайди, агар унинг оқибати кам аҳамиятли бўлса, ишни тугатади. Қилмишнинг хавфлилик даражаси юқори бўлса, ишни судга ёки вояга етмаган шахслар иши билан шуғулланувчи терговчига жўнатади. Бунда суд қарори чиққунига қадар икки томоннинг розилиги билан вояга етмаган шахснинг ҳуқуқбузарлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш орқали ярашувга эришиш чоралари кўрилади. Бу қоида ғайриқонуний қилмишда вояга етмаган шахсдан ташқари катта ёшдагилар қатнашган бўлса ҳам амал қилади.

Агар судья вояга етмаган шахснинг қилмиши жиддий оқибат келтириб чиқармаган деб топса, ишни кўришни вақтинча тўхтатиш ҳақида қарор чиқариб, вояга етмаган шахс ва унинг қонуний вакили розилигига кўра, бир йилгача бўлган синов муддати даврида муносиб хулқ-атворда бўлиш тартибини белгилаши мумкин. Бу вазиятда ижтимоий соҳа хизматчиси болага қўлланилган ва жазолаш хусусиятига эга бўлмаган чора-тадбирларнинг ўсмирга кўрсатган ижобий таъсир кучининг эҳтимоллигини ўрганади. Агар эҳтимоллик ижобий баҳоланса, ўсмир қоида бузганлигига иқдор бўлиб, қўлланилаётган чораларга рози бўлса, одатда прокуратура ўсмир «жамоатчилик жойларида ўзини тутиш кўникмалари» курсини тугатганидан ёки қўшимча талабларни бажарганидан (жабрланувчидан кечирим сўраганидан) сўнг ишни тўхтатади. Курсни муваффақиятли тугатганидан кейин ўсмир устидан очилган иш бекор қилинади.

---

---

Аксинча, ўсмир қўйилган талабларга тўлиқ амал қилмаса, суд олдида жавоб беришига тўғри келади.

Бундай ёндашувга Виндхук (Намибия)да маҳаллий жамоат ташкилоти «Хуқуқий ёрдам маркази» ижтимоий хизматлар ва суд билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган дастур яққол мисол бўла олади. Бу дастурнинг муваффақият даражаси (икки йил давомида қайта жиноят содир этмаслик) 80% ни ташкил қилади. Синов муддати тартибининг бузилиши ишни қайта қўзғатиш ва янада жиддийроқ чора ёки жазо қўлланишига олиб келиши мумкин ҳамда бу ҳақда вояга етмаган ҳуқуқбузар ва унинг қонуний вакиллари хабардор қилиниши керак. Синов тартиби шартларига риоя қилиниши судьянинг ишни узил-кесил тугатишига етарли асос бўлади.

Ювенал судья вояга етмаган шахс оилавий ва кундалик ҳаётининг муҳим тарафлари тўғрисида хабардор бўлиш учун жамоатчилик вакилларида зарур ахборот олиб туриш имконига, шунингдек вояга етмаган шахс тўғрисида, унга нисбатан тарбиявий ёки озодликдан маҳрум қилинмайдиган муқобил чора қўллаш тўғрисида қарор чиқариш учун етарлича тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Бироқ, судья вояга етмаган шахс ота-онаси ва қонуний вакилларида ишда қатнашиши унга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини текшириши лозим. Агар улар вояга етмаган шахсга ёмон муносабатда эканлиги аниқланса, суд муҳокама вақтида ҳатто уларнинг иштирокини рад этиши шарт.

Судья тергов ва суд муҳокамаси тугагунига қадар вояга етмаган шахсни ота-онаси, васийларига тошириш, махсус муассасага жойлаштириш, истисноли ҳолларда энг қисқа муддат давомида эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш тарзидаги тарбиявий чораларни қўллашга ҳақли. Бунда судья болани одатдаги ижтимоий муҳитдан ажратиш унинг учун ўта салбий оқибатларга олиб келишини инobatга олган ҳолда, малакали шифокор ва психолог билан

---

---

маслаҳатлашиб, тиббий кўрикдан ўтказганидан сўнг ўз қарорини чиқариши мумкин.

Тергов қилинаётган ёки судланаётган болани вақтинча қамоқда сақлаш қуйидаги шарт-шароитлар билан боғлиқдир:

– агар бу ашъвий далилларни сақлаб қолишнинг, шоҳидлар ва вояга етмаган шахсга босим ўтказилишининг олдини олишда ягона чора ҳисобланса;

– қонунни бузган шахс 15 ёшдан ошган бўлса;

– агар унга қўйилган айб учун қонунда беш йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса.

Вояга етмаган шахснинг қамоқда сақланиш муддати олти ойдан ошмаслиги ва фақат истисно тариқасида бир марта узайтирилиши мумкин. Унга нисбатан бундай чораларни қўллаш имкони юзага келганда бу ҳақда тиббий, психологик маълумот олиш зарур. Бундан ташқари, тиббий хизмат вояга етмаган шахснинг жисмоний ва руҳий аҳволини у қамоқда бўлган бутун муддат давомида кузатиб бориши керак.

Тергов тугаши билан судья унга нисбатан тарбиявий чора қўлланиши етарли деб ҳисобласа, ишни якка тартибда кўриб чиқади. Қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган ишлар, жиддийлиги сабабли, ювенал судда коллегиал тартибда кўриб чиқилади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги қонун модели нормаси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг вояга етмаган шахслар жиноятига оид ишлар бўйича суд ишларини юритиш хусусиятларини тартибга солувчи нормаларга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Бироқ, улар ўртасидаги фарқ қатъий хусусиятга эгаллиги сабабли, келгусида бир қатор муҳим масалалар юзасидан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга туртки беради.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада

---

---

ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 йил 21 октябрь) фармони мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни изчил давом эттиришнинг асоси сифатида мазкур тизимни демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини янада оширишда алоҳида ўрин тутади.

Фармонда ва унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар дастурида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган, мутасадди давлат органларига мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш топширилган. Хусусан, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш буюрилган. Бу, аввало, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига, адолатли суд ҳокимияти фаолиятининг, қолаверса, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш орқали суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшларга оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида, 2016 йил 14

сентябрь куни «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг имзоланиши мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг таълим-тарбиясини янада яхшилашга қаратилган улкан қадам бўлди. Қонунда «ёшларга оид давлат сиёсати», «ёшлар», «ёш оила», «ёш мутахассис» ҳамда «ёшлар тадбиркорлиги» каби бир қатор тушунчалар қўлланилган.

Бундан ташқари, қонунда «ёш фуқаролар» тушунчасига изоҳ берилган. Унга кўра, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар ёшлар ҳисобланади.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ваколатлари ҳамда соҳадаги иштироки белгилаб берилиши унинг энг муҳим янгиликларидан бири бўлди.

Шунингдек, Қонуннинг 14-моддасида прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилиши муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Унга кўра, прокуратура органлари: ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этади; ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқий

---

---

маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг изчил давоми бўлди, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида олимларимиз қўйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишимиз лозимлигини билдиришади. Булар:

–болалар ҳуқуқларини кафолатлаш

мақсадида «Бола ҳуқуқлари бўйича вакил» (Болалар омбудсмани) институтини жорий этиш;

–болалар ижтимоий муҳофазасининг қўшимча кафолатларини ўзида акс эттирувчи «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун қўшимча ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар тўғрисида» қонун қабул қилиш ва ижросини мунтазам равишда мониторинг қилиш;

–болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга ихтисослашган адвокатураларни жорий этишб ;

вояга етмаганлар жиноятлари билан боғлиқ жиноят ишларини ихтисослаштирилган судлар томонидан кўриб чиқишни йўлга қўйиш, бу ўринда бир қатор хорижий давлатларда ишлаб турган ювенал адлия тизими тажрибасидан фойдаланиш<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Болаларни ҳимоя қилиш: Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т., 2006. – Б.163.

<sup>2</sup> Батафсилроқ маълумот учун қаранг: Судебная власть / Под. ред. проф. И.Л.Петрухина. – М., 2003; Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. – М., 1999.

<sup>3</sup> Абдумажидов Ф., Бакаева Ф., Тансиқбоева Г. Бола ҳуқуқлари: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2008. – Б.191.

<sup>4</sup> Франция // Правовые системы стран мира. – М., 2000. – С.613.

<sup>5</sup> Правовые система стран мира: Энциклопедический справочник. – М., 2000; Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. – М., 1999.

<sup>6</sup> Умаров Т. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2010. – №2. – Б.30.

<sup>7</sup> Пулатов Б. Бола ҳуқуқлари ҳимоясига оид давлат сиёсати ва унинг истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2010. – №2. – Б.37.

Э. У. Азизов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар  
органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси ўқитувчиси*

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада қонунлар ижросини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида фикр юритилган.

**Таянч тушунчалар:** қонун, қонунлар ижросини таъминлаш, фаолият, ташкил этиш, амалга ошириш, назорат, иш юритиш, нормани қўллаш, татбиқ этиш.

### **Пути повышения эффективности деятельности органов внутренних дел в обеспечении исполнения законов**

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы, касающиеся путей повышения эффективности деятельности органов внутренних дел в обеспечении исполнения законов.

**Ключевые слова:** закон, обеспечение исполнения законов, деятельность, организация, реализация, надзор, производство по делу, применение нормы, внедрение.

### **Ways of increase in efficiency of the activities of the organs of internal affairs in ensuring the observance of the law**

**Annotation.** The article considers the questions concerning the ways of increase in efficiency of the activity of the organs of internal affairs in ensuring the execution of laws.

**Keywords:** law, ensuring the execution of laws, activity, organization, implementation, supervision, proceedings, use of norms, implementation.

Мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жамиятда қонуннинг чинакам ҳукмронлиги таъминланишини тақозо этади. Бинобарин, ҳуқуқий давлатнинг пойдевори ҳам барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига, Конституция ва қонунларнинг устунлигига сўзсиз эришишдир.

Қонунларга қатъий риоя этилиши Ўзбекистон ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, умуман олганда жамиятнинг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритишга имкон беради. Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг одилона татбиқ этилишидадир.

Қонун ижрочилари бурчлари ва

масъулиятларига одилона ёндашиб, Ватан, давлат манфаати ва халқ тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб, қонунларни турмушда адолатли қўлласалар, бундан давлат ва жамият ҳам, халқ ҳам наф қўради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини

йўқотган қонунлар асосида чиқарилган»<sup>1</sup>. Бу албатта, давлат бошқарув органлари, жумладан ички ишлар органлари фаолияти юзасидан ҳам тегишли хулоса чиқаришга ундайди.

«Қонун ижроси билан кучли» деган иборага урғу берадиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ҳалоллик, адолат асосида иш юритиш — мутасаддилар учун асосий мақсад, жамият, халқ ва Ватан олдидаги буюк инсоний бурч, юксак масъулият бўлмоғи лозим. Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориев шундай ёзади: «Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самараси, унумдорлиги кўп жиҳатдан ҳуқуқни тўғри амалга оширишга боғлиқ. Агар ҳуқуқ татбиқ этилмаса, инсонлар хатти-ҳаракатида ўзининг мужассам ифодасини топмаса, ижтимоий тартибга солувчи восита сифатидаги қийматини йўқотади»<sup>2</sup>. Шу ўринда айтиш мумкинки, қонуннинг қадрият сифатидаги мантиғи унинг инсонларнинг онги ва иродасига таъсир ўтказа олиш қобилиятидадир. Айнан шу нарса қонуннинг амал қилиши масаласини долзарб мавзуга айлантиради.

Қонунлар ижросини таъминлаш масалалари ҳар доим ҳуқуқшунос олимларнинг диққат марказида бўлган. Юридик адабиётларда «ҳуқуқий нормани амалга ошириш», «ҳуқуқни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормани қўллаш» каби тушунчалар юзасидан яқдил фикр йўқ. Лекин, ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш — ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни англатиши аксарият назариётчи олимлар томонидан тан олинади.

Қонунларни татбиқ этиш тизимида ички ишлар органлари алоҳида ўрин тутаяди. Бошқа давлат бошқарув органлари каби ички ишлар органлари ҳам ўзларининг функционал вазифаларини амалга оширишлари билан қонунлар ижросини таъминлайди.

Ички ишлар органларининг умумий, махсус ва таъминловчи каби уч гуруҳдан иборат функционал вазифаларини кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>. *Умумий функцияларга* — ҳисобга

олиш, таҳлил қилиш, истиқболни белгилаш, режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш; *махсус (асосий) функцияларга* — фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси; *таъминловчи функцияларга* эса кадрлар билан таъминлаш, моддий-техникавий (хўжалик), молиявий таъминот ва иш юритиш кабилар кираяди.

Умумий, махсус (асосий) ва таъминловчи функционал вазифалар биргаликда ва ўзаро алоқадорликда амал қилади. Шу боис у ёки бу соҳага етарли эътибор бермаслик, уларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилиши тизимга ва бошқарув натижаларига муқаррар равишда салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашда муайян бошқарув жараёнларига эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Қонунлар ижросини таъминлаш тизимида қонуности ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш бўйича тайёрланадиган ва қабул қилинадиган бошқарув қарорлари муайян талабларга жавоб бериши ўта долзарбдир. Улар илмий асосланган, аниқ мақсадга йўналтирилган мантиқий, зиддиятлардан холи, тушунарли бўлиши ҳамда ўз вақтида қабул қилиниши зарур.

Шу билан бирга, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш бўйича тайёрланадиган ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг ижрочиларга ўз вақтида ва тўлиқ етказилиши, қарорлар ва бошқа материалларни назорат тартибида ўрганиш учун тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилиши, шунингдек комплекс ва мақсадли текширувлар ўтказилиши ҳамда улар натижаларининг ҳисоботларда акс эттирилишига тизимли ёндашиш, таҳлилий



---

---

маълумотлар тузилган ҳолда камчиликларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиши муҳим.

Ички ишлар органларида қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш стратегик, ташкилий-тактик, ташкилий оператив ҳамда шахсий ишни режалаштиришда кўл келади. Ва аксинча, уларнинг долзарблигини етарлича асосла-маслик, илгари мавжуд бўлган режаларнинг санаси, муддати ва бошқа реквизитларини ўзгартирган ҳолда уларни номигагина ишлаб чиқиш қонунлар ижросини ўз вақтида таъминлашда бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бундай режалар қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, ўтган даврдаги оператив вазият натижаларини таҳлил қилиб ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилаган, олдинда турган асосий вазифалар ва кечаётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда тузилишини назарда тутати.

Қонунларнинг ижросини ташкил этишда давлат бошқарув органлари тизимида иш юритиш алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятида иш юритиш сезиларли ўрин тутган. Бутун ички ишлар органларининг фаолияти ва унинг тезкорлиги кўп жиҳатдан иш юритишнинг қандай ташкил этилганига боғлиқ. Иш юритиш, яъни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар айланиши қонунлар ижросини таъминлашга катта таъсир кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2010йил 22 июль) 155-сон қарори ҳамда ички ишлар органларида иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ички ишлар органларида электрон ҳужжат айланиши

тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси (2015 йил 19 апрель) қабул қилинган. Аммо қабул қилинган қонунларни ички ишлар органларидаги масъул ижрочиларга ўз вақтида етказишнинг замонавий шакл ва усуллари-дан кенг фойдаланилмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ички ишлар органларида иш самарадорлигини ошириш учун, *биринчидан*, қисқа муддатларда бажарилиши керак бўлган бошқарув ҳужжатларини электрон кўринишда жўнатиш ва қабул қилиш; *иккинчидан*, ички ишлар органлари ва ходимлари томонидан кўрсатма ва топшириқларнинг ижроси юзасидаги назоратни олиб бориш; *учинчидан*, Ички ишлар вазирлиги ва қуйи тизимларига кўрсатма, маърузалар, ҳисоботлар, маълумотномалар ва махфий бўлмаган хизмат ҳужжатларини электрон кўринишда жўнатиш; *тўртинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш учун Ички ишлар вазирлигига электрон кўринишда юбориш лозим бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирда ички ишлар органларининг марказий аппаратлари ва баъзи соҳавий хизматларида электрон ҳужжат айланиши тизими самарали ташкил этилган ва ўз самарасини бериб келмоқда.

Қонунлар ижросини таъминлашда бошқарув жараёнининг бир тури ҳамда ижрони ташкил этишнинг мустақил элементи сифатида назоратнинг таъсирчан механизмларини оптимал даражада ишлаб чиқиш ҳам муҳим саналади. Ҳозирда ички ишлар органларида назоратни амалга оширишда ижрочиларнинг фаолияти билан жойларда бевосита танишиш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш ва ишлари тўғрисидаги ахборот ҳужжатларини ўрганиш каби шакллари кенг тарқалган. Шунингдек, назорат қилишнинг ошкора ва ноошкора усуллари келтириш мумкин. Бугунги кунда ички ишлар органларида қонунлар ижросини назорат қилишнинг замонавий

---

---

интерфаол усул ва шаклларидадан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб кузатиш, ўрганиш ва текшириш жорий этилмоқда.

Умуман олганда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бекаму кўст татбиқ этилишига эришиш яхлит

---

---

бир бутун механизм сифатида шакллантирилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг яқдил саъй-ҳаракатини тақозо этади.

<sup>1</sup> *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Постда. — 2016. — №50.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ. — Т., 2009. — Б.401.

<sup>3</sup> *Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А.* Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. — Т., 2005. — Б.25.

---

---

Б. И. Эгамбердиев,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар  
органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси ўқитувчиси

## **НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

**Аннотация.** Мақолада ноқонуний миграция профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги профилактик чора-тадбирлари юзасидан мулоҳаза юритилган.

**Таянч тушунчалар:** миграция, ноқонуний миграция, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таълим муассасалари, давомат, иш билан таъминлаш, комиссия, «Маҳалла» жамғармаси, жамоат тузилмалари.

### **Специфика взаимодействия органов внутренних дел с общественными формированиями при осуществлении профилактики незаконной миграции**

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы организации совместных профилактических мероприятий органов внутренних дел и общественных формирований при осуществлении профилактики незаконной миграции.

**Ключевые слова:** миграция, незаконная миграция, взаимодействие, профилактика правонарушений, образовательные учреждения, посещаемость, трудоустройство, комиссия, Фонд «Махалла», общественные формирования.

### **Specifics of interaction of the organs of internal affairs with public formations at implementation of prevention of illegal migration.**

**Annotation.** The article deals with the questions of organization of joint preventive actions of the organs of internal affairs and public formations at implementation of prevention of illegal migration.

**Keywords:** migration, illegal migration, interaction, prevention of offenses, educational institutions, attendance, employment, commission, the Fund “Makhalla”, public formations.

Бугун жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида миграция ва у билан боғлиқ ноқонуний жараёнлар давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар куни 2,5 млн одам мажбурий меҳнатга жалб этилиб, бундан топилаётган йиллик даромад ҳозирда 32 млрд, ноқонуний миграциядан келадиган даромад эса 7 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Бугун ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, «оммавий маданият» сингари турли хавф-хатарлар кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда мазкур иллатларга

қарши кураш, уларнинг манбаларини аниқлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш бўйича суд-ҳуқуқ тизимида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ноқонуний миграцияга қарши кураш ҳамда профилактикасини таъминлашда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоат тузилмалари, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўринга эга бўлиб, уларнинг роли янада кучайтирилмоқда.

Одатда, ноқонуний миграциянинг *ички* ва *ташқи* кўринишлари фарқланади.

**Ички ноқонуний миграция**—қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга

---

риоя этмасдан ёки уларни бузган ҳолда аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга бориб меҳнат қилиши, кўчиши ва у ерда яшашидир. Ноқонуний миграциянинг ушбу шакли жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя этмасдан ғайри-ижтимоий тарзда ҳаёт кечиришга мослашган, бунинг салбий ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини англамаган шахслар томонидан содир этилади. Ички ноқонуний миграция, масалан, фуқароларнинг вақтинчалик бир марталик ишларни бажариш мақсадида мамлакатимизнинг ўзга ҳудудларида паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, шунингдек вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши ёхуд яшаётган жойида ҳисобда турмаслиги натижасида юзага келади.

Республикамизда содир этилган жиноятлар таҳлили ички миграцияни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси етарли таъминланмаётгани натижасида кўп жиноятлар ўзга вилоят, туман-шаҳар фуқаролари томонидан содир этилаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг дастлабки икки ойи давомида ички ишлар органлари томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсларнинг 27,9%ини бошқа вилоятлардан келган вақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчи шахслар ташкил қилмоқда.

Шу сабабли ҳам ички ишлар органлари, бандлик ва меҳнат органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда чет элга чиқиб келган ва чиқиш ниятида юрган шахсларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш айтилиши вақтда ноқонуний миграциянинг олдини олишга қаратилган бўлиб, бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Зеро, «аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айтилиши пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак»<sup>2</sup>. Шу маънода,

«галдаги муҳим вазифа — бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат»<sup>3</sup>. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш, республикадаги касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қуватлаш билан бирга, ноқонуний миграция натижасида юзага келувчи ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш ва профилактикасига хизмат қилади.

Шу боис, ички ишлар органлари томонидан мамлакатимизда ички ноқонуний миграциянинг олдини олиш бўйича жамоатчилик билан ҳамкорликда қўйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

—маъмурий ҳудудга вақтинчалик ишлаш учун келган шахсларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя этишини, яъни келган кунидан бошлаб уч сутка ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтиши, акс ҳолда маъмурий жавобгарликка тортилиши тўғрисида («Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 30-моддасида) белгиланган тартибда расман огоҳлантириш;

—жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, 16 ёшга тўлган ва вақтинчалик бир марталик иш изловчи фуқароларга, шунингдек иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга жойларда вақтинчалик бир марталик меҳнат фаолияти тўғрисида тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларини амалга ошириш;

—бошқа вилоятлардан келган ишга ёлланувчи фуқаролар ҳамда иш берувчи жисмоний ва юридик шахслар томонидан вақтинчалик бир марталик ишларнинг бажарилишида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва паспорт режими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

—саноат, қурилиш, савдо, бозор ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган корхоналарда ўзга вилоятлардан келган ишчиларга вақтинчалик меҳнат фаолиятини

---

---

амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг ушбу фаолият билан шуғулланишига чек қўйишда корхона раҳбарларининг масъулиятини ошириш бўйича тегишли тақдимномалар юбориш.

**Ташқи ноқонуний миграция** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмасдан аҳолининг бир мамлакат ҳудудидан бошқа бир мамлакат ҳудудига чиқиши, уни кесиб ўтиши, унга кириши ёки унда бўлишидир. Хорижий мамлакатларда ушбу тушунчага турлича таъриф берилган. Хусусан, Россия Федерациясининг миллий қонунчилигида ноқонуний миграция деганда МДХ иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудига ўтиш, МДХ иштирокчи давлатлари фуқароларининг шу давлатда бўлиши, учинчи давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларининг шу давлат қонунчилигини бузиш йўли билан амалга оширилиши тушунилади<sup>4</sup>.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш услулари таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жараён иштирокчилари асосан айланма йўллар билан ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалига Қирғизистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси каби давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узоқ хорижий ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқадилар. Бу уларнинг асосий йўналишига айланган.

Ноқонуний миграциянинг мамлакатга таҳдиди, шунингдек ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик билан боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

*биринчидан*, меҳнат қонунчилигида белгиланган талабларнинг бузилиши оқибатида меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

*иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари, шунингдек халқаро стандартлар ва миллий қонунлар талабларининг бузилиши;

*учинчидан*, одам савдоси, қурол-яроғ, наркотрафик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, терроризм, диний экстремизм билан боғлиқ бошқа жиноятлар содир этилиши;

*тўртинчидан*, мигрантларнинг узоқ вақт

давомида оила аъзолари билан бирга бўлмаслиги оқибатида оилаларнинг бузилиши, вояга етмаганларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши, ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши;

*бешинчидан*, турли хавfli юқумли касалликларга чалиниши ва санитария-гигиена ҳолати ёмонлашиши, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг кучайиши ва ҳ.к.

Шу боис ҳам бугун ноқонуний миграцияга қарши кураш ва профилактикасини таъминлаш ички ишлар органлари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бўлиб, унинг асосий йўналишлари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ноқонуний миграциянинг профилактикасини таъминлашда ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиши кафолатланган. Ҳозирги вақтда ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида жамоатчилик билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги фикримиз тасдиғидир. Амалий ишлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги тизимли тус олди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш ваколатига эга. Мазкур нормалар жойларда бандликни

---

таъминлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қуватлаш, шунингдек фуқароларнинг мамлакат ташқарисидаги меҳнат фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ваколати юклатилганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ноқонуний миграция билан боғлиқ, жумладан, паспорт тизими қоидаларини (МЖТК 223-м.), давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни (2241-м.), Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини (225-м.), чет элга чиқиш учун ҳужжатлар расмийлаштириш тартибини (226-м.) бузиш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларига кўмаклашишини ҳуқуқий мустаҳкамлади.

Ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фож этиш ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолган фуқароларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига кўмаклашиш мажбурияти белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда республикаимиз шаҳар,

қишлоқ, овулларида фаолият олиб бораётган жами 3819 та ички ишлар органлари таянч пунктларининг қарийб 95 фоизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашганлиги<sup>5</sup> ушбу мажбуриятларнинг самарали бажарилишини таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари миграцияни тартибга солиш фаолиятида, хусусан, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан тегишли чора кўришда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиб, ижобий натижаларга эришмоқда.

Ҳозирги вақтда кўплаб ўзбекистонлик фуқаролар чет элларда меҳнат сафарларидадирлар. Бугун биргина Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг 1 млн 750 мингдан ортиқ фуқароси (уларнинг 81,3 фоизи эркак, 18,7 фоизи аёл) яшаб келмоқда. Бу ҳол ноқонуний миграциянинг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шунга қарамай, минглаб фуқароларимиз қонунда белгиланган тартибда эмас, балки ноқонуний миграция асосида хорижий давлатларга чиқиб кетиши ва у ердан келиши кузатилмоқда. Бу соҳадаги ижтимоий ҳамкорлик тизимини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари ислохотларнинг бугунги босқичида долзарблигича қолмоқда.

Бугун мамлакатимизда ноқонуний миграцияга қарши кураш борасида ички ишлар органлари, хусусан профилактика инспекторларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган профилактик чора-тадбирлари сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Шу боис, ноқонуний миграция профилактикасини амалга оширишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги), «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати

---

тўғрисида»ги ҳамда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларига асосан, профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда бир қанча йўналишларда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

Жумладан, профилактика инспекторлари *яраштириш комиссияси таркибида* фаолият кўрсатиш орқали ноқонуний миграциянинг олдини олиш учун қуйидагиларга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади:

–худудаги маънавий муҳит ва фуқароларнинг турмуш тарзини ўрганиш, ушбу муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чораларини кўришда миграцияни тартибга солишнинг ягона механизмини ташкил қилиш;

–чет элга кетган ва қайтиб келган шахс сифасида ҳисобда турган, айниқса муқаддам судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этувчи, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш;

–ноқонуний миграция билан боғлиқ жинояти учун жазоланиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, иш билан таъминлаш ва жамиятдаги ҳаётга мослаштириш.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг *маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси таркибида* фаолият кўрсатиш орқали ҳамкорликда қуйидагиларга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади:

–меҳнат сафарига чет элга чиқиб кетган ва қайтиб келган шахслар оиласида, маҳалласида соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, маданий меросимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш;

–ишлаш мақсадида чет элга бориб келган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари

таъсиридан ҳимоялаш;

–турли мақсадларда чет элга бориб келган шахсларга гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатларини тушунтириш.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг *хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси билан ҳамкорликда* қуйидагиларга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади:

–чет элга кетган ва қайтиб келган вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

–хотин-қизларга хорижий давлатларга ноқонуний кетишнинг оқибатларини, одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва бошқа жиноятларнинг қурбони бўлиб қолишлари мумкинлигини мисоллар орқали тушунтириш;

–ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этиб, жазони ўтаб чиққан хотин-қизлар ва ёшларга ишга жойлашишда қўмаклашиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятда яшашга мослаштириш.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг *вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси таркибида* фаолият кўрсатиш орқали ҳамкорликда қуйидагиларга йўналтирилган тадбирларда иштирок этади:

–вояга етмаганлар ва ёшларнинг чет элга ноқонуний кетишларининг олдини олиш мақсадида ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, “оммавий маданият” салбий таъсирларининг олдини олиш, бунга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

–чет элга чиқиб келган ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари, халқ ўйинларини ривожлантириш;

---

–ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилишни ва спортга қизиқишни рағбатлантириш;

–ёшлар ва вояга етмаганлар таҳсил олаётган таълим муассасаларида хорижий давлатларга ноқонуний кетишнинг оқибатлари, одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва бошқа жиноятларнинг қурбони бўлиб қолишлари мумкинлиги бўйича видеороликлар, кинофильмлар намойиш қилиш орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш;

–ёшлар ва вояга етмаганлар ишлаш учун чет элга кетишларининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларининг маъмурияти билан мунтазам равишда «Давомат» тадбирларини амалга ошириш, талабалар ичидан чет элга сабабсиз кетганларини аниқлаш ҳамда айбдорларга маъмурий таъсир чораларини қўллаш;

–академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирган шахсларни ўз вақтида касби бўйича ишга жойлаштириш чораларини кўриш, бу борада юқори турувчи маҳаллий ҳокимликлар, корхона, ташкилот ва муассасаларга тавсиялар кири-тиш, ишсиз юрганлар ҳисобини юритиш.

Профилактика инспектори фуқаролар йиғинининг «*Маҳалла посбони*» жамоатчилиқ тузилмаси билан ҳамкорликда қуйидагиларга йўналтирилган чора-тадбир-

ларни амалга оширишда иштирок этади:

–ноқонуний миграция профилактика-сини таъминлашда чет элга чиқиб, қайтиб келган шахсларга нисбатан тарбиявий-профилактик ишлар олиб бориш;

–фуқароларнинг чет элга ноқонуний чиқиб кетишларининг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактик чора-тадбирлар ўтказиш;

–чет элга чиқиб, қайтиб келган ҳамда чет элга кетмоқчи бўлган шахслар билан умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикани амалга ошириш.

Ноқонуний миграциянинг профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг маданий хордиқ чиқариш, таълим олиш, даволаниш, шартнома асосида ишлаш учун чет элга чиқиш ва келиш каби соҳалардаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш учун ички ишлар органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, бу борада ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларнинг сифатини ошириш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш, ноқонуний миграция асосида чет элга чиқувчи шахслар устидан ягона самарали назорат механизми-ни ўрнатишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

---

1 Базаров Ф.А. Одам савдосига қарши курашнинг миграция билан боғлиқ айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – №2. – Б.38.

2 Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

3 Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика Ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2017. – 15 янв.

4 Қаранг: Решение Совета глав государств СНГ «О Концепции сотрудничества государств – участников Содружества Независимых Государств в противодействии незаконной миграции» от 16 сентября 2004 г. Режим доступа: <http://www.minsk.by> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт. 20.01.2017 й )

5 Қаранг: Халққа хизмат – олий шараф. Ички ишлар органларининг таянч пункти республика кўрик танлови // Постда. – 2017. – 25 март.

6Россия Федерацияси Миграция хизматининг маълумоти. – <http://zagranfast.ru/news/2016-04-12/kolichestvo-trudovykh-migrantov-iz-tcentralnoy-azii-v-rossii-nes> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт. 20.01.2017 й )



